

ОДИЛЖОН САЛОҲИДДИНОВ

ИБРАТЛИ
РИВОЯТЛАР
ВА ҲИКМАТЛАР

ОДИЛЖОН САЛОХИДДИНОВ

**ИБРАТЛИ РИВОЯТЛАР
ВА ХИКМАТЛАР**

Андижон - 2017 йил

**РИВОЯТ ВА ХИКМАТЛАРНИ ТЎПЛОВЧИ,
ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ,
ПРОФЕССОР ОДИЛЖОН САЛОХИДДИНОВ**

ТАҚРИЗЧИ: Анижон Давлат тиббиёт институтининг
1-УАШТ кафедраси профессори , тиббиёт
фанлари доктори, З.С.Салохиддинов

Рисоладан ёш ота-оналар, мактаб, коллаж, академик лицей,
институт педагог ва ўкувчи-талабалари унумли
фойдаланишлари мумкин.



Тиббиёт фанлари доктори, профессор
ОДИЛЖОН САЛОХИДДИНОВ

Сүз боши

Узок тарихга эта бўлган ўзбек ҳалки таълим-тарбияга оид бой меросга эга. Биз жаҳон маънавияти хазинасини бойитган Имом Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Ахмад Ал-Фарғоний, Муҳаммад Ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Амир Темур, Бобур Мирзодек улуг алломалар меъросхўримиз.

Ҳаммамизга маълумки, мустақиллик бизга ўз эркимизни, миллий урф-одатларимизни, жаҳон тан олган удум ва қадриятларимизни кайта тиклаш имконини берди. Энди уни мустақамлаш ҳаммизга, бизнинг маънавиятимизга боғлик.

Республикамизнинг биринчи Президенти И.А. Каримов: «Маънавият инсонга она сути, ота намунаси ва аждодларимиз ўтилари билан сингади» деб бежиз айтмаган.

Бугунги кунда ҳалқ одобномаси ҳусусида кўп гапирилаяпти. Ҳалқимиз; «Унитилган хато ёмонлик тузатилган хато омонлик белгисидир» деб, тугри айтган.

Биз юкоридаги улуг алломалар меросини, маънавий сарчашмаларини чукур ўрганиб, эҳтиёт килиб, бойитиб, улар ёккан чироқларини янада мунаvvар этмогимиз даркор.

Ҳалқимиз асрлар давомида жуда катта ҳаётий тажриба тўплаган, шу тажриба мерос сифатида турли воситалар билан келажак авлодларга ўтиб боради. Ибратли ривоятлар, мақоллар ва ҳикматлар ана шундай бебаҳо маънавий мерос ҳисобланади.

Агар биз ҳаётни денгизга қиёсласак, умр давомида у ўз тўлкинлари аро бизни гоҳ шодлигу-бахтга элтувчи кирғокка, гоҳ ғам-андуҳга ошно қилиб, бошқа бир кирғокка олиб чикиб ташларкан. Бу онларда бизни ўйга тўлдирадиган оддий ва мураккаб муаммолар пайдо бўларкан, баъзан улардан қандай кутилишни билмай қоларкансан.

Мана шундай ҳолатларда бизга ривояту-хадислар, ҳикматлар, нақллар, алломаларимиз, қексаларимизнинг панду-насихатларни асқотаркан.

Ҳалқимиз орасида; "От минган ҳам йўл сурайдими?" деган ҳикматли сўз юради. Бунинг сири щундаки, йўлни сен топмасанг, от топади. Туғрироги, ҳикмат сенга тўғри йўл кўрсатади. Йигитга от қанича керак бўлса, ҳикмат ҳам шунча даркордир.

Шуни билмоқ лозимки, ривоятлар ҳам, накл ва хикматлар ҳам нимагадир асосланади, улар ўйлаб топилмайди, тўкиб чикарилмайди. Улар узок йиллик турмуш тажрибаларига эга бўлган, хаётнинг аччик – чучугини кўп тортиб, ундан тегишли хуласалар чикара олган инсонларнинг фикр – мулохазалари, хукми, ўгити, панд насиҳати сифатида юзага келади. Замонлар ошса ҳамки, улар йиллар давомида авлодларга сабок бериб, ҳар бир калба ёруғлик хадя этади. Улар инсонлар ақлини ўткирлаштиради, нутқини равshan ва таъсирчан қиласди, хаётда тўғри йўлни танлай билишга ҳаётий жумбоклар ва муаммоларни тўғри ечишга ўргатади, турмушнинг жамики катта-кичик масалалари хусусида қимматли маслаҳатлар беради.

Ушбу рисолада бир канча ривоятлар, маколлар, туртликлар ва хикматлар келтирилганки, улар ҳам аклими, ҳам калбимиизга таъсир килиб, ишимиз ва турмушимизни, феъл – атворимизни, одобимиизни, одиллик, меҳр-шафкат, ҳакгуйлик, халлоллик, ота-она ҳурмати, фарзандлар бурчи каби фазилатларимизни, адашиб ёки билиб туриб йул кўйган камчиликларимизни тиник кузгуда курсатгандек намоён этадилар, юксак инсоний мезонлар билан яашашга, турмушда пайдо булган муаммоларни очимини тугри топишга, хаётда тугри йулни танлай билишга, нуткни равshan ва таъсирчан килишга, ёшларни эса комил инсон булиб шаклланишига ундейдилар, деган умиддамиз.

Муаллиф

ИБРАТЛИ РИВОЯТЛАР

I. Иңсон күйглини нозиклиги ҳақида

1. Ривоят қилишларыча, сахрои одамлардан бири бир чуқурликта йигилиб қолган ёмғир сувини күриб қолибди. Сув балчик, лойга аралашып, ранги ўзгарып қолган экан. Умрида шүр сувдан бошқа сувни күрмаган бу сахро одами ёмғир сувидан ичиб күрибди, сув унга жуда ҳам ширин бўлиб туюлибди. У севиниб: “Бу сув дунё суви эмас, жаннат суви бўлса керак. Ундан халифа Хорун ар-Рашидга ҳадя қилсан, у менга албатта инъом-эҳсон қиласди, шу билан мен мухтожликдан кутуламан”, - деб уйлабди. Дархол ёнидаги кичик бир идишга ёмғир сувини тўлдириб, Богдод шахрига қараб жўнабди.

Ўша куни халифа Хорун ар-Рашид одамлари билан бирга шу сахрода ов қилиб юрган экан. Халиги одам халифани күриб қолибди. Севиниб, дарров унинг ёнига югуриб бориб, таъзим бажо келтирибди ва идишдаги ёмғир сувини жаннат суви деб мактаб, халифага тақдим қилибди. Халифа идишдаги ранги ўзгарган, бу ёмғир сувини күриб, масалага дархол тушунибди. У сахроинга: - “Баракалла, биродар, менга жуда ҳам кимматли ҳадя қилгансан, бу сув ҳакикатдан ҳам дунё суви эмас, жаннатдан чиқсан сув. Бу муборак жаннат сувини факат ўзим ичаман, хеч кимга бермайман”, - дебди ва хизматчисига ишора қилиб: - “Биродарим келтирган мана бу муқаддас ва жаннат сувини менинг ўз идишимга куйиб кўй, эҳтиёт қилиб сакла”, дебди. Шундан сўнг сахроинга минг дирхам инъом қилиб, Богдодга бормасдан, ўз уйига кайтиб кетишини буюрибди. У киши халифани инъомини олиб, севина-севина уйига кетибди.

Одамлар халифадан: - Нима учун у одамга шаҳарга бормай, шу ерни ўзидан уйига кайтиб кетишини буюрдингиз? – деб сўрабдилар.

Хорун ар-Рашид айтибдилар: - Умрида ширин сувни күрмаган бу сахро одами ранги ўзгарган ёмғир сувини жаннат суви деб ўйлаб, менга ҳадя қилиб келтирган. Агар мен у келтирган сувни ёмон сув, деб ўзига кайтарсам, уни кўнгли ранжиган бўларди. Шунинг учун сувни олиб қолиб, инъом – эҳсон қилдим. Агар бу одам Богдодга борса, ширин оқар сувларни кўрса, бу сувни ҳадя

килганидан жуда уяларди. Мен уни күнгли озор топмаслиги, уялмаслиги учун шу ердан ўз уйига қайтиб кетишини буюрдим. Бир кишини маъюс ва ноумид қилишдан, дилига озор беришдан ёмонроқ иш йўқдир. Мен буни истамадим, у бечоранинг күнглини кўтариб, савобли иш қилдим, “дилозордан худо безор” деганларку”.

2. Ривоят қилишларича, Низом ул – Мулк олийжаноб ва ҳаққоний вазир экан. Бирор ҳадия келтирса, ҳаммага баб-баровар бўлиб берар экан. Бир куни бир боғбон учта эртаки бодринг келтирибди. Вазир бирин-кетин уччала бодрингни ўзи еб кўйибди, боғбонга эса минг дирҳам инъом бериб жўнатибди. Вазир дам олгани чиққанида нодим: “Жаноб, сиз нима учун кўк бодрингни биргина ўзингиз едингиз, сизнинг одатингиз бундай эмас эди-ку”, дебди. Шунда вазир: “Бодринглар аччик экан, бошқаларга берсам аччиклигига чидай олмай, дехқонни кўнглини оғритган буладилар”, - деб жавоб берган экан.

Кўрдингизми, авваллари инсон кўнглини хатто подшо, вазирлар ҳам ранжитишдан ўзини тийганлар. Чунки инсон кўнглини гулдек нозик дейдилар. У факат офтоб нуридан яйрашидан ташқари, диккат зътибор, ширин сўз, табассум, адолатлилик, олийжаноблик, самимиликдан ҳам яйрайди.

Кўнгилни яралаш кийин иш эмас, аммо кўнгилга йўл топиш анча мушкулдир. Донолар фикрича, инсон икки нарса тўфайли қарилек нималигини билмаслиги мумкин экан: улардан бири – хуш килик, иккинчиси – эзгу сўз экан. Уларга тўғри амал қилинса, минг-минглаб фойда ва нафлар оларкансан.

Лекин ҳозирда инсон кўнглини оғритадиган дилозорларни хам учраши кунгилни ранжитади.

3. Ривоят қилишларича, бир подшо ўглини устозга топширибди. Ўғил ўн йил ўрганиши керак бўлган ҳамма масалаларни ўрганиб бўлибди.

Шогирд уйига қайтаётганида, устози уни бекордан-бекорга юзига каттиқ тарсаки тортиб юборибди. Шогирд бу хўрликка чираб, индамай, хайрон бўлиб, уйига қайтибди.

Орадан 10 йил утгач, у отаси ўрнига шох бўлибди ва устозини олдига чакириб, тарсаки сабабини сўрабди. “Мен, дебди устоз сизни бекордан-бекорга ургандим, ана шу ноҳақ тарсаки мана ўн йилдан бери қалбингиздан ўчмабди. Билиб кўйингки, сиз кимга ноҳақ зулм ўтказсангиз, унинг қалбида алам донмо сакланиб

қолади. Бу менинг сизга зулм ҳақидаги охирги дарсим эди" деган экан.

4. Ривоят қилишларича, бир одам айқ билан дўстлашиб колиб, уни меҳмон қилибди. Зиёфат охирлаб, айқ кетишга изн сўраганида, у одамнинг меҳри жўшиб, айқни ўтиб хайрлашибди. Шунда уларни кузатиб ўтирган хотини: „Сассиқ меҳмонларга тоқатим йўқ”, дебди. Айқ индамай чиқиб кетибди. Орадан кунлар ўтиб, одам дўсти айқни кўргиси келиб, йўлга отланибди. „Кайтишда ўтин хам кесиб келарман”, дея болтасини хам олволибди. Айқ уни қувонч билан кутиб олиб, меҳмон қилибди. Сўнг „Шу болтанг билан бошимни ёр”, дея илтимос қилибди. Айқ ялинавергач, одам унинг бошини ёрибди. Айқ ўкирганча, ўрмонга кириб кетибди. Одам эса таажкуб ва афсус билан уйига қайтибди. Орадан бир канча вакт ўтгандан сўнг айқ одамнига келиб дебди: „Кара, бошимни уриб ёрган эдинг, ярам битди. Аммо хотинингни тили билан тилинган қалбим яраси ҳалигача битгани ёк. Ҳамон жароҳат қалбимни ўртгайди”. Тил заҳрининг ёмонлиги шу кадар улкандир.

Хулоса

Кўнгил деганлари мисоли шиша,
Синиб қолмасин у, аспа ҳамиша.

II. Сўз қудрати ҳакида

I. Ривоят қилишларича, кунларнинг бирида Лукмони ҳаким кўчада кетаётган экан. Қараса, сал олдинда бораётган бир қиз ботбот туфлармиш. Буни кўрган ҳаким қизнинг орқасидан корама-кора бораверибди. Ниҳоят, қиз бир уйга кирибди. Унинг кетидан етиб борган Лукмони ҳаким дарвозани таққиллатибди. Дарвозадан бир мўйсафид чиқиб ҳакимни танибди ва эҳтиром билан уйга таклиф этибди. Гап орасида Лукмони ҳаким мўйсафидга:

- Қизингиз бедаво дардга чалинибди, афсуски муолажанинг иложи йўқ, дебди.

Ҳакимнинг бу сўзларини ҳалиги қиз эшик орасида эшишиб турган экан. Бирдан қизнинг юраги дук-дук уриб, қалтираб

йиқилибди ва хушдан кетибди. Ҳуллас шу бир оғиз сўз оқибатида қиз қаттиқ дардга гирифтор бўлиб, оламдан ўтибди.

... Кунларнинг бирида қизнинг отаси Луқмони ҳакимни учратиб қолади. Шунда ота:

- Таксир, қизим бедаво дардга чалинганини қандай билган эдингиз? – деб сўрайди.

- Қизингиз кўчада туриб, бот-бот қон туфлаганини кўрган эдим,
- деб жавоб қиласи Луқмони ҳаким.

- Бу жавобни эшиштган чол ўз пешонасига битта уради. Кейин сал ўзига келгач:

- Эҳ аттанг, қизим ўша куни шотут еб эди, сиз кўрган туфурги шотут шарбатику! – дебди.

Шунда Луқмони ҳаким чол олдида тиз чўкиб узр, сўрабди:

- Сиз менга ва биздан сўнгги авлодларга унитилмас сабок бердингиз. Бир сўз билан соппа-соғ одамни ўлдириш ёки аксинча беморни оёққа тургизиб юбориш мумкин экан.

2. Ривоят килишларича. бир подшоҳ туш кўрибди, тушида оғзидан барча тишлиари тўқилиб кетганмиш. Тушни таъбир қилувчини чақириб: “Тушнинг таъбири недур?”, депти. У: “Эй шоҳим, сенинг олдингда барча хеш, акрабо ва қариндошларинг ўлгусидир. Андоғим, сендан ўзга ҳеч ким қолмағувсидир”. Буни эшиштган подшоҳ: “Менинг юзимга бундок дардлиғ ва андуҳлиғ сўзни айтдинг. Менинг барча қариндошларим ўлсалар, сўнгра мен қандоғ ишга ярман ва на янглиғ рўзғор сурарман?”-деди ва унга юз таёқ урмоқ буюрди. Сўнгра бошқа бир тушни таъбир қилувчини чақириб, муддаони сўзлабди. У: Эй шоҳим, сенинг умринг барча акраболаринг умридан узоқ бўлур”, депти. Подшоҳ депти: “Барча ақлнинг йўли бирдир ва икковининг таъбирларининг негизи бир ерга борур, аммо сўздаги ибораларнинг орасида фарқ бағоят кўпdir”. Подшоҳ сўнгги тушни таъбир қилувчининг сўзамоллиги, етти ўлчаб бир сўзлашини тақдирлаб, унга юз тилло берган экан.

3. Ривоят килишларича, бир подшоҳнинг жуда ҳам чиройли оти бор экан. Подшоҳ отини жуда севаркан. Кунлардан бир куни шу оти касалланиб, ўлибти. Газаб отига минган подшоҳ отбокарни ўлдириш қасдида уни хузурига чорлабди. Подшоҳни доно вазири бор экан. Вазир орага тушиб, подшоҳни бу ниятидан қайтармоқ учун унга мурожаат қилибди.

- Подшоҳим, сабр қилинг, аввал бу ярамас отбокарнинг килган жинояти кандай натижалар берганини ўзига бирмабир айтайлик, икror бўлганидан сўнг ўлдирсангиз бўлади, - дебти.

Кейин отбокарга, гўё газабланган бўлиб, айтибди:

- Эй ярамас отбокар, килган жиноятингнинг келтирган ёмон натижаларини биласанми? Билмасанг, мен бирма-бир айтиб берай,

айбингта икror бўлсанг, ўлимдан озод бўлиб, яна хизматингни давом эттираверасан.

Биринчидац, биламиз, подшоҳимизнинг отини яхшилаб бокдинг, унинг ўлишини эмас, ҳатто касал бўлишини истамадинг, лекин бечора от казоси етиб, ўлиб қолди. Бало қазони қайтариб, отнинг умрини узайтиришга нега кучинг етмади? Мана шунинг учун айборсан, тўғрими? Эй нобакор отбокар, айбингта икror бўл!

Иккинчидац, биламиз, отни сен ўлдирмадинг, умри тугаб, казоси етиб ўлди, лекин подшоҳимиз сендан гумон қилиб, шу даражада газабландиларки, муборак кўлларига қилич олиб, сени ўлдирмокчи бўлдилар. Бу ишлари билан оламга кулги бўлишларига сал қолди. Бунинг учун ҳам сен айборсан, айбингни бўйнигта ол!

Учинчидац, подшоҳимиз бир от деб сени ўлдирсалар эди, бутун одамзод: - Фалон подшоҳ бир ҳайвон деб отбокарини ўз қўли билан ўлдирган, инсондан ҳайвонни ортиқ ҳисоблаган, инсоннинг кадр-кимматини ерга урган", - деб подшоҳимизга лаънат ўқирдилар, нафрат назари билан бокардилар, шу билан подшоҳимизнинг муборак номлари булганаарди. Бунга, яна сен сабабчи бўлардинг. Кел, подшоҳимизга узр айт, ҳамма айбларингта икror бўл, ундан кейин подшоҳимиз нима қарорга келадилар, ўзлари биладилар. Менинг сўзларимни уқдингми, ярамас отбокар?

Подшоҳ тадбирли вазирнинг қинояли сўзларидан таъсирланиб, кўлидаги қиличини улоқтириб, отбокарни ўлдиришдан қўл тортиби, уни яна ўз хизматига кўйибти.

Шундай қилиб, тадбирли вазир Сўзни жой-жойида ишлатиб, газаб отига минган подшоҳни ножӯя харакатдан тўхтатиби, уни огохлантириби, шу билан гуноҳсиз отбокарни ўлимдан куткариби.

Демак, хар бир сўзни ўйлаб, тушуниб, тарозига солиб гапирмоқ кўп наф келтиаркан.

4. Ривоят қилишларыча, бир куни Пайғамбар алайхиссалом сахобаларига қараб: “Сизлар эсон-омон ухлаб турсаларингиз, нафас олсаларингиз, күл-оёкларингиз соғ-саломат қимирласа, баданингиздаги ҳар бир бўғим эвазига биттадан садака вожиб бўлади”, - деган эканлар. “Бунча садақани қаердан оламиз”, - дейишибди сахобалар. Шунда Расуллиллоҳ: “Яхши сўз ҳам садакадир”, - деган эканлар.

Бир инсон билан учрашиб икки оғиз ширин сўз билан унинг кўнглини кўтариб кўйсангиз, сиз унга катта маънавий хадя инъом этган бўласиз, шунда ҳамма бўғимларингизнинг саломатлиги эвазига берилган садақадан хорижсиз.

Шу боис донолар: “Оғиз ичидаги тил, қин ичидаги яширинган қиличдир”, “Тил тезлигидан қадам тезлиги яхши”, “Тил борки бол келтиради, тил борки бало келтиради”, “Тил тинч бўлса, бош саломат бўлади”, “Кишининг тойиши оёгини қонатади, тилнинг тойиши барча неъматлардан маҳрум этади”, “Яхши сўздан одам яшнайди”, ёмон сўздан олам қақшайди”, “Сўз инсон юрагининг калити”, “Яхши сўз айтиш ҳам савобдир”, “Сувнинг мазаси муз билан, ошнинг таъми туз билан, инсон яхшиси – сўз билан”, “Айтар сўзни айт, айтмас сўздан кайт”, “Сўзни кўнгилда пиширмагунча, тилингта чиқарма”, “Фамсиз яшашнинг белгиси тўрт нарсадир, булар: якун сўз, яхши феъл, яхши ният ва яхши сухбат” деган бўлсалар, шоирлар:

Жаҳонда гўёки султон эрур тил,
Қалбларга севинчу, ҳам жон эрур тил.
Ноўрин айтилса, дилинг ранжитиб,
Умрингга заволу зиён эрур тил.

Ёки

Оғзига келганини демоқ нодоннинг иши,
Олдига келганини емоқ ҳайвоннинг иши.

Ёки

Ўйлаб гапир, кўнгил ранжир,
Арзимаган бир сўз билан.
Аммо лекин олиб бўлмас,
Дилни баъзан минг сўз билан

деган эканлар

Донолар: “Сўз – хаёт, сўз умид, сўз муҳаббатdir. Сўз кувватидан, сўз кудратидан, сўз сехру жозибасидан кўра буюкрок куч йўқ оламда. Яхши сўз баданга роҳат, билакка куч-куват, танага ором, вужудга осойишталик багишлайди.

Кишининг оғзи ўрага киёс. Сўзлар мисоли ерга сочилган уруғ дони. Агар оғиздан чиққундек бўлса, уларни битталаб териб олиш мумкин эмас, эл-юрт эшигандан кейин бу сўзларни пардалаб бўлмайди. Ширин ва эзгу сўзлар оқиб турган зилол сувга ўхшайди. Зилол сув қаерга оқиб борса, у ердан анвойи чечаклар униб чикади” дейиштан булса,

Арасту: “Сўзни қисқа гапир, беҳуда қилмагинки, такрор-умрни беҳуда сарф қилишдир. Оддий одамларга оддий гапир, донолар билан доноликка хос гаплаш, хар кимнинг фахму-фаросатига мослаб гапир, унинг фахму-фаросатини эса гапидан билиб оласан” деган экан.

5. Ривоят қилишларича, Эрон шохи Нуширавони одил кунларнинг бирида вазирлари билан бирга сайр этаркан, шахар чеккасидаги боғни кўриб баҳри-дили очилди ва у ерга кирди. Хукмдор ботга коровуллик килаётган боладан сув беришини суради. Бола богда сув йуклигини айтгач, шоҳ: “Унда менга анор келтир, шояд чанкогим босилса,” - дея амр этди. Бола югуриб бориб анор келтириди ва хукмдорга узатди. Анорнинг мазаси Нуширавонга маъқул келди ва у боладан яна бир дона келтиришини суради. Бола кайтиб келгунга кадар шоҳ боғни узиники килишни хаёлидан утказди. Иккинчи анорнинг таъми унга таҳирдек туюлди. У боладан суради:

- Углим, бу анорни уша дараҳтдан узиб олдингми?
- Ха, олампаноҳ.
- Унда аввалги анор ширин булиб, кейин келтирганинг таҳир чиқди?

- Олампаноҳ, битта дараҳтнинг меваси бири ширин булиб, иккинчиси аччик булмайди. Модомики шундай хол юз берган экан, бунинг бир сабаби булиши керак. Мабодо хукмдоримизнинг эзгу нияти урнини гараз ният эталламадимикин?

Боланинг бу гапи шоҳди хайрон колдирди:

- Гапингда жон бор, болакай,-деди ва боғни узлаштиришини кунглидан утказгач, анорнинг таъми узгарганини айтди. Кейин

ниятини тугирлаб богни уша болага хадя этиб, яна бир дона анор беринини илтимос килди. Кичкина коровул келтирган учинчи анор биринчиси сингари тотли чикди. Уз килмишидан уялган хукмдор йулда кетаётib узига узи “Нияти гузал булган кимса, гузал натижаларга лойикдур” дея пичирлади.

6. Ривоят қилишларича, Абу Лайс жаноблари бир неча юз талаба ўқитар эканлар. Кунлардан бир куни бир талабага „Үглим, сиз олим бўлдингиз, сизга рухсат, вакт фаниматлигига сиз ҳам халкка маърифат тарқатинг“, дебдилар. Бошқа талабалар хайрон бўлишибди, шунда талаба устозидан фотиха олиб мадрасадан чикиб кетаётса, устоз шогирдининг номини айтиб чақирибди. Шогирд устозига ўгирилиб қараган экан, устоз бошини ушлабди, шунда шогирд тилини чикариб ўз йўлида давом этибди. Бошқа талабалар аччиқланиб, устозни бехурмат килди дейишибди. Устоз эса кулиб, бу шогирдим охирги имтиҳондан ўтди дебди. Чунки мен „бошди ким ейди“ десам, у „тил ейди“ деб жавоб килди. Тилимиз ярим ризқимиздир. Тил дўстни душманга, душманни дўстга айлантира олади.

7. Ривоят қилишларича, Баҳром шоҳнинг учта ўғли бўлган экан. Баҳром шоҳ тириклигига фарзандларидан бирини таҳтга ўтказиб, хотиржам бўлмокчи бўлишибди ва уларни синамоқ учун шундай дебди: „Ўғилларим, менга дунёдаги энг кучли, ўта ширин вазнг ёқимли лаззатбахш нарсани топиб келинг“. Йигитлар ўша нарсани излаб чикиб кетишибди. Бири май, иккинчиси асал олиб келибди. Кенжаси эса тил кўтариб келибди. Шоҳ сукут саклаб ҳаммасини қабул килиб олибди ва дебди: „Энди менга тиғдан ўткир, заҳардан кучли, энг аччиқ ва энг зиёнилли нарсани олиб келинг“. Ҳамма ўғиллари тарқабди. Кенжаси яна тил олиб келибди. Баҳром шоҳ кенжасини таҳтга лойик деб топибди. Чунки тилдан кучли нарса йўқ. Эй, тенгсиз кудрат эгаси Аллоҳим, бизга тилни неъмат қилиб бериссан. Энди шу тилни элга зиёни тегадиган тиғ бўлишидан асрагин.

ХУЛОСА

Халқимизда тилга эътибор – элга эътибор деган нақл юради. Буни маъносини яхши тушуниб олинглар. Тил ҳам худди машина рулидек гап. Уни тўғри бошқара олмасанг, издан чиқиб, талофатга учратиши турган гап.

II. Мехр-оқибат ҳакида

1. Ривоят қилишларича кунларнинг бирида тангри таоло кимсасиз оролда ётган бир чўпга жон ато этибди. Ўша заҳоти чўп одамга айланибди. Одам бошқа жонзорлардан фарқ қилас, еб ичишдан нари ўтмас экан. Шунда Худо унга ақл-заковат, қалбига меҳр-муҳаббат жо қилибди.

Бу одам ўйлаб караса, Худонинг кўлидан ҳамма нарса келармиш – хоҳласа жонлини бежон қиласди, хоҳласа жонсизга жон ато этади. Турив-туриб одамни Худога ҳасади келибди.

Табиийки, Тангри одамнинг кўнглидан ўтганини сезибди.

- Менку, одамзотга ақл бердим, меҳр-шафқат ато этдим. У эса яхшиликдан кўра ёмонликни, меҳрдан кўра қаҳрни афзал кўрайяпти. Бугундан бошлаб кимда меҳр кўп бўлса жаннатга, қаҳр кўп бўлса дўзахга тушсин! – дея амр килган экан.

Меҳр, мурувват одамга ҳаётдан зарур. Инсон меҳр билан тирик. Лекин шуни унутмаслик керакки, меҳр бермай одамлардан меҳр кутиб яшаш ёзда осмондан кор кутишдек гап. Бахтсизлик кулфат, нохушликлар ҳеч қачон четдан келмайди, буни ҳар ким ўз феъли билан ўзи ясад олади.

Ҳадиси шарифда: “Сизларни қай бирингиз бирор гуноҳ иш қилаётган одамни кўрсангиз, уни аввало қўл билан, бунга имкон бўлмаса, тил билан қайтаринг, бунга ҳам қодир бўлмасангиз, дилингизда нафратланиб туринг” дейилган.

Умри давомида ҳаётнинг аччик-чучигини кўрган, ўзи ҳалол, соғ виждонли бағри кенг ва меҳнатсевар инсонлар ҳар бир жамоада бор. Буларни авайлаб асрраб, улардан маънавий озука олиш барчамиз учун ҳаётий заруратдир.

Афсуски, кўпинча эътиборсизлик туфайли бундайларнинг аксарияти назардан четда қолади. Шу боисдан ҳам истеъдодли

шоири Саида Зунунова “Одамлар, қадрланг бир-бирингизни, гул ҳам, муҳаббат ҳам тирикка керак”, деган эдилар.

Юргашимиз И.А.Каримов нуфузли йигилишларнинг бирида “Бизнинг барча давлат идораларимиз, кадрларимиз оддий бир ҳақиқатни ўзлаштириб олишлари керак. Улар одамлар учун, уларнинг эҳтиёжлари ва юмушларини ҳал этиш, манфаатларини ҳимоя қилиш учун яшайдилар ва ишлайдилар”, деган эди.

Бахтли бўлиш орзусида яшаган кишининг қалби пок бўлиши, нафсини тия билиши зарур. Киши қалбидан жой олиш энг улуғ баҳт. Шу боисдан меҳрли инсонларни “қўнгилнинг табиблари” дейишади.

ХУЛОСА

Максуд Шайҳзоданинг қўйидаги ўйтлари ҳамма учун шиор бўлиши керак:

Дўстлар, яхшиларни авайлаб, асранг,
“Ассалом” деган сўз салмоғин сақланг.
Ўлганда юз соат йиглаб турғандан,
Тириклик чоғида бир марта йўқланг.

2. Ривоят килишларича, Мусулмонкул деган содик одам бўлар экан. У дустлари билан хажга сафар килиш ниятида пул жамғарибди. Жўнаш олдидан нима бўлибди-ю, ниятидан кайтибди. Ночор бир кўшниси бор экан. Уни ўғли мактабга борадиган бўлиб колибди-ю, аммо қашшоклиги туфайли, уни кўлини халоллай олмабти. Мусулмонкул ўз хисобидан тўй килиб, шу болани кулини халоллапти. Кўшнининг кўнгли тоғдай кутарилибди. Эл-юрт Мусулмонкулнинг хаккига дуо килидилар. Хажга борганлар кайтишаётгандарига сафарлари кабул бўлганларни рўйхатлари эълон килинибди. Дўстлари карашса, рўйхатнинг бошида Мусулмонкулнинг номи зикр этилган эмиш. Ҳамма ёка ушлабти – “Ахир Мусулмонкул хажга келмадику, бу не хол, не сиру – синоат ?” Шунда уларнинг кулоғига ғойибдан садо келибди: - “Мусулмонкул 10 марта хажга сафар килганидан хам хайрли иш килди. Энди у сизларнинг пирингиз. Унинг йўл – йўриғидан чикмангиз.”

Улар келиб суриштиришса, Мусулмонкул бир ночор боланинг кўлини халоллаб, хажга бормай, хожи бўлган экан.

3. Ривоят килишларича кадим замонда дехкончилик билан шуғулланувчи бир одам оламдан утгач, ундан икки ўғил колибди. Катта ўғил оиласи бўлиб, ота уйидан кўчиб чиккан бўлишига карамай, укаси билан отадан колган ерда дехкончилик килар экан. Мархум отаси уларга доим: “Бир – бирингизга меҳр – окибатли бўлинглар, чунки меҳр – окибатда хосият кўп” деб насиҳат килар экан. Ўша йили ака – ука эрга кўкламдан тер тўкиб, меҳнат килишибди. Уларнинг меҳнатлари бесамар кетмабди ва кузда яхшигина хирмон кўтаришибди. Ака – ука хосилни тенг иккига бўлиб уйларига таший бошлишибди.

Акаси хирмонга келса, укаси хали кайтмаган экан, шунда ака: “Укам хали ёш, уйланмаган тўй килиши керак. Мен эса рўзборимни тиклаб олганман. Кел, укамга мендан ёрдам бўлсин”, деб ўз хирмонидан бир неча челак буғдойни укасининг хирмонига кўшиб кўйибди ва ўз идишини тўлдириб, уйига равона бўлибди. Шу пайт укаси хам хирмон бошига етиб келибди ва ўзича: “Мен ёлғиз ўзимман, акамнинг эса болалари кўп. Менга нисбатан хосилнинг купроғи акамники бўлгани маъкул”, деб бир неча челак буғдойни акасининг хирмонига кўшиб кўйибди ва хеч нарса кўрмагандай ўз ишини давом эттираверибди. Ака – ука хар гал келиб кетишида бу холни такрорлай беришибди.

Ака – ука канчалик ташишмасин, хирмон хеч камаймасмиш. Чунки улардаги бир – бирига бўлган окибатни кўрган Худо хирмонга барака назари билан боккан экан.

4. Ривоят килишларича Хазрат Сулаймоннинг “Бу дунёдаги хамма нарса ўткинчи” деган сўзлар ёзилган узиги бўлган экан. Хазрат Сулаймон хаётининг кайгули онларида узикдаги ана шу хикматли битикни укиб, таскин топаркан.

Бир куни уни бошига шундай бахтсизлик тушибдики, узикдаги сузлар хам дардига малхам була олмапти. Хазрат Сулаймон ғазаб билан узикни ечиб, отиб юборипти ва думалаб бораётган узукнинг ички томонида хам аллакандай битик борлигига ногахон кўзи тушибти. Ўрнидан туриб, узикни кўлига олибтида, битикни ўкибди. Узикнинг ички томонида: “Бу хам ўтиб кетади” деган ёзув бор экан. Хазрат Сулаймон аччик қулимсираб, узикни бармоғига такиб, умрининг охиригача уни счмаган экан”.

Хулоса.

Одам омонат, одамийлик абадий, хаёт ўткинчи, яхшилик колгувчи, бу дунёга хамма мехмон, бирок саховат мезбон. Саховатли инсоннинг ўчоғи муз устида хам ёнаверади, козонида тош кайнаса хам ош бўлаверади. Одам борки, меҳр – окибат бархаётдир. Яхшилик абадийдир ва бу дунёда олиёхиммат одамлар борлиги учун хам бокий яшайди. Кимки инсонларга меҳр улашса, унинг ишида доимо унум, муваффакият бисёр бўлади. Хаётда умид билан яшаш – инсонийликнинг энг яхши фазилатидур.

IV. Кайтар дунё хакида.

Ривоят килишларича ота ва ўғил ўрмонда кезаётган эдилар. Бирданига ўғил кокилиб тушди ва жони оғриб бакирди. Узокдаги тоғ тепасидан “оҳ”нинг акс садоси келди. Бола овозини эшитиб хайрон колди ва “Сен кимсан?!” деб бакирди. “Сен кимсан?!” деб акс – садо келди. Жаҳли чикиб: “Сен кўркоксан!” деб бакирди. Тоғдан: “Сен кўркоксан!” деган жавоб келди.

Бола отасига караб:

- Дада , нима бўлаяпти? – деб сўради.
- Ўғлим, эшит ва ўрган.

Ота токка караб: “Сенга хайронман!” деб бакирди. Тоғдан ўз вактида жавоб келди: “Сенга хайронман!”. Ота кайтадан: “Сен муттаҳамсан” деб бакирди. Тоғдан “Сен муттаҳамсан” деган акс – садо келди. Бола хайрон колди, аммо хали хам нималар бўлганини фахмлай олмади. Отаси бу воеани шундай изохлади: -Ўғлим, инсонлар бунга “акс – садо” дейдилар, аммо аслида бу хаётдир. Хаёт доимо сенга берганингни кайтиб беради. Хаёт килганимизнинг ўзидир.

Хулоса

Севги истасанг, кўпроқ сев! Шафкат истасанг, янада шафкатли бўл . Хурмат истасанг, инсонларни хурмат кил. Инсонларнинг сабрли бўлишини истасанг, ўзинг хам сабрли бўлишини ўрган. Яхши яшашни истасанг, ЯХШИ бўл.

V. Кибр, ноҳақ зулм ва ҳасад ҳақида

1. Ривоят қилишларича бир куни фалакнинг гардиши билан стол устида керосин лампа электр лампа билан учрашиб қолишибди. Керосин лампа кўп умр кўрган, электр лампа эса унга нисбатан жуда ёш экан. Бекор турмай, улар ўзаро сухбат бошлишибди. Сиз улар сухбатига диккат билан қулоқ солинг-а!

- Яша, ўғлим. Доимо соғ-саломат бўл! – дебди керосин электр ламлага караб.

- Раҳмат! Факат марра бизники, ота! Шундай эмасми?, - деб кулимсираб ва кеккайиб, такаббуrona жавоб бериби электр лампа.

- Албатта, марра сенини, ўғлим, лекин, масала шундаки, аввало, марра абадий ҳодиса эмас, балки саноксиз, кўп мэрралардан иборат. Шунинг учун “Энди марра бизники”, деб ҳовлиқма, гафлатда қолма, ўғлим!

- Мана, сиз қариб қолдингиз, мен эса сизнинг мэррангиздан ўтиб кетдим, шунинг ўзи мен учун ютуқ.

- Кеккайма, ўғлим! Одобни ва камтарликни унутма! Агарда ҳақиқатни билишни истасанг, сени мэррадан ўтишингга мен замин тайёрлаб берган эдим, буни унуганга ўхшайсан. Ўз вактида менинг ёруғлигимда не-не олимлар, улуғ зотлар ижод этганлар. Демак, сенинг эришган муваффақиятингда ҳам, билиб қўйки менинг ҳам хиссам бор! Жамиятнинг равнақи ҳам шунда.

Ажабо, худди шу пайт электр кувватининг кучланиши пасайиб, яркираб турган лампа синиқлик, босиклик, камтарлик билан уни хижолатдан чиқаришга ҳаракат қилиб, дебди.

- Баракалла, ўғлим! Бу қизаришинг сенда “ҳаё” борлигидан далолат беради. Бу яхшилик фазилати!

- Раҳмат, ота!

- Иккинчи томондан, ёшлиқ турори сенда кувват борлигидан гувоҳлик бермоқда. Агарда бу кувватни тўғри, оқилона сарф қиласанг, шубҳасиз ажойиб ютукларга эришасан. Акс ҳолда, бутунлай куйиб қолиб, ишга яроксиз бўлиб қолганингни ўзинг ҳам сезмай қоласан, ўғлим.

Ибратли ривоят, шундай эмасми?

ХУЛОСА

Ҳаёттинг сабоклари гоят даражада хикматли, бебаҳо, конунлари эса мураккабдир. Ҳолбуки, буни баъзи кимсалар гоят енгилтаклик билан очмоқчи бўладилар.

2. Ривоят қилишларича бир киши уй куриш ниятида ўн бир туп дараҳт экибди. Дараҳтлар сарв қоматларини кўкка чўзиб ўсаверибди. Лекин бир тури атрофга тарвақайлаб кетаверибди. Гоҳ ўнгта, гоҳ чапга энгашиб, ёнидагиларни ранжитиди.

- Сен биздан бошқачароқ чикиб қолдинг. Қаторда бўлганингдан кейин ҳамма билан баравар ўс-да! Бундай қилаверсанг, кийшик, букри бўлиб қоласан, - дебди ёнидаги одил терак.
- Менга акл ўргатма, нима қилишимни ўзим биламан, - дебди ҳалиги ўзбошимча терак.

У яна ўз билганича ўсаверибди. Шундай килиб кунлар, ойлар, йиллар ўтибди. Тераклар вояга стибди.

Уларнинг эгаси: энди кунимга ярайсиз, деб ҳамма терагини кесибди, пўстлогини шилиб олиб, ёғочларни қуритибди. Кейин уста чақириб, шу теракларни тўсин килиб, ўн бир ёғочлик уй куришни буюрибди-да, ўзи иш билан бир неча кунга қўшни кишлокка кетибди.

Қайтиб келса, уй ҳали ҳам битмаганимиш.

- Ўйингиз аллақачон битган бўларди-, битта тўсин ётмай қолди, - дебди уста.
- Тавба, - дебди уй эгаси ёқасини ушлаб, - наҳотки мен янглишган бўлсам? Ахир ўн бир туп теракни ўз кўлим билан экиб, ўз кўлим билан келтирган эдим-ку сизга.
- Сонига ўн битта терак экан. Лекин ўнтаси тўсинга яради. Биттаси эгри ўсган экан. Уни иккига бўлдим, уё-бу ёгини йўниб, оstonага кўйдим, - дебди уста.

Бу гапни эшитгач, уй эгаси бозордан битта тўғри хода келтирибди. Уй битибди.

Бу воқеага кўп вақтлар бўлибди. Лекин ҳозиргacha ўша тўғри тўсинглар уйнинг шифтида: ҳаммадан баландда турар экан. Остонани эса хар куни неча-нечча киши босиб ўтаркан.

ХУЛОСА

Инсон фазилатларини оширувчи ёкимли хулклардан бирин түгриликтир. Тўғри ўстан дарахтга ҳамма ҳавас билан қараса, тўғри одам ҳам ҳалиқ орасида обрў-эътиборда бўлади.

3. Ривоят қилишларича бир куни жаноби Расууллоҳ (САВ) саҳобаларига караб айтадиларки: “Биласизларми, мискин бечора ким?”, Саҳобалар жавоб бердилар: “Мискин бечора деб на пули ва на матоси бор кишини айтurmиз”. Шунда пайғамбаримиз айтибдиларки: “Йўқ, мискин бечоралар деб шундай одамларни айтадиларки, менинг умматларим киёмат куни маҳшаргоҳга йигилган пайтларида, уларнинг ичидаги намозларини ўз вактида ўқиган, рўзалар тутган, закотларини ҳам адод этган мусулмонлар бўлади. Лекин улар бошқа айблари сабабли мискин бечоралардан ҳам баттар хисобланурлар”. Чунки улар ибодатларини мукаммал қилгани билан бирорларни сабабсиз сўккан, хақорат қилган ёки ноҳак зулм ўтказган бўладилар. Ана энди маҳшаргоҳда ўша мазлум, жафокаш кишиларга Ҳақ Таоло булардан кассосларини ундириб беради, яъни қанча зулм ўтказган бўлсалар, шунча миқдорда қилган хасанотларидан – савоб ишларидан олиб, шу мазлумларга бўлиб беради. Агар қилган савоб ишлари тўлашга етмаса, мазкур мазлумларнинг гунохларидан олиб, ўша золимларга ёзилади. Савоблар тугаган ва унинг устига ҳалиги мазлумларининг гунохларини ҳам ўзларига олганларидан кейин табиийки, жаханнамга ташланурлар”, деб жаноби Расууллоҳ ўз умматларига разил сифатларнинг оқибати қандай мудхиш эканлигидан хабар берган эканлар.

Яна Пайғамбаримиз: “Жабру зулмнинг турлари жуда кўп. Масалан, ота-оналар ўз фарзандларига яхши тарбия бермаётган бўлса, бу ҳам зулм. Оила бошлиги ўз рўзгори учун зарур нарсаларни мухайё қилишга ҳаракат қилмаётган бўлса, бу ҳам зулм. Аёл киши ўз эрига хиёнат қилса, эрининг топаётган маблагидан сўрамай, қаёқларгадир сарф қилаётган бўлса, бу ҳам зулм. Қайнона ўз келинларига ўтай оналардек қаттиқ муомалада бўлаётган бўлса ва аксинча келин қайнонага нисбатан адолатсиз бўлса, бу ҳам зулм. Хуллас, кўлидан яхшилик келадиган одам ёмонлик қилса ёки ёрдам килишга кудрати етатуриб, ёрдамини

аяса, демак унинг бераҳм, бешафкат, балки золим одам эканлиги, маълум бўлади”, - дейдилар.

Ўз манфаати йўлида хеч нарсадан қайтмайдиган инсонларнинг бировларга касофати тегишини ҳисобга олиб, уларга зинҳор-базинҳор ёндашмасликни кўпни кўрган инсонлар: Ёмонга ёндашма, яхшидан адашма” деган нақл билан ифода этганлар.

ХУЛОСА

Дунёда топайин десанг омонлик
Бировга заррача килма ёмонлик.

4. Ривоят қилишларича бир тулки ҳар тарафга аланглаб, шошиб-пишиб қочиб бораркан. Бир одам уни тўхтатиб сўрабди: “- Тулквой, сенга нима бўлди? Қаерга қочиб кетаяпсан?

- Тулки: - Арслонни овлаб, кўлга туширмоқчи эканлар, деб эшиздим. Шунинг учун кўркиб, қочиб кетаяпман, - депти.
- У одам тулкининг сўзидан хохолаб кулиб: - Аҳмок, сен ҳеч арслонга ўхшамайсанку, орангизда ҳеч қандай муносабат йўқку? депти. Шунда тулки: - Жим бўл, мени йўлдан қолдирма, агар ҳасадчи иғво билан овчиларга мени кўрсатиб: “Бу ҳам арслон боласи” десалар, овчилар текширмай-нетмай мени ҳам кўлга туширадилар. Шу билан улар қўлига тушиб, халокатга гирифтор бўламан”, - деб шошилиб қочиб кетибди.

Билингки, ҳасадчининг қўлидан ҳар бало келади. Агар ҳасадчининг ёмон фикридан боҳабар бўлиб қолганингизни билса, у усталик билан бу йўлдан ҳам кутилиб қолишга ҳаракат килади.

Ҳакимлар айтади: “Эй одамлар, дўстлик ва меҳрибонлик ўғриларидан сакланинг, бундай ўғриларга чақимчи, иғвогар, ҳасадчилар киради. Ўғрилар мол ўғирласа, бундай шахслар одамлар орасидаги дўстликни, тинчликни, меҳру-муҳаббатни ўғирлаб, фитна-фасод кўзгатадилар”.

Ёш шоира ДилфузА Абдуллаева бундай инсонларга карата шундай дейди:

Босган изинг пойлашиб,
Ёнгинагта жойлашиб.
Бир гапта ўнни кўшиб,
Миш-миш қиласлар.

Бор бўлса кўролмаслар,
Йўқ бўлса беролмаслар.
Тилини тиёлмаслар,
Миш-миш қиласлар.

Кўрқмайдилар Аллоҳдан,
Нопок қилмиш, гуноҳдан.
Кир ахтариб тирнокдан,
Миш-миш қиласлар.

Гаплари заҳри қотил,
Ундан озор топар дил.
Гоҳ ошкора, гоҳ ғофил,
Миш-миш қиласлар.

ХУЛОСА

Бировларнинг ютуғига хавас билан қарашиб, ўз холига шукр қилиш керак. Берилган ҳар бир неъмат ва фазилатнинг хикмати борлигини унутмаслик ҳасадгўйлик касалиига карши энг фойдали муолажадир.

5. Яна бир ривоятда Хусайн Байқаро даврида кўплаб мадрасалар, кўприклар, бозорлар курилибди. Халқ ахволи яхшиланга борибди. Ҳамма хурсандмиш.

Қарангки бир инсон шунча яхши ташаббусларни кўрсада, этри гапдан қолмасмиш: яъни “курилган кўприклар мустаҳкам эмас, мадрасаларнинг гишити яхши пишмаган, бозорлардаги тартибсизликларга чидаб бўлмайди. Мен қашшок, халқ қашшоқ”.

Буни эшигтан ёш йигитларни ғаши келиб, тили ва дили эгри бу ношукур кимсани қози олдига олиб боришибди ва воқеани баён қилишибди.

Шунда қози: “Нега сенинг кўзинг ҳамма нарсани тескари кўради, инсофинг борми, ўзи?” дебди унга.

Бу шахс безрайиб, қуёш томонга елкасини тутса, ёнбошига кийшиқ эгри соя тушибди. Шунда у: “Ҳамманинг сояси тўғри-ю, меники эса эгри, нега шундай? Бунга қуёш айбдор” дебди. Ношукурни карангки, ер юзига бирдек нур сочиб турган қуёшни айбдор қилиб, кутилиб қолмоқчи бўлибди.

Бу шахс қилиғидан хайрону-лол қолган қози “Уни соясини ҳам, корасини ҳам ўчиринглар” деб амр килган экан.

Дунёда инсонлар ҳар хил бўларкан. Бирор ҳалол яшасам, одамларга фойдам тегса, деб ҳаракат қилса, бошқаси ўладиган жонга яшаб қолиш керак, ўзгалар билан нима ишим бор, қабилида фикр юритаркан.

Бирор элим, юртим деб ёниб яшайди, бошқаси кўпчилик рискини уйига ташиб яшайди. Бирор инсонлар учун бало-оффатларга кўксини қалқон қилса, бошқаси панадан макон топиб, эл-юрт гамида юрган фидоий инсонларнинг эзгу ишларини кўра олмай, иғво билан уларни яксон этади.

Азизлар! Билингларки, иллати бор шахсдан яхшилик кутиб бўлмайди.

ХУЛОСА

Иллат излаганга иллатdir дунё,
Гурбат излаганга гурбатdir дунё.
Ким не изласа топгай бегумон,
Хикмат излаганга хикматdir дунё.

VL Камтарлик ҳакида

1. Бир ривоятда айтилишича кишилар Мажнунтол олдига ҳадеб келаверганидан Мирзатеракнинг ғаши келиб такаббурлик билан:

- Ёнимга, савлатимдан ҳайиқиб, унча-мунча одам кела олмайди. Сенга ҳайронман, олдингдан одам аримайди, ё сени назар-писанд қилишмайдими? Бунинг устига сени қўшикка согланларига бало борми? – дебди.

- “Сен, кибру ҳаво билан осмонга қараб интиласан. Соянг ҳам ўзингта яраша. Мен бўлсан ўзимни вояга етказган замин билан қаттиқ боғланиб, унга хурматда-ю, тъзимда бўламан. Ёнимга кишиларнинг кўплаб келиши балким, ана шу камтарлигидадир. Сен кибрликни касб қилиб олиб, манманликка берилмаганингда эди, бунчалик эътибордан қолмаган ва охири кесилаб, оёқ остига тушмаган бўлар эдинг” деб жавоб берган экан мажнунтол.

Камтарлик – буюк бир ҳислат, яхши ҳаёт кечириш, инсон деган номни оқлаш, эл-юрг томонидан ардоқланишнинг бирдан-бир манбаи.

Камтарлиknи ўзига “либос” қилиб олган инсонлар ҳаётдаги энг яхши, соғ виждонли кишилар бўлиб, ҳар қандай шароитда, ҳар қандай лавозимда тўғри ва ҳаққоний йўл тутадилар. Тўғри сўзлаб, тўғри юрадилар, олижаноб ва раҳм-шавқатлидилар, ҳамма ишни саранжом, осойишта бажардилар, манманликка, дабдабозлика, ёлғон-яхшиликка йўл кўймайдилар. Шу боисдан донолар: “Доимо камтар бўл, камсукум бўл, кам бўлмайсан” деб уқтирадилар. Чинакам камтар кишилардан ҳар қандай буюкликни, ҳар қандай фидойиликни кутиш мумкин.

2. Улуғ аждодларимизнинг комил инсон тарбияси билан боғлик ғоялари бежиз яратилмаганига гувоҳ бўламиз. Негаки , ўз авлодларининг бахти , саодати учун , уларнинг жохилликка кул бўлмаслиги , хамиша маърифат байроини баланд кўтариб яшашлари учун бундан улуғрок бойлик, бундан улуғрок мерос йўқдир. Ана шу маънавий мероснинг кок марказида кечаси ой , кундузи офтоб бўлиб хеч шубҳасиз одоб туради.

Бир куни буюк устоз алломалардан бири нихоятда одоб билан сўзлаётган бир боладан сўраб колибди:

- Кимнинг ўғлисан ?

- Одобнинг ўглиман – деб жавоб бериди бола. Шунда бундан мутаассир бўлган аллома унга тахсин айтиб, меҳр ила бошини силаб, дебди:
- Ўглим кандай чиройли отанг бор экан-а !

Бу каби хикоялар асрлар давомида ҳалкимизни ана шу одобга фарзанд тутишишга ундан келган. Юртбошимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобидаги маънавиятга берилган гўзал ва бетакрор таърифни эслайлик: “Маънавият инсонни рухан покланиш, калбан улғайишга чорлайдиган иймон – эътиқодини бутун киладиган, виждонини ўйғотадиган бекиёс куч, унинг барча карашларининг мезонидир”. Энди ўйлаб кўринг мудом рухан покланиш, калбан улғайиш йўлидан юрадиган, виждони хамиша ўйғок, иймони бутун инсон, ана шундай инсонлар уюшган жамият кандай бўлади?

Ха баҳтнинг баҳтиёрликнинг чинакам қалити маънавиятдадир.

ХУЛОСА

- Камтарлик – инсон киёфасини безовчи бебаҳо фазилатлардан биридир

VII. Саломлашни ҳақида

Ривоят қилишларича, бир донишманднинг икки шогирди бўлган экан. Бир куни улардан бири донишмандга таъзим қилиб: “Хурматли устоз! Биз иккимиз ҳозир йўлда келаётниб, бир можарани гувоҳи бўлдик, - дебди. Икки қиши бир бири билан муштлашиб, ҳолдан тойган бўлсаларда, тиллари тийилмасди. Менинг наслим фалон, сеники фалон” деб бири иккинчисини ҳакоратларди.

Кишиларда бир бирини менсимаслик, кибру ҳаво, меҳр оқибатнинг йўклиги, ҳасадгўйлик туфайли шунга ўхшаш ҳодисалар рўй бераяпти, деб ўйладик. Мана шу нохушликларни тугатиб, барчани бир бирига дўст-иноқ қилиш имкони йўқмикан?

Донишманд шогирдлари сўзини дикқат билан тинглаб, шундай дебди: “Ҳакиқатан ҳам инсонларни бир бирига меҳр оқибатли, инсоф, ақлга чакирадиган чора борми? Сизлар менинг ақлли шогирдимсизлар. Дунёда иложсиз иш йўқ. Сизларга бир ой муддат.

Шу муддат ичидә ахтаринг, ўрганинг, дилни дилга улайдиган баҳт кўприги нима эканлигини топинглар”.

Икки шогирд, таъзим бажо айлаб чиқиб кетишибди. Улар бир ой мобайнида китоб вараклаб, ҳикматлар дурдонасини йигишибди. Шахар ва қишлоқлар кезишиб, одамлар билан сұхбатлашибдилар. Нихоят муддат етиб, улар донишманд хузурига келишибди. “Устоз! Биз кишилар қалбидан чуқур жой оладиган бир сирли сўзни топганга ўхшаймиз. Бу сўз бизнингча “Ассалому алайкум”дир”. “Ассалому алайкум!?” – ажабланибди донишманд – Ҳа, устоз! Бу сўзни бошқаларга тинчлик, осойишталиқ, саломатлик бўлсин, деган маънони англатаркан.

Бу сўзниг таъсирини кишилар муомаласида синаб кўрдик. Дилларга меҳр, юзларга табассум югурди. Хатто ёш болалар, жажжи қизлар ҳам ота-она, бува-бувилирига, кўшниларига, барчага бу сўзни айтишга ўргана бошладилиар. Улар ўртасида дўстлик, ўзаро хурмат кучайди. Ўйлаймизки, бу сўз бутун дунёга тонг нуридек тарағусидир.

Донишманд хурсанд бўлиб, дебди: “Балли доно шогирдларим, ноёб сўзни топибсизлар, энди уни янада кенг ёйлик, токи у барчага баҳт келтирсан”.

Дарҳакиқат, “Ассалому алайкум” сўзи ҳикматли сўздир.

ХУЛОСА

Одамлар орасида салом алиқ йўқолмаган мамлакатда хайру барака ҳам кўтарилимайди.

VIII. Она меҳри ҳакида

1. Ривоят қилишларича кунлардан бир куни юртни ёв босибди. Элни тиғдан ўтказибди. Экинзорларни пайхон қилибди, юртни талабди. Навбат онага келибди. Онанинг бир ўғли билан бир қизи бўлган экан. Босқинчи шоҳ онага қараб: - «Сени ўлдирмоқчи эмасман. Катта бўлганда қасос олиши мумкин бўлган ўглингни катл қилмоқчиман. Менга жонинг эмас, чаросдек чиройли кўзинг керак. Ўнг кўзингни берсанг, ўглинг омон, қолади, бўлмаса уни ўлдираман», - дебди.

Она: «Кўзим керак бўлса ол, аммо боламга тегма» - дебди. Жаллодлар онанинг ўнг кўзини ўйиб олибдилар. Онадан “ғинг” деган садо чиқмабди.

Қонхўр шоҳ: “Энди чап кўзингни берсанг, қизинг омон қолади,-дебди. Она хеч иккиланмай унга ҳам рози бўлибди. Жаллодлар онанинг чап кўзини ҳам ўйиб олибдилар. Онаизор икки кўзидан айрилибди-ю, болалари омон қолибди. Тез орада эл баҳодирлари қўзғалиб, босқинчи подшони ер билан яксон қилишибди.

Она меҳри, жасорати олдида бош эгиб, ҳалойик уни юртга бошлиқ этиб тайинлашибди. Икки кўзидан айрилган она ўғлини ўнг кўзи, қизини чап кўзи қилиб узоқ яшабди, юртни адолат билан бошқарибди.

2. Ривоят килишларича қайнонанинг чакаги тинмаётганини кўрган келин эрига зарда қиласди:

- Нима бало, кун бўйи онангизнинг оғзи овқатдан бўшамайди, йили отми-а?

Хотин иғвосига ишонган анқов ўғли онаизорини елкасига олиб, узоқ чўлга олиб бориб, ташлаб келади. Хотини кувониб, очилиб сочилиб юрадиган булади.

Кунлар ўтиб, ўғил ҳабар олгани чўлга борса, ҳашаки чайлада ҳомуш утирган онанинг ҳали ҳам чакаги тинмаётган экан. Ажабланган ўғил онасидан сўрайди:

- Она, сизнинг ҳам тўядиган кунингиз бўладими-а?

Она қулиб, жавоб берибди:

- Эй, соддагина болагинам-е, кўраяпсан-ку, тишларим йўқ. Ўзинг олиб келган туршакдан бир донасини бир ойдан бери шимийман.

Қилмишига пушаймон бўлган ўғли онасига айтади:

- Тушундим, юринг энди, уйга олиб борайин.

Кампир унамайди:

- Йўқ бормайман, болам. Колган тўрт кунимга шу туршак етади. Бошинг тошдан бўлсин, келиним билан галвасиз тинч-омон яшасанг бўлди. Қачон кўз юмсан, тупроғим тортиб келган шу ерга топширгайсан мени».

Қандай таъсирили ривоят!

Оналаримиз бизларни вояга етказиш учун меҳру-мухаббатини ишга солиб оромидан кечиб кечалари ухламай, тарбиямизга

машгул бўлган. Хафа бўлиб қолсак ёки кўнглимиз бироз ранжиб қолса, атрофимизда парвона бўлган, тобимиз қочса хузур ҳаловатини йўқотган ҳам она. Богбонсиз бирор дарахтнинг меваси яхши бўлмайди. Она эса биз учун боғбондир. У доимо бизни парвариш қилиш пайда бўлади. Буни фахмлаган ҳар қандай фарзанд ўз онасини барча нарсадан устун кўяди ва ҳамиша ҳурматини қиласди.

3. XIX асрнинг ўрталарида наманганилик бир илмли киши Бухоро мадрасасига мударрисликка жўнатиладиган бўлади. Бу уламонинг уйида кекса онаси бор экан. Онасидан кўзи қиймабди. Аммо, Бухорога бормасликка ҳам илож йўқ-уезд ҳукмдорининг буйруги шундай экан. У ўйлай-ўйлай бир қарорга келибди. Муштипар онасининг оёқ панжалари изини бир парча лойга тушириб, уни бирга олиб кетибди. Уламо онасини, юргини жуда соғинибди. Борай деса йўл олис, от-улови йўқ. Юрагини соғинч эзган пайтларида ҳалиги оёқ излари туширилган гувалани ўпиб, кўзларига суртиб, бироз йиглаб оларкан. Бу ҳолдан бошқа мударрисларни жаҳҳали чикибди: “Нечун бир бўлак гувалага тавалло қиласан” дея дашном берарканлар. “Азизларим, дебди у бир куни у хўрсаниб – Сизлар ўз туғилган масканингиздасизлар, ота-она, оиласиз бағридасизлар. Ҳижрон әламидан узоқдасизлар. Мен қишлоғим тупроғи лойига, онажонимнинг табаррук изларини тушириб олганман. Соғинчдан ўртанган кезларим, гувалани кўзларимга суртишимнинг боиси шудир. Ундан волидаи меҳрибонимнинг нафаслари келиб туради” деган экан.

Кўрдингизми, она меҳри қанчалик мўътабар. Жамики инсон зоти учун хеч ким онасидек чинакам дўст ва меҳрибон эмаслигига икror бўласан киши.

ХУЛОСА

Ақлли фарзанд бир дақиқа бўлса ҳам она меҳрини эсдан чиқармайди, кичкина ишга қўл урганда ҳам онани бундан воқиф қилиб, унинг розилигини олади, айтган сўзларга кулок солиб, маслаҳатларига амал қиласди, ҳар вақт онани миннатдор қилишга уринади

4. Ривоят килишларича, кунлардан бир куни бир одам пайгамбаримиз саллаллоху алайхи васаллам хузурларига келиб дебди:

- Ё, Расулуллох, менинг онам борлар, ҳозир жуда кексайиб, боладек бўлиб колдилар. Киликлари хам гўё ёш болаларникideк. Менга тамоман суюниб колдилар. Мен хам анча вактимни онамни парвариш килиш билан ўтказаман. Корни очса, овкат тайёрлайман, сўнгра ўз кўлим билан едираман. Тахоратига сув тайёрлайман. Ибодат маҳаллари меҳроб кархисига хам ўзим кўтариб олиб бораман. Ховлига олиб чикаман, каерга деса, елкамда кўтариб олиб бораман. Ё, Расулуллох, айтинг – чи онамнинг мендаги хаккини ўтай олдимми – йўкми?...

Унинг сўзларини диккат билан тинглаган пайгамбаримиз бир дам унинг кўзларига тикилибдиларда, сўнгра:

- Йўк, сен волидангнинг хаккини юздан бирини хам ўтай олмагансан. Онанга килган хизматларингни хар канча хисоб – китоб килма, сенинг у учун килганларинг, у сенга берган меҳрнинг кархисида жуда камдир. У сенга бир куёш янглиг меҳр сочган бўлса, сенинг кайтаргандаринг бир – икки катим нурча, холос, - дебдилар.

Шунда ул одам ажабланиб:

- Нега? Ё, Расулуллох?! Мен онамнинг барча айтганларини сўзсиз адо этајпманку, - дебди.

Унга жавобан пайгамбаримиз:

- Волиданг сени юраги остида 9 ой кўтариб юрди. Туғилганингдан сўнг хар канча кийинчилик кўрмасин, ўглим униб – ўссин, улгайсин, деб ўзи емай, едириди, ўзи киймай, кийдирди. Дард чексанг тунлари мижжа кокмай, бошингда парвона бўлиб, хакка муножот килиб чикди. Унинг сени деб чеккан захматларининг хисоби йук. У хамиша сенинг камолинг, баҳтингни тилаб яшади. У бирор марта мен фарзандимга шунча меҳр кўрсатдим, дея хисоб китоб килган

эмас. Сен-чи ? Сен унга качон умри тугаркин, качон ундан кутулар эканман, деб хизмат киласан. Буни кўзларинг айтиб турибди. Ахир онангнинг сенга бўлган эъзози билан сенинг онанга бўлган эътиборинг орасида осмон билан ер кадар фарк бор. Сен онанга канча хизмат килсанг хам унинг хаккини ўтай олмайсан. Буни яхшилаб билиб ол. Ота – онага, умуман, инсон инсонга чин дилдан холис ва гаразсиз яхшилик килмоги лозим. Шуни билгилки, сен ота – онанга канчалик яхшилик килсанг, Аллоҳ сенга энг буюк савоблар беради. Зоро, ота – онанинг ризолигини олган, ризосига ноил бўлган одам яратганинг ризосига ноил бўлади, - дебдилар.

У йигит тилидан ўтказган нохуш ўйларини пайғамбаримиз сезиб турганликларини англаб, кайта – кайта Яратганга тавба – тазарру килибди. Шу кундан эътиборан унинг онасига бўлган меҳри, муҳаббати, эъзози янада ортибди. Энди у “Эй, сохиби олам, онамнинг умрини узок кил, дардига дармон бер”, дея чин дилдан волидасига хизмат кила бошлабди.

Хикоя килишларича кишлокда истикомат килувчи Бахтиёр исмли шахс_шахарнинг чекка даҳаларининг биридан янги уй сотиб олади. Кунларнинг бирида у уйда ўтириб , ошхона томондан хотини Латофатнинг чинкирок овозини эшитади ва у томон югуради. Аёли газ печининг олдида тошдек котиб турар, столнинг устида тахминан 3 – каричлар келадиган илон ўткир кўзларини хотинга каратиб, вишилларди. Бахтиёр шунда эшик ёнида турган кетмонни кўлига олиб, уни илон турган жойга зарб билан уради . Лекин илоннинг жасади ерга кирдими, осмонга учдими, хеч каердан топилмайди. Анчадан сўнг Латофат тилга келиб , бу уйда аввал бир кампир яшаганини, уни илонлар билан гаплашишини, бу уй хосиятсиз эканлигини кўшиналардан эшитганини айтади.

Эртаси куни Бахтиёр махалла чойхонасига чикади. У ерда кекса отахонлар сухбатлашиб ўтирган эканлар. Бахтиёр улар билан кўришгач , чолларга караб : - Айтишларича , аввал менинг сотиб олган уйимда аллакандай кампир яшаган экан. Уни “ilonlar билан гаплашаркан деб эшитдим” дебди.

Кекса отахонлардан бири унга караб шундай дебди : - Бундан чамаси олтмиш йиллар олдин сиз яшайдиган уйда кар кампир

яшаган. У кизлик даврида бағоят сарвкомат , дилбар , ширин забон бўлган экан. Кунларнинг бирида бўйи етган кизнинг уйига совчи келади . Куда томонлар ўзаро келишишади. Бир куни куёв бўлмиш ховлининг орка томонида бўлажак келинни кутиб турган махал уйдан бир илон чикади. Йигит тош кидириб , газандани ўлдиришга киришишади. Кўлидаги тошни илонга улоктираётган махал эшикдан чикиб колган киз ўзини жонзотнинг устига отади. Тош кизнинг кулогига тегиб, уни йикитади. Шошиб кизнинг ёнига келган йигит судралиб кетаётган илоннинг бошида ғалати тожи борлигини пайкайди. Шу кундан кизнинг кулоклари кар , йигитнинг акли нокис бўлиб колади. Кейинрок куёвни бошка жойда илон чакиб ўлдиради. Алхол , ўша кундан кар кизга тожли илон хамроҳ бўлган экан. Айтишларича, сен олган ховлида илонлар маликаси кезиб юрармиш. Шу боис махалла ахли уни “ilonli uй” деб атайди. Олган киши эса кўп вакт турмай сотиб кетади. Балки, уларни илонлар тинч кўймас. Яна билмадим ...

- Сиз буларни каердан биласиз? - сабри чидамай сўради Бахтиёр.
- У вактларда жуда ёш эдим. Отамдан, кейин унча – мунча кексалардан эшитганим бор.

Бахтиёр бир муддат жим турди. Сўнг тунда бўлган воеани айтишга жазм этди:

- Отахон, кеча тунда тамаддихонамииздан илон чикди. Афтидан болачаси бўлса керак. Ўлдирмокчи эдим, аммо кетмон олиб келгунимгача кочиб кетибди. Айтгандек, унинг кўзлари кип – кизил эди.

Хамма бирдан Бахтиёрга каради. Баъзиларнинг кути ўчиб шивирлашди. Ота охиста деди:

- Болам, бекор килибсан. Уни чўчитмаслик керак. Сенга айтган гапларим бежиз эмас. У ховлида ростдан хам илонлар салтанати бор. Кар киздан ёдгор колган. Энди эхтиёт бўлинглар, илонлар маконлари учун курашади. Лекин зинхор бирортасини ўлдира кўрманглар, улар касоскор бўлади. Факат ўзинг хам, болалар хам сергак бўлинглар!

Бахтиёрнинг кунглига гулгула тушди. Хаёлида оксоколнинг айтган гаплари гир – гир айлануб, халовати йуколди. Вахоланки, энди отахон айтган гап – илонларнинг касос олиши мухаррар, деб ўйларди. Хоналарнинг хамма тешиклари-ю, деразаларини

махкамлаб чикди. Латофатга хеч нарса демай, машинада киракашлик килиш учун кўчага чикиб кетди.

Икки кизни бобосиникига жўнатган Латофат ўғли Шодиёр билан уйда колди. Опалари йуклигига зериқдими, бола ўйнагиси келмай, инжиклик килди. Кейин “жой солиб беринг, ухлайман”, - деб туриб олди. Ўғлига айвондан жой хозирлаб берган жувон чала колган кирларини ювиш пайида ховлига чикди. Юмушини тугалаб, эшикдан ичкарига кадам кўяркан, нигохи ўғлининг ёнида танасини ишириб турган тождор илонга тушди-ю, тили калимага айланмай колди. Куркиб кеттанидан ранги докадек окарди. Шу маҳал тождор илон вишиллаганча Латофат томон бурилиб, “хозир болангни чакаман” дегандек тикилди. Уларнинг кузлари тукнаш келди. Инсон ва судалиб юрувчи жонзотнинг нигоҳлари садосиз куч синашишни бошлади. Латофат илондан кўз узмаган холда кархисида турган илон оддий эмаслиги, балки күшниларидан эшитгани каби илонлар хукмдори билан рўбарў келганлигини, ўғли унинг чангалида турганини хис этию, тиз чўкди. Бутун вужудидаги кучни тўплаб тилга кирди:

- Эй, Худонинг мавжудоти, илонлар маликаси! – мунгли термулди аёл унга.

Илон “ха” дегандек бош иргади.

- Маликам агар жон керак бўлса, меникини ол! Факат ўтиниб сўрайман, боламга тема! Унинг ёш жонини увол килма! У хали гўдак, хали хеч нарсани кўрмади.

Тождор илон худди Латофатни гапини тушунгандек бошини бироз пастга тушириди. Даф килиши хам сусайди. Бундан сал кўнгли кўтарилиган аёл сўзлашда давом этди:

- Биламан, бу уйда хали хеч ким тинч яшамаган. Чунки бу сизлар танлаган макон. Лекин ... сизлар олий мавжудотсизлар, сен эса уларнинг маликасисан. Истасанг, шу ерда яшайвер. Сўз бериб айтаманки, бизлардан бирор ёмонлик кўрмайсизлар. Факат бизни бу ердан хайдаманглар ...

Латофат гапини тугата олмай, йиглаб юборди. Илон эса оғзини катта очиб, ўткир, захар билан лиммо – лим тишларини кўрсатди. Кўзлари алланечук безовталаниб, болакайнинг юзларига тикилди. Сўнг жувоннинг лахзалар ичидаги кўркувдан сарғайган юзига каради ва Латофатнинг боласини, оиласини саклаб колиши, не машаккатлар билан етишган макони учун жанг килаётганини англади. Бу жангда

курол ишлатылмайды. Бу шундай жангки, бир маконга эга чикиш истагидаги икки жонзотдан бири ўз хохиши билан салтанатни ташлаб кетади.

Илоннинг бежо харакатидан ташвишга тушган аёл кўзларидан тинимсиз окаётган ёшли артишни хам унутиб, ёлворди:

- Сен хам онадирсан, боламга рахминг келсин, нахот фарзандингни яхши кўрмасанг? “Она онани тушунади”, - дейишади. Жонзотми, инсонми, у, бари бир, она. Нахотки мени тушумаяпсан, илонжон? Нима керак бўлса берай, факат болажонимга зарар берма. Токи бир умр дуои жонингни, салтанатинг омонлигини тилаб яшай. Инсонлар доимо илонлардан нафрлатаниб келган. Уларни берашм ва ёвуз жонзот хисоблашган. Маликам, сен бу гапларни йўкка чикар. Илонларда хам калб борлигини исботла. Илонлар хам Яратганинг мавжудоти эканлигини, инсонлар билан ўзаро меҳр-окибатда яшай олишини исботла, маликам. Боламни чакма, чакма! Бизни тинч кўй!...

Латофат яна анча илтижо килди, Йиглади – сиктади. Илондан эса сас чикмас, у хамон вишиллаган кўйи жим турарди. Сўнг аёлнинг кўзлари тинди. Боши айланиб, охиста йикилаётib, кўзи илонлар маликасининг ўзи томон судралиб келаётганини кўрди. “Фарзандимнинг ўрнига менинг жонимни ол”, - дея пичирлади унинг лаблари. Илон жувонга якин келиб карама – карши тўрди. Латофатнинг наздида бу даҳшатли жонивор бор газабини жамлаб, хозир бир хамла билан захар тишиларини ўзининг баданига санчадигандек тўйилди. Аммо илон бундай килмади. Охиста ортига тисарилиб, секингина судралганча ташкарига чикиб кетди.

Латофат ўзини ўнглаб олиб, ўглининг тепасига келди. Кўнгли алланечук гаш тортиб, бироздан кейин бўладиган даҳшатли ходисани сеза бошлади. Ўглини авайлабгина кўтариб, ичкари уйга олиб кириб, ўз каравотига ёткизди. Ўзи эса ўглининг айвондаги ўрнига кириб ётди.

Илонлар ўз хакларини тўла олмагунча тинчимасликлари хакида хўп гапирилган. Уларнинг касоскор мавжудот бўлишини у кўп эшитган. Шу боис Латофат ўринда жунжикиб ётганча она илонни – илонлар маликасини кута бошлади. Энди унинг чехрасида кўркув ва талвасадан асар хам колмаган, ўзини эркин ва бўш кўйиб, фарзандларининг келажаги хакида ўйларди, холос. Кўрдингизми, азизлар она фарзанди учун жонини фидо киляпти.

Бу пайтда ховлининг этагига бориб колган она илон ёнгок дарахтининг тагида тўхтади. Оз фурсат туриб, нимадандир хадисирагандек атрофга аланглади. Боласи ёдига тушди, шекилли, кўзлари яна оловдай кизғиши тус олди. Тишларига заҳар тўлди. Тезликда ортига ўгирилди-ю, ўқдек учиб кетди. Зум ўтмай бўсағада майнингина шитирлаган овоз эшигилди. Латофат унинг келганини билди ва килт этмай жойида ётаркан, кафтлари билан кўрпани сикди. Она илон бўлса, шошилмасдан, бор газаби хамда заҳрини тўплаб тиркишдан кўрпанинг орасига кирди...

6. Она дуоси.

... Кишнинг совук кунидан она ўғлидан сандал ясаб беришни сўрабди. Бу истакни бажонидил кабул этган ўғил астойдил ишга киришибди. Пешиндан сўнг ясаган сандалини олиб, онасининг хузурига ошикибди.

Она кўзи нурининг кўлидан иш келиб колганини кўриб, ичидаги роса кувонибди. Бирок сездирмабди. Танчанинг у ёк – бу ёғини курибди-да, бироз паст бўлиб колганини айтибди. Ўғил кечирим сўрабди. Худди онаси айтган катталикда сандал ясаб, яна кошига келибди.

Она бу гал сандалнинг жиндай катта ва кўпол бўлиб колганини айтибди. Ўғил дархол ортига кайтиб, учинчи сандал устида иш бошлибди.

Шундай килиб, ўғил хар сафар иштиёқ ва меҳр билан олдингисидан кўра яхширок танча ясаб келтирад, она эса синчковлик ва зукколик билан ундан бир камчилик топаверар экан.

Нихоят, ўғил ўн тўртгинчи танчани ясаб келибди. Она кархисида кўллари кўксидан таъзим билан амр кутиб турган дилбандининг нурли чехрасига бокиб, кўзларига ёш олибди.

Аслида ўғли ясаган сандалларнинг биринчисиёқ ёкканини, унинг сабр каноати, чидам ва бардошини синаш учун неча бор кайтарганини, ишидан атайн камчилик топганини айтиб, кўлларини очиб ўғлининг хаккига яхши дуолар килибди.

Она дуосини олган ўша фарзанд умрининг охирига кадар илм излаб илмини шогирдларига улашибди. Шу сабаб хурмат ва эътиборда, эъзозда яшабди. биз хам ота–она дуосини олишга интилиб яшасак, иншооллоҳ кам бўлмаймиз.

7. Ривоят килишларича, кадим замонда бир ўлкага ёвуз жодугар келибди. Ҳамма ундан кўрқиб, ўз уйларини ташлаб кета

бошлабдилар. Бир аёл ҳам чақалогини багрига босиб йўлга чиқибди. Йўлда уни ёвуз жодугар таъкиб қилибди ва онадан чақалокни тортиб олмокчи бўлибди. Бироқ она фарзандини ҳеч багридан кўйиб юбормабди. Газабланган жодугар аёлни боласи билан жарга ташлабди ва жарни сув билан тўлдира бошлабди. Сув аёлнинг тиззасига этибди, кейин белигача чиқибди. Аёл эса гўдагини багрига босиб қимирламай тураверибди. Сув ҳам шафқатсизларча аёлнинг кўксига этиб, бўйнига қараб йўл олганда, у боласини икки кўли билан сувдан кўтарибди. Сув онани бутунлай кўмибди. Лекин она бор кучи билан фарзандини сув юзида ушлаб тураверибди. Ёвуз жодугар бу холни кўриб, онанинг чексиз меҳрига койил колибди ва узок – узокларга кочиб кетибди. Аёл эса сувнинг чангалидан кутилиб фарзанди ва бутун ўлкани ёвуз жодугардан халос этибди. “Она меҳри” бу оддий эртак эмас – хақикатдир.

8.Ривоят килишиларича, болакай ошхонада пик-пик йиглаётган онасига савол котди:

- Нега йиглаяпсиз?
- Чунки мен аёлман, - дея жавоб килди онаси
- Тушинмадим! – деди бола. Онаси угилчасини багрига босди ва деди: “Буни ҳеч качон тушуна олмайсан!” Шундан сунг бола отасидан:“Дада, ойим нега йиглайди?” деб суради.
Отанинг жавоби куйидагича булди: Аёлларнинг барчаси арзимаган нарсага ҳам йиглашга мойил булди! Бироқ бу жавоб ҳам болакай учун кифоя килмади. Бола улгайди, катта одам булди, лекин шунга карамай аёлларнинг нима учун йиглаши боисини била олмади. Кариб, омонатини топширгандан сунг, жанинатда Аллоҳдан суради.
- Раббим, - деди. Аёлларнинг йиглаши жуда осонлигининг боиси нима? Тангридан шундай жавоб булди:
- Мен аёлларни узгача килиб яратдим! Ҳаётнинг азоб-укубатлари ва жамики кийинчиликларини таший оладиган даражада кучли булишига карамай, бошкаларга тасалли бера оладиган юшшок елкалар, тулгокнинг азоби ва дунёга келтирган фарзандларнинг ионкурликларига бардош бера оладиган ички кувват бердим. Бошкаларнинг мадори, умиди колмаганда уларнинг умидсизликка туширмайдиган, аксинча уларни олга одимлашга ундайдиган азми шижоат, оиласидагилар бетоб булганда холдан тоймайдиганчалик кудратни такдим этдим. Не булишдан катъи назар, хатто узларини

ранжитса-да, жигарбандларини севиш хиссини ато этдим. Бу туйгу болалари кайси ёшда булмасин, уларнинг яраларига малхам, муамоларини эшигтиб, уларга бирга ечим топишда кул келади. Эрларини бор кусурлари билан севиш кувватини бердим. Уларга яхши эр аёлинни асло хафа килмаслигини, лекин баъзи-баъзида унинг дастак ва кучини синааб куришга уринишини англаб етадиган акл-заковатни тухфа килдим. Аёлларга биргина заифлик сифатида куз ёшни бердим... Хеч чоралари колмаганда фойдаланиш учун. Одамийликдан чикиб кетмаслиги учун. Аёлни унинг сочи, вужуди ёки узини тутиши эмас, севгисини бахам кура олиши, фидокорлиги, масъулияти, зехни ва биргина аклига эмас, калбига хам таяниб иш куриши гузал килади.

Хулоса.

Она кандай вазиятта тушиб колмасин, барибир “фарзандим, фарзандим ва яна фарзандим, хамда оилас” деб ўтади. Буни ёддан чикарманг, азизлар!.

IX. Отани норизо қилиш ҳақида

1. Ривоят қилишларича Фазл Ибн Яхе Бармакий деган Богдод шаҳри ҳукмдорини кўкрагида кичкинагини оқ доғ пайдо бўлиб, у бундан каттиқ кайғуга тушган. Бир куни надимларни йигиб: “Шу кунларда Ироқ, Хурросон, Шом ва Форсда энг машҳур табиб деб кимни тан олишади”, деб сўрабди. Шунда надимлар: “Форслик Жосалик!” деб жавоб беришибди. У Фосрга одам юбориб, ҳаким Жосаликни Шероздан Богдодга олдиртириб келиби. Табиб бу касаликка қилиниши лозим бўлган барча ишни қилиби, орадан анча вакт ўтса-да, аммо беморда ҳеч кандай ўзгариш сезилмабди. Шунда ҳаким Жосалик: “Бу мен учун жуда осон иш эди, нега даволаниш узокка чўзилипти”, деб жигибийрон бўла бошлабди.

Бир куни у Фазл Инб Яхе билан танҳо ўтирганларида шундай дебди: “Эй улуг ҳукумдор! Мен даво учун нима лозим бўлса, ҳаммасини амалга оширдим, аммо таъсири сезилмаяпти. Наҳотки сиз ўз отангизни норизо қилган бўлсангиз? Агар шундай бўлса, уни

рози қилинг, шундагина мен сизни бу дардан қутқара оламан!”, дебди. Ҳақиқатан ҳам ҳукмдор отасини норизо қилган экан. Ўша куни кечкурун Фазл Ибн Яхә қаттиқ аҳд қилиб, отасининг хузурига бориб, ўзини унинг оёғи остига ташлаб, узоқ кечирим сўрабди. Кекса ота уни ноилож кечирибди.

Ҳаким Жосалик уни яна ўша эски усул билан даволашга киришибди. Иллат аста-секин тузала бошлабди ва орадан кўп ўтмай, оқ дод бутунлай йўқолиб кетибди.

Шундан сўнг Фазл Ибн Яхә ҳаким Жосалиқдан: “Бу иллатнинг сабаби – отамнинг норизо эканлигини қаердан билдинг”, деб сўрабди. Жосалик: “Мен қандай усул билан даволамай фойдаси бўлмади, шунда ўзимча дедим: “Наҳотки бу улуг зот дуоибадга қолган бўлса?!”. Атрофни кузатиб, ҳеч бир кимсанинг сиздан норози эканлигини билмадим, Шунда ҳукмдордан норози отасимасмикан, деган хulosага келдим”, деган экан.

Азизлар! «Ота» деган суз бизда бенихоя юксак макомда юради. Чунки аждод, уруг, кабила, оиласининг энг шох супасида, конкардошлик шажарасининг бошида ота тимсоли туради.

2.Иккинчи бир ривоятда ўғил бироз топармон бўлди. Ҳулқи ўзгара бориб, уйга кеч келадиган, айрим ҳолларда эса ичиб келадиган одат чикарди. Укаларини ҳам бўлар-бўлмасга уришиб, сўкиб уларни безиллата бошлади. Ҳолат шу даражага бориб етдики, ота-онаси олдида ҳам тап тортмай оиласини, укаларини куракда турмайдиган сўзлар билан сўкишни одат қилиб олди. Кунлардан бир кун отаси панд-насиҳат қилмоқчи бўлиб, ҳали оғиз очмасдан: «Қоч... кўзимга кўринма, менга акл ўргатма», - деб ўшқириб отасига тик боқди. Шу пайт онаси югуриб келиб, эрига илтижо оҳанг билан “жон отаси, шайтонга ҳай берингу, ўғлингизни қарғаманг”, деб ёлворди.

Ота! Минг бўлса ҳам ота! Ўз фарзандига ёмонлик тилармиди? Ёшлик қилгандир, ақли кириб қолар, деб, эр-хотин таскин топдилар. Йўқ, бўладиган бола бошидан деганлариdek, йигит ўз одатини ўзгартирмади. У арзимаган нарсалар учун ҳам бақириб, жанжал чиқариб, ота-онасини назар-писанд қилмай кўйди.

Ҳар қандай одобсизликни, хўрликни ҳам чеки-чегараси бўлади. Бир кун ота олдида у оиласини, укаларини ёмон сўзлар билан ҳакоратлаб, уйда жанжал кўтаргандан сўнг, ота кўнглидан: “Илоҳим ўсма, кўкарма!”- деган қарғиш кечди! Ота бу ўғил билан

гаплашмай кўйди. Орадан йиллар ўтди. Укалари аклли бўлиб улгайиши, фарзандли бўлиши. Бу орада бу йигит икки бор уйланиб, фарзанд кўрмади. Сигинматан жойи колмади. Хотинига айб кўйган эди, у бошқа бирорга турмушта чиккач, фарзанд кўрди. Ҳамма гуноҳ ўзида эканини билди.

Бир куни кекса бир аклли оксоқолга дил дардини айтади. Шунда оксоқол: «Отанг сендан розими?,- деб сўрайди. Йигит улар билан гаплашмай кўйганлигини айтади. «Ота рози- худо рози, деганлар. Отангни дуосини ол, мушкулинг осон бўлади»,- деб маслаҳат берибди мўйсафид. Йигит отасининг ҳузурига бош этиб келганда, отаси кенжা ўғилларини чақириб, васият қилмоқда экан. Отасининг оёғига тиз чўкиб: «Отажон, мен гумроҳ ўглингизни кечиринг», -деб йиглаб ёлворибди. Шунда отаси: «Эҳ, ўғлим, энди кечикдинг. Фишт қолидан кўчган. Ота-она қаргиши отилган ўқ, дейдилар. Отилган ўқ, кайтиб ўқдонга кирмайди. Мен кечирган билан яратган Аллоҳим кечирмайди сени» деб жон берибди. Шундай килиб бу йигитнинг бирини икки бўлмабди.

3. Ривоят қилишларича бир одамнинг уч ўғли бор эди. Оналари вафот этган, отаси эса оғир дардга чалинган экан. Бир куни ота ўзининг вафоти яқин эканини сезиб, уч ўғлини ҳузурига чорлаб:-ўғилларим, вафотим яқинлашиб қолганга ўхшайди, мендан кейин уччовингиздан биттагизгина меросхўр бўла оласиз, шахар козиси ва улуғлари қайси бирингизга хукм қилса, ўша ворис бўлади, улар менинг кўнглимдагини топиб хукм қиладилар деб ўйлайман-дебди.

Бир неча кундан сўнг у мўътабар инсон вафот этибди. Уч ўғил отадан қолган меросни талашиб, қози ҳузурига келишибди, отанинг айтган сўзини билдиришибди. Қози бу масалани ечишга ожизлик қилиб шундай дебди:

-Мен бу масалани ҳал кила олмайман. Отангиз қайси бирингиз меросхўр бўлишингизни очик айтмаган. Шу шахарда бир донишманд одам бор. Унинг ҳузурига бориб, отангиз васиятини айтинг, у қандай хукм чиқарса, мен уни тасдиклайман.

Ўғиллари донишмандни топиб, унга воқеани баён қилибдилар.

Донишманд газабланган бўлиб: Шу хилда ҳам мужмал васият бўладими? Боринглар, шундай тутуруксиз васият қилган отангизни кабрини бузиб, ер билан яксон қилиб, сўнгра ҳузуримга келинглар, келганингиздан кейин тўғри, ҳакконий хукмимни эшитасиз,-дебди.

Эртаси куни икки катта ўғли кетмон, белкурак кўтариб, кичик ўғил эса қўлига қилич олиб, оталарининг кабри олдига келибдилар. Икки катта ўғил қабрни бузишга харакат қилган эканлар, кичик ўғил қилич кўтариб, уларга:

-Қандай одобсиз, тарбиясиз, виждонсизсизлар. Мол-дунё деб отамизнинг қабрини бузиши истайсизлар. Мен бундай ифлос ишни қилишингларга йўл қўймайман. Мен меросдан кечдим. Сизларга қолақолсан. Ота-онамиз хаёт вақтларида сизлар уларни хурмат қилмадинглар. Энди қабрда ҳам тинч ётгани қўймайсиз, эй номуссиз, акалар, дебди. Катталар кичик ўғилнинг қиличидан кўркиб, қабрни бузишга ботина олмантилар.

Улар донишманд олдига боришиб, бўлган воқеа баён килишибди. Шунда донишманд: «Сизларни синаш учун отангизни қабрини бузишга буюрган эдим. Сиз икки ноқобил ўғил шу жирканч, гуноҳ ишни бажаришга рози бўлдинглар, укангиз бу ишдан сизларни кайтаришга унади. Энди инсоф қилиб айтингларчи, ҳақиқий меросхўр сизларми ёки уми?- деб кичик ўғилнинг пешонасидан силаб айтиби.- Офарин, ўғлим, отангнинг чин фарзанди сен экансан, ота меросига сен эга бўласан. Менинг хукмим – шу.

ХУЛОСА

Азизлар! Ҳозирда ота-оналарини хор-зор қилаётган, дилларини огритаётган номард фарзандлар ҳам учраб турибди. Улар нима қилаётганликларини ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Хатти-харакатларининг нақадар даҳшатли эканлигини хис қилмайдилар. Айримлари вақтинчалик топган бойликлари олдида эсанкираб, шундай йўл тутадилар, ўз укалари, сингилларини хўрлайдилар, кондошларига шафқатсизлик қиласидилар.

Қадимдан бир накл бор: "Ота ўнта болани бокади-ю, ўнта номард бола ота-она бока олмайди". Бу наклнинг мазмуни жуда чукур. Уни ҳар бир фарзанд ўйлаб кўриши, ёдидан чикармаслиги лозим.

X. Она алласи ҳақида

Мустакил юртимизда “Соғлом авлод” дастурининг амалга оширилаётганилиги жамият зиммасига ота-она ва болалар ўргасидаги меҳр-оқибат, соғлом турмуш, соғлом маънавий дунё, Ватан туйгусини тиклаш, баркамолликка эришиш заруриятини юклайди.

Асримиз шубҳасиз илм-фан, техника тараққиётининг янги уфкларига кўтарилиди. Инсоният авлоду аждодлари ҳаёт тарзини нечоглик тараққиёт эттириб бормасин, эскилар янгиларга жойларини қанчалик тез ёки секин, бўшатмасин, шундай миллий қадриятларимиз борки, улар асрлардан-асрларга сайқалланиб ўтаверади. Шулардан бири бокий ва бокира, дарёдек уйғоқ, мангу кўшиқ – она алласидир.

Алла... Дунёдаги энг соғ, энг оҳангдор, эрка туйгули, калб нури билан куйланадиган оналик кўшиғи. Аллада илтижо сеҳр, калб садосию, Ватан навоси, бу дунёдаги жамики эзгу тилаклар мужассам.

Алланинг ilk талаффузи Аллоҳдир. Қадимда оналаримиз “Боламга инсоғ, иймон, умр бергии Аллоҳ” деб илтижо қилишган. Орадан вақтлар ўтиши билан мукаддас исм талафузий эврилишлар оқибатида “Алла” шаклига эга бўлган. Она алласининг шаклланиши хусусида доно ҳалқимиз хилма-хил ривоятлар, афсоналар, достон ва эртаклар тўкишган.

Шулардан бирида ривоят қилинишича, бир юрт остонасига ёв бостириб келибди ва шу ерлик ахолини вахшийларча қиличдан ўтказа бошлабди. Қишлоқнинг етти ёшдан етмиш ёшигача бўлган барча ёшу қариси жон сақлаш учун дуч келган томонга қараб қоча бошлабди. Бутун қишлоқни кон какшатиб келаётган вахшийлар бир уйнинг остонасига етгач, лашкарбошиси бехосдан ортидагиларга жимлик ишораси сифатида бармогини лабига босибди. Лашкарбоши кулок солса, ичкаридан онанинг мунгли алласи эшитила бошлабди:

Алла айтай, жоним болам, кулоқ солгин, алла,
Худойимга нола қиласай, катта бўлгин, алла.
Катта бўлсанг ёв бўлмагин, посбон бўлгин, алла,
Шавқатлию меҳрибон бўл, аллаё, алла.

Аёл алласи ёв бошлигининг қулогига ўз онасининг фарёди бўлиб туюлибди. Шу боисдан унинг қалбидаги нафрат алангаси учиб, унинг ўрнини меҳру шафқат эгаллабди. Она алласининг сехри билан шамширлар гилофга тушибди.

Кўриниб турибдик, ривоятда чинакамига ҳақиқат яширган. Бобокалонларимиз “Она алласи тошин ҳам эритишга қодир” деб бекорга айтишмаган бўлса керак.

Иболи аёл рўзгорда сув келса симириб, тош келса кемиради. Она хонадоннинг яхисини ошириб, ёмонини яширади, не савдоларни ичига ютади. Аламни тинимсиз ўзингта олганингдан кўра, кимгадир баъзан-баъзан кўнгил ёрган сиҳатлик учун фойда экан. Бироқ момоларидан, оналаридан уй сирини кўчага олиб чиқмасликни мерос қилиб олган ўзбек аёли ҳасратларини ўзгалар олдига дастурхон қиласкермайди. Бундай пайтларда алладан ортиқ дилдош топилмас.

Жамики сузлар султонидан териб айтилган «алла» ёлгиз кунгиллардаги гам-андухларни бироз енгиллаштиради, зарга тукнаш келавериб толиккан кузларга дам беради, ёлгонларни кечиб бораётган кадамларни тухтатаётib куяди.

Табобат илмининг султони ва асосчиси Абу Али Ибн Сино: “Боланинг мижозини кучайтирмоқ учун унга икки нарсани қўлламоқ лозим, бири болани аста-секин тебратиш, иккинчиси уни ухлатиш учун одат бўлиб қолган алладир”, деган экан.

Айтиш лозимки, ер юзидағи жамики оналарни ўз алласи бўлади. Уни она бутун борлиги билан чин юракдан хиргойи қиласди. Бола уни руҳан хис этади. Ўғил болаларга нисбатан айтиладиган аллаларда ботирлик, жасурлик, мардлик, дўстга садоқат ва Ватан хисси устунлик қилса, киз болаларга айтиладиган аллаларда кўпроқ гўзаллик, хуси, латофат, назокат ва оқилалик тиланади.

Афсуслар бўлсинки, аждодларимиз камолотида ўзига хос тарбия мактаби бўлган, руҳий озука, куч-кудрат ато этиб келган аллаларимиз кейинги йиллар мобайнинда хонадонларимизда кам янграйдиган бўлиб қолди.

Хозирги ёш аёлларимизнинг кўпчилиги алла айтишни умуман билишмайди. Бола ухлатиш учун радиони баландлатиб кўйиб: “Нима фарки бор, онанинг алласини эшитдими, хонанданинг

кўшиғини тинглаб ухладими – тил уқмас гўдакка бари-бир эмасми?” – деганлар ҳам йўқ эмас.

1986 йили АҚШда она қорнидаги гудаклар маҳсус дастур асосида ўқитиш бўйича ўтказилган тажрибаларда катнашган бўлгуси оналар, гўдакнинг қорнидаги пайтидаёқ эшигиш ва “хатто сўзлаша олишига ишонганилар. Демак, дунёга келган чақалоқ ўз онаси айтган аллани барча кўшиқлар, мусикалардан ажратади олиши табиийдир”.

Бола кўнгли она меҳрини, қалби тафтини хамиша кумсаф туради. Алла тинглаб, улгайган бола ҳақиқий юрган фидойиси, Ватан посбони эзгуликка мойил инсон бўлиши шубҳасиз.

Донолар : «Она билан бола кўнглининг ришталаридан бири ҳам алладир. Алла айтгилмаса, демак, бу ришталардан бири узилади – бола она меҳрига қонмай, такаббур, ялтироқ нарсаларга ихлосманд, қадр-қимматини баҳолай олмайдиган, ибосиз бўлиб вояга етиши мумкин. Алла эшигтмай ўсган болалар орасида ҳар хил кўнгилсизликлар, жиноятчиликлар кузатилади. Мехрсилизик, оқибатсизлик, гиёхвандлик, спиртлик ичимликларга ружу кўйиш, таносил касалликлари ҳам уларда кўпроқ учрайди» дейишади. Ўсмирлигига беҳаёт гап-сўзлар билан тили қотган, қотаётган йигит-қизлардан эрта қандай чоллар, қандай кампирлар вужудга келишини бир кўз олдингизга келтириб кўринг-чи.

Замонлар, одамлар ўзгараверади. Лекин онанинг фарзанд келажаги ҳакидаги орзу-ўйлари юксаклигича қолаверади. Қизларимиз шуни унутмасликлари керакки, фарзанд тирногига зор ота-оналар яратганга илтижо қилиб, азиз-авлиё, муқаддас жойларга сигинадилар. Хайр-садақа бериб, зурриёт учун қайғурадилар. Ҳар бир аёл фарзандлик бўлганига шукrona айтиб, уй юмушлари кўп, шароит ўзгача каби баҳоналар қидирмай, алла орқали унга ўз меҳрини бермоги, келажак авлодни ҳам жисман, ҳам руҳан баркамол улгайшини таъминламоги лозимдир.

ХУЛОСА

Мустақиллигимиз туфайли миллий қадриятларимизнинг тикланишига катта йўл очилган экан, мактабларда, ўрта маҳсус ва олий ўкув юртларида “алла” кўрик танловларининг ўтказиб борилишини мақсаддага мувофиқ деб биламан.

Юқоридаги саъй-ҳаракатлар билан ҳар бир жамоа мустақил давлатимизнинг “Соглом авлод” дастурини бажаришга ўз хиссасини қўшган бўларди.

Мухтарам Президентимиз таъкидлаганлариdek, соглом авлод йўлида кўйилган ҳар бир қутлуғ қадам, эртаси порлоқ, кучли ва кудратли мамлакат истиқболига хизмат килади.

XI. Мехмондорчилик ҳақида

Ривоят қилишларича қадим замонда бир хон яшаган экан. Бойлиги чексиз экан. Бир куни у мулозимлари билан овга чиқади. Ўрмон оралаб ўтиб, давондан ошиб тушадилар. Кўққисдан улар қаршисидан чиройли сайғоқ чиқиб қолади ва отлардан кўркиб қочади. Хон камондан ўқ узиб, сайғоқнинг орқа оёгининг ярадор килади. Хон мулозимлари ҳайқиришиб, сайғоқни жар ёқасига сиқиб бораверадилар. Ярадор сайғоқ иложисиз қолгач, олисда турган ўтовни кўриб қолади ва у ерга чопиб бориб, очиқ турган эшиқдан киради-да, дастурхон устидан сакраб ўтади-ю, тўрига бориб ийқилиб, холдан тойганча оғир-оғир нафас ола бошлиди.

“Сайғоқни чиқариб юбор! – деб қичқиради отда турган хон уй эгасига қараб. – Мен уни чошгоҳдан бери қувиб юрибман. Бу – менинг ўлжам”.

“Тўғри, бу сенинг ўлжанг – дейди уй соҳиби, аммо у менинг уйимнинг тўрисида ётибди. Кўриб турибсан, дастурхоним ёзиғлик. Ҳеч ким дастурхонни хатлаб ўтолмайди. Хатто ашаддий душманлар ҳам дастурхон устидаги ярашадилар, гина кудратни унугдилар. Муқаддас анъанамиз шундай. Сен хон бўлсанг ҳам боболаримиздан қолган удумни бузишга ҳаққинг йўқ”.

Хон ҳеч нарса дея олмай, от жиловини буриб жўнаб колган экан. Бу ибратли ривоят. Бунинг тагида катта маъно ётади.

Халқлар ўртасида меҳмонга бориш меҳмон кутиш удумлари турли-тумандир.

Меҳмондўстлик-ўзбек ҳалқининг олий фазилати. Бизнинг меҳмондўстлик қоидаларимиздан сабоқ олса арзигулиқдир. Уларни яхши билиш, маъноларини уқиб олиш фойдадан ҳоли эмас, албатта.

Меҳмонга хос бўлган одоблардан бири шундаки, кимки меҳмонга таклиф этса, иложи борича рад қилмай бориш керак. Чакирилмаган жойга бормаган маъкул. Меҳмонга уй соҳибининг

рухсатисиз, айтилмаган ёки нотаниш одам бошлаб келинмайди. Мехмон одоби меҳмонга борилган уйнинг остонасидан бошланади. Бунда эшик кўнгироги устма-уст босилмайди, таклифни кутмасдан ичкарига кирилмайди, овозни барадла кўйиб қичқириб чақирилмайди.

Уйга кирганда юкорига ўтишга уринмай, уй эгаси қаерни кўрсатса, ўша ерга ўтириш зарур. Кираётганда ва ўтираётганда таъзиму тавозени унутмаслик керак. Ўзлари хоҳламай турган икки одамнинг орасига сукилиб ўтирилмайди. Меҳмондорчиликда улуғ одамлар ўтирган бўлса, овқатта улардан олдин кўл узатилмайди. Мезбон уйига меҳмон келса, “хуш келибсиз” дея очик чехра билан кутиб олади. Чунки меҳмон келиши хонадон учун бамисоли байрам. Ҳалқимиз меҳмондўстликни яхшилик рамзи деб билгани учун уни лутф ила кутиб олиб, иззат-хурматини жойига кўйишни доимий одат тусига айлантирган.

Меҳмоннинг олдига кираётганда, чиқаётганда ёки таом ейилаетганда очик юзли, ширин сўзли ва хушфеъл бўлиш лозим. Меҳмонлар олдида ўз яқинларига қаттиқ гапирилмайди, уларга танбеҳ ва таъна сўзларни айтишдан тийилади. Шу боисдан бўлса керак, “Меҳмон келса мушугингни ҳам “пишт” дема”, дейди доно ҳалқимиз.

ХУЛОСА

Уйига тез-тез меҳмон келиб турадиган оиланинг маҳалла-кўй ўртасида обрўи ортади. Уларнинг фарзандларида ҳам хушфеъллик, хушмуомалалик каби яхши сифатлар шаклланади. Меҳмон тўсатдан келганда ўзлари оч ўтиrsa ҳам меҳмон олдига чой дамлаб, уйида бор масаллиқдан бирор таом тайёрлаш ўзбек ҳалқининг одати бўлган.

Шундай килиб, меҳмонга ҳам мезбонга ҳам бўлган талабларни ўзига жо айлаб, унга амал қилиш ориятли инсон учун муҳимдир.

XII. Савоб ҳақида

1. Ривоят қилишларича, бир подшо юртга муносиб вазир танламоқ учун ҳузурига кўпчиликни чорлаб, “Осмонда, ерда ва ер остида нима кўп”, деган саволни ўртага ташлабди. Юртнинг таникли олиму-фозилларининг жавоблари подшога маъкул бўлмабди. Йигин охирида бурчакда ўтирган оддий бир киши ўрнидан туриб, изн сўраб, рухсат этилгач, ўз жавобини қуидагича ифода этибди: “Күёш ерни иситади, ой ёритади, булут ёмғир тўкиб яшнатади. Бунинг эвазига ердан ҳеч нима талаб этмайди. Эвазига ҳеч нарса талаб этилмайдиган яхшилик, савобга лойиқ. Шу боис осмонда савоб кўп. Ер юзидағи ҳар бир тирик жон бирон-бир орзу, бемор-соғайиш, ёлғиз уйланиш, камбағал-бойиш, оч-корин тўйдириш ва ҳоказо билан яшайди. Шунинг учун ерда орзу кўп. Орзусига ета олмаганлар армон билан кетадилар. Шу боис ер остида армон” кўп, дея сўзини тугатибди. Унинг жавоби подшога маъкул бўлиб, уни вазирликка тайинлаган экан.

Ҳозирги ташвишли ва ҳаяжонли ўтаётган ҳар бир кунимизда савоб олмоқ учун осмонга чиқишимизга хожат йўқ. Агар зийракроқ назар ташласак, шундоққина оёғимиз остидан савоб олмогимиз учун уддасидан чиқадиган хайрли ишлар кўп.

Дарвоқе, савоб-нима, дегани? У авлоддан авлодга мерос бўлиб келаётган, олийжаноб инсонларга хос ноёб туйгу ва фазилатdir. Ҳар биримиз ёруғ дунёга келиб, эс-хушимизни таний бошлаганимизданоқ ота-оналаримиз: “Болам, ундоқ қилма, бундоқ қил, савоб бўлади деб насиҳат қилишларининг боиси шунда эмасми? Савоб-бу қўлингдан келганича бошқаларга яхшилик қилиш, ҳеч кими йўқ, кимнидир кириб келишига зор-интизор, кўзлари тўрт бўлиб эшик пойлаб ўтирган ёлғиз бир ғарибни йўқлаб, қўнглини овлаш, бошига мусибат тушган дилафгорни йўқлаб, ҳамдардлик билдириш, ота-она ва яқинларимизга меҳр-оқибат кўрсатиш, одамларга ғамхўр ва эътиборли бўлиш, демакдир.

Савоб-бу бир сўз билан айтганда, ўзлигиндан кечиб кўпнинг баҳт-саодати, тинчи, хотиржамлиги ҳақида ўйлаш, қайгуриш дегани.

Шуни эсда тутмок лозимки, инсондан экилган күчтөр, қазилган арик, яхшиликлар қолади. Донолар: “Арзимасдай туйилган эътибор билан чўккан кўнгилларни тогдай кўтармоқ мумкин”, дейдилар.

Ҳа, меҳр-мурувват олами одамга ҳаётдай зарур. Инсон меҳр билан тирик. Одамларга маънавий, моддий ғамхўрлик ва эътиборли бўлиш одамийликни юксак белгиловчи инсоний бурчидир. Чунки бу фазилат инсон умрига умр кўшади. Ана шу инсоний бурчни эринимасдан адо этаётганлар битмас туганмас савобга эта бўлаверадилар.

Машойихлар: “Савобнинг ҳиммати улуг” дейдилар. Хикматона бу иборада ҳар бир мўминнинг икки дунё саодати ўз ифодасини топгандек.

ХУЛОСА

Савоб кетидан қувганинг дили равшан, юзи ёруғдир. Бекорга: “Одам билан тириkdir одам, одамсиз на даркор олам” дейишмайдику.

2. Ривоят килишларича, бир подшоҳ оғир хасталикка чалинди. Бир талай ҳакимлар: “Бу дардни факат шу хусусиятдаги инсоннинг ўти даволай олади”, - дедилар. Ҳукмдор дархол амр этди. Подшоҳнинг мижозига якинрок бўлган одамни излай бошладилар. Охири шундай хислатга эта, ёш ўспирин йигитни бир кишлокдан топиб келтиришди. Ҳукмдор йигитнинг ота – онасини чакиртириди. Уларга хадялар бериб мамнун килди ва ризолигини олди.

Ваколатли козилар, “Подшоҳ эсонлиги учун ҳалқдан бирининг конини тўқмоги уйғундир”, детан карор чикаришди. Бераҳм жаллод дархол хозиру нозир бўлди. Шунда йигит осмонга караб кулимсиради. Бундан ажабланган шоҳ дархол:

- Ўзинг ўлимга кетяпсан... бегам бўлиб кулишингнинг боиси не?
Сени ким кулдиряпти? – дёя сўради.

Шунда йигит подшоҳга караб:

- Боланинг эркалигини ким кўтаради – ота–она ...

Мени улар хозиргина мол – дунё учун ўлимга сотиб кетдилар. Даъвони кимга киладилар – козиларга. Кози ўлимимга фатво чикареди. Адолатни кимдан истайдилар – подшоҳдан. Подшоҳга эса мени ўлимим керак... шунинг учун осмонга караб “Эй Аллоҳим ! ёлғизнинг ёри ўзимман дегандинг, мана мен, ёлиз турибман.

Сендан бошка сигинадиганим йўк!” дей кулиб тургандим, – деди. Бу гапларни эшитиб, шохнинг калби эриб, кўзларидан ёш оқди. “Бир бегунохнинг конини тўкиб, яна канчалик умр кўрардим. Шундай йигитни ўлдирганимдан кўра, менинг ўлганим минг чандон яхширок эмасми?...” – дей йигитни озод килишларини буюрди. Ва уни ёнига чакириб бағрига босди. Юз – кўзларидан ўпиди, йигитга хисобсиз даражада хадялар берди.

Айтишларига караганда, йигитни озод этган хукмдор бир хафта ичида согайиб, узок умр кўрган экан.

3. Ривоятларга кура, Хотамтой умрини одамларга яхшилик килишга багишлади. Бутун бойлигини хайр-эхсон йулида харжласа-да, унинг давлати борган сари ортиб бораверган. Айтишларича, унинг касрида етмиш икки дарвоза булиб, хожатталаб киши уларнинг барчасига бирма-бир кириб утса-да, хеч биридан курук чикмас экан.

Хотам дунёдан утгач, унинг урнини эгиз биродари эгалламокчи булади. Онаси бунга эътиroz билдиради:

-Хотам битта эди. Сен эса Хотамчалик сахий булолмайсан. Угли акасининг саройига бориб ултиради-да, узини иккинчи Хотам деб эълон килади. Унинг матонатини синаб курмокчи булган онаси, тиланчи кийимида халиги эшикларнинг биридан садака сурайди. Хотамнинг укаси уни танимайди ва унга катта ином-эхсон бериб, кузатади. Кейин у иккинчи, учинчи... хуллас, етмиш икки дарвозадан кириб, садака суръверади. “Иккинчи Хотам” акасининг одатига амал килиб, уни сийлаб кузатаверади. Онаси барча дарвазаларга бирма-бир кириб чиккач, яна биринчи дарвозага кайтади. Буни курган угил газабдан хайкириб юборади: Инсофинг борми? Етмиш икки дарвозамдан кириб, куни-кунгжингни тулдириб чикдинг. Етар энди!

Онаси шунда узини танитиб, эгнидаги рудаполарни ечиб ташлади. Углим, агар аканг булганида, бунака килмасди. Чunksи унинг Хотамтойлиги чакалоклигидан маълум эди. Хар гал иккингизни эмизаётганимдаёк буни пайкаганман. Аканг сени эмизмагунимча, сутимни эммасди. Сен эса бир сийнамни эмажтиб, иккинчисини хам чанглаб олардинг...

Хулоса

Сахилар ер юзида подшохдур, сахиларга Худо пушти панохдур.

4. Ривоят қилишларича, кунларнинг бирида карвон ахли Хотамтой дафи этилган водийда тухтаб, дам олмокчи булади. Карвонбоши Хотам кабрини зиёрат киларкан, хазиллашиб, “Эй сахиллпр подшоси, бизни бир меҳмон килмайсанми? “ дей хитоб килади. Кейин уша водийда чодир тикилиб, Йоловчилар уйкуга кетдилар. Халиги карвонбошининг тушига ок соколли бир чол кириб, хасса билан уни турткилади: “Тур урнингдан туйнгдан хабар ол, харом булмасидан бугзига пичок торт“, дей кичкирди. Карвонбоши сапчиб уйгонди. Караса туси типирчилаб ётибди. Дарров ханжарини чикариб, туйни ҳалоллаб олди. Шунча гушт увол кетмаслиги учун козонга солиб, пиширишди ва тоңгача зиёфат килишди. Эрталаб йулга тушишди. Шу пайт кунчикар тарафдан бир туйни миниб, иккинчисини етаклаб олган бадавий уларнинг каршисидан чиқди: Мен Хотамтойни угли буламан-деди у. Кеча кай бирингиз отамдан зиёфат килишни сурадингиз?

Карвонбоши курка-писа олдинга чикаркан, базур “мен” деди. Отам кечаки тушимга кирди,— деди халиги араб. Бугун бир карвон ахли менинг меҳмоним булиб турибди, уларни уз туси билан меҳмон килдим, эрталаб туриб, сурувдан энг бакувват туйни олгину, кун ботар томонга юр, карвонниг каршисидан чикасан, туйни эгасига топшир, деган эди. “Мана туйнгиз” деди-да, туйнинг жиловини карвонбошига тутказиб, ортига кайтди...

Хулоса

Хотамтойлик, хайр-саховат ва олижаноблик инсонга зеб бера оловчи фазилатлар сирасига киради. Шу боис олижаноб, кули очик, саховатпеша кимсалар хамиша элнинг эъзозида буладилар

XIII. Ҳалоллик ҳақида

1.Ривоят қилишларича бир маҳаллада Хожи ота деган киши бўлган экан. У жуда одобли, обрў-эътиборли, кичик кўнгил, нуроний оқсоқол эканлар.

Унинг ҳовлисидан катта ариқ ўтар экан. Ёз келди дегунча ўша ариқнинг кўшниникига девор остидан ўтадиган жойига тўр сим жойлаштириб кўяркан. Пишиқчилик бошланди дегунча шу ариқдан

ўрик, олма, шафтоли, нок каби мевалар оқиб келаркан. Хожи ота бомдод намозидан кайтгач, сим тўрга илиниб колган меваларни хис-чўплардан тозалаб ҳар бир тур меваларни алоҳида-алоҳида пакирларга соларкан. Бу меваларни ҳар бири юкоридан кимларнинг ҳовлиларидан оқиб келишини ҳам аввалдан биларкан. Сўнг пакирдаги мевани кўтариб ўша ариқ ўтадиган хонадонга бориб, унинг эшигини тақиллатиб, уй эгасини чакираркан. Унга: “Бу мевалар сувда бизнигга оқиб борибди, ҳаммасини тозалаб олиб келдим. Мана олинг, бу сизники, мусулмончиликда бирорвонинг ҳакки деган гап бор”.

Уй эгаси: “Хожи ота, мевани сувга тушгани элники, нега овора бўлиб олиб келдингиз. Мен розиман”.

Шунда Хожи ота: “Шундайку-я, лекин рози ризолик деганлар, бундан ташқари луқман ҳалол деган гап бор ҳалкимизда”.

Шундан сўнг Хожи отани кўнгли таскин топиб, иккинчи пакирни кўтариб, яна бошқа хонадон томон йўл оларкан. У ерда ҳам худди юкоридагидек савол-жавоблар кечаркан.

Шу хол ҳар куни такрорланар экан. Шунда ҳар бир турдаги меваларнинг эгалари: “Хожи ота биз бир эмас, минг бор розимиз, деб неча марта айтдик, ҳар куни овора бўлиб келиб юрманг” дейишса, шунда у “Шундайку-я, лекин ўртада шайтон деган маҳлук бор, кеча айтган сўнгиздан бугун сизни у кайтарган бўлсачи – бу менга коронгу” – деб жавоб қиласканлар.

Ҳар куни мева эгаларини розилигини олгач, ҳовлисидағи патнисларга меваларни тўкиб, ўзининг ва қўшниларининг фарзандларига, невараларига қараб: “Мана болаларим, буларни ҳалоллаб келдим, энди есанглар бўлаверади” дер эканлар.

2. Бир ривоятда айтилишича бир камбагал мешкобчи яшаган экан. Уни мешидан бошқа ҳеч вақоси йўқ бўлиб, шу мешда сув ташиб, тирикчилигини бир нав ўтказиб туарар экан. Кунларнинг бирида, мешкобчи кўчадан ўтиб бораётса, бир ёш бола унинг мешини мих билан тешиб кочибди. Сув тўкилиб, мешкобчи шу куни тирикчилигидан колибди ва мешини ямабди. Бу хол кейинги кунларда ҳам бир неча марта такрорланибди. Охири меш ямаб бўлмайдиган даражага стибди. Чорасиз колган мешкобчи боланинг уйини топиб отасига учрабди, бўлган воқеани унга баён қилибди.

Боланинг отаси меши ҳамда, у бехуда ўтказган кунлар ҳаккини тўлаб, мешкобчини жўнатибди. Бола тарбиялашда қачон ва қандай

хотага йўл кўйдим, экан деб кўп изтироб чекибди. Чунки бу одам ҳалол яшаган, фарзанларини ҳам пешона тери звазига боқаётган экан.

Жигарбандимга қачон ҳаром лукма егизиб кўйдим, экан дея қанча ўйланмасин, бундай ҳолни ҳеч эслай олмабди. Хотини ҳам ўйланб топа олмабди. Келаси куни хотин: “Ёдимга тушди шу боламизга хомиладорлигимда қўшнимизникига чикқан эдим. Ҳеч ким йўқ экан. У ерда гарк пишиб ётган анордан бирам егим келдики, сўрамай биттасини узиб егандим” дебди. “Э, ха кўрдингми, қаерда адашганмиз” – дебди эр. Ота қўшнисиникига чиқиб, бўлган воқеани айтиб, уларни рози қилибди. Лекин буни ўғлига айтишмабди. Буни қарангки, қўшнини рози килган заҳоти бола беихтиёр михни улоқтириб юборган экан.

3. Ривоят килишларича, бир улуғ қозиколон ўтган экан. Унинг бир покдамон, ҳалол бoggони булган экан. Кунлардан бир куни қозикалоннинг уйига нуфузли меҳмонлар ташриф буорибди. Даствурхон тўкин, мевалар ранг-баранг. Меҳмонлар бoggонга тахсинлар айтишибди. Аммо анорлар жуда нордон экан. Мезбон хижолат бўлиб бoggонини чакирибди ва меҳмонлар кўз ўнгига койибди. Бoggон узрини айтибди: “Хожам, менга бoggда ишлашни буоргансиз, мевалардан еб юр, демагансиз. Шунинг учун мен бoggингизни парвариш қилдим, лекин мевалардан еб кўрганим йўқ”.

Бoggоннинг жавобидан меҳмонлар хайратга тушибдилар, ҳар бири бу бoggонни ўз бoggida хизмат килишини орзу қилибдилар.

Қози ҳам шундай ҳалол одамни қўлдан чиқаргиси келмабди, унга миннатдорчилик билдириб, уни ўзига куёв килиш нияти борлигини етказибди. Тўй ўтибди, курсандчилик, тантана тугабди, лекин янгалар хайронмиш. Нима учун куёв келинга яқинлашмаялти? Ҳафта ва ундан кўпроқ кутишибди, лекин ахвол ўша. Охири, гап қозига етибди. У киши бoggонни хузурига чакирибди-да, минг андиша билан дебди: “Ўғлим, ожизамизни ўзингизга муносиб кўрмадингизми, сизга беадаблик қилдими?”.

Бoggон эҳтиром билан узр айтибди: “Эй муҳтарам хожам, сиз энди менга ота ўрнидасиз. Каримангиз томонидан заррача нуксон содир бўлгани йўқ. Мени минг бор манъзур тутасиз, кайлигим буткул покланиб, тозаланмагунича унга яқинлаша олмайман”.

Қози баттар хайрон бўлибди. Бoggон кўнглини очибди.

- Кизингиз кирқ кун пархез қилишлари, сизнинг парваришиңгизда еган таомлари кувватидан бутқул халос бўлмоқлари керак. Чунки сизнинг машшатингиз ҳамиша ҳам ҳалол бўлавермаганди, уйингизга жуда кўп нуфузли одамлар келишганди, совғалар, иеъомлар қилишганди. Улар бу инъомларни ҳамиша ҳам рози бўлиб, чин дилдан тухфа қилмаган бўлишлари мумкин. Айрим “химмат”лилар эса одатда бошқаларни норизо қилиб, тарозидан, хисобдан уриб қолиш ҳисобига бойиганилар ва шу бойликларидан дабдабали зиёфатлар бергандар. Сизга ҳам совғалар келтиргандар. Шунинг учун менинг оиласи, қайлигим ўз жисмидаги таом асоратидан ҳалос бўлгунича пархезда бўлмоги лозим. Бу покланиш мену қизингиздан бўлак яна бир инсон – бўлгуси фарзандим изнинги ҳалоллиги учун ҳам зарурдир”.

Қозининг ҳайратига ҳайрат қўшилибди, кўевига хурмати ўн чандон ошибди. Вақт соат етиб, боғбон ўғил қўрибди. Огини Абдуллоҳ кўйибдилар. Мана шу Абдуллоҳ ислом оламининг энг улуғ олим ва фозил кишиларидан бўлиб етишибди.

Ушбу сатрларни ўқиб, ҳозир ҳалоллик тўғрисида гап юритишга не хожат, замонни кўр, ким ҳалол яшайти, маошга кун кўриб бўладими? дегувчилар ҳам бордир.

Тўғри, муаммоларимиз кўп, ўзбекнинг маросимлари эса бисёр. Булаарни инкор этиб бўлмайди, лекин ҳалол пок одам доим поклигича қолади. Ундаилар яхши кунлар келишига ишонч билан яшайдилар, каддини тик тутишга ҳаракат қиласидилар. Чунки барчамизнинг рўпарамизда ҳакнинг буюк ва асло адашмайдиган тарозиси турибди. Биз барчамиз ана шу улуғ ажрим кунига, буюк тарози қошига кунма-кун бораётган одамлармиз.

ХУЛОСА

Мустақиллигимиз туфайли ҳалқимиз ўзлигини англаяпти, иймон эътиқод илдиз отаяпти. Ҳалқимизнинг қадимий урф одатлари, хислатлари ҳакида гап кетгандан мен ҳамиша фаришта мисол юқорида номлари зикр этилган шахсларни хурмат или эслайман. Поклик, ҳалоллик, маънавий юксак баркамоллик тимсоли сифатида кўз ўнгимда намоён бўлади. Ҳалолликка йўл менимча юрақдан бошланмоги лозим.

4. Ривоятда айтилишича, бир бола мактабга бормокни ҳеч хоҳламас экан. Шунинг учун ҳар куни опаси ўқишга етаклаб олиб бориб, мактаб партасига ўтказиб келар экан. Бир куни опаси билан мактабга кетаётib бола дебди: “Опажон, бир оз ўйнайлик, кейин мактабга борармиз”.

Опаси унга: - Йўқ, укажон, бўлмайди. Мен сени мактабга элтиб кўйгач, кайтишда дўкондан ип олишим керак. Йўл гулзор орасидан ўтар экан. Гулзорда ранг-баранг очилган гуллар орасида асаларилар учиб юрган экан. Боланинг асалариларга ҳаваси келиб: “Асалариларга мазза-да! Ўйнаб-ўйнаб учиб юрадилар”, дебди. Ундаи эмас, дебди болага опаси. – Асаларилар ўйнаб учиб юрганлари йўқ. Улар гулдан гулга кўниб бол ингмоқдалар. Сўнг уларни ўз уяларига элтадилар. Охири улар йигиб келган боллар одамларга озуқа ва дори бўлади. Демак, хозир асаларилар меҳнат билан машғулдирлар.

Опа-ука яна йўлни давом эттирибдилар. Йўл яқинидаги бир эшик олдилда катта ит чўзилиб ётган экан. Уни кўриб бола: - Опажон, каранг, ит ҳузур килиб дам олиб ётибди, - дебди. Шу пайт эшик очилиб, ҳовлидан бир киши чиқиб келибди. Унинг елкасида ов милтиги ва халтаси бор экан. Ит ҳўжайнини кўргач дарҳол ўрнидан турибди ва уни ортидан йўлга тушибди. Ҳўжайнини овчи экан. Ит эса – ов ити. Улар ўз хизматлари сари йўл олибди.

Кўрдингми, дебди опаси укасига, ҳамма ўз иши билан банд. Одамлар ҳам, асаарилар ҳам, ов ити ҳам. Сен ҳам ўз ишинг билан шугулланишинг керак. Сенинг ишинг эса ўқишидир. Бола опа ўғитларини тушунибди. Шундан сўнг унинг ўзи мактабга катниайдиган одат чиқарибди ва ўқишга берилиб кетибди. Бу ривоят ҳудди меҳнат мадхиясига ўхшайди.

Ҳар бир инсон ҳалол меҳнати эвазига топган даромади билан тирикчилик қилмоги керак: тинимсиз молу давлат, бойлик йиғмоқка интилув керакми? Бойликка хирс қўйиш нималарга олиб келиши мумкин? Бу борада Абу Райхон Беруний ҳикоясига бир кулоқ беринг-а!

Қадим замонларда одамлар сог ва саломат бўлган эканлар, улар узок умр кўриб, касаллик нима эканлигини билмаган эканлар. Улар ҳалол меҳнат билан топган даромаддан ўз эҳтиёжларини қоплаган эканлар. Шундан ортигига интилмаган эканлар. Кишилар ўртасида ҳамжихатлик, ахиллик барқарор бўлган экан. Кейинчалик молу-

давлат йигиш келиб чиқсан. Бирвлар ҳалол меңнатсиз, нопок йўллар билан тез бойиб кетганлар.

Бу ўз навбатида, душманлик ва низони тұғдирған. Натижада одамлар ўртасида ахиллик йўколиб, адовар кучайған. Шу туфайли касалликлар пайдо бўлиб, кишилар вафот эта бошлаганлар. Шунда элнинг мўътабар кишилари Оллоҳга илтижо килиб бу дардлардан куткармокни сураганлар. Шунда Оллоҳ кишиларга тиб илмини ўргатган эмиш.

Демак, ҳамма иллатнинг боши бойникка хирс кўйиш экан.

Ҳалол меңнат кишилар учун, ўзгалар учун фойдаси тегадиган меңнатдир.

Яна ҳаётда кишиларга заар, ҳавф тұғдирдиган меңнатлар ҳам мавжуд.

Масалан: ўгри ҳам ўзича меңнат килади. Аммо унинг меңнатидан элу юртта наф йўқ. Фақат заар бор, холос. Порахўр, иғвогар, чакимчи, кўзбўямачи кабилар ҳам нималар биландир машгул бўладилар, елиб югурадилар ва ўз “меңнат”ларининг чирқин натижасидан мамнун бўладилар. Шулардан фарқли ўларок биз ҳалол меңнат ахлини улуглаймиз.

Донолар: “Ҳаётда ажойиб тарози мавжуд. Бу тарозининг хусусияти шундаки, унинг бир палласида меңнат ва иккинчи палласида шунга муносиб мукофот бўлган ҳолдагина, у мувозанатда бўлади. Бирок турли айёрликлар билан “хўжа кўрсинг” деб, уни мувозанатга келтирған билан, охири тегишли томонга тортмай кўймайди, деганлар.

5. Ривоят қилишларича, Мавлоно Алишер Навоий яшаган замонда авом ҳалқ бебош бўлган, улар шариат қонунларидан кўркмас эканлар. Навоий вазир бўлгандан сўнг жамики сайлутомошалар мозор бошига ўтказилсин деган фармони олий чиқарибдилар. Зоро, бундан мақсад шуки, ҳалойик мозорга боргач, ўтган ота-она, кавму-кариндошларининг кабрларини кўради, уларнинг атрофини супуради, тозалайди, обод қилади, гул ва кўчатлар экади. Ана шу юмушларни килаёттанида инчуун ўзича охири келиб бизларнинг ҳам ётар еримиз шу жой бўларкан-да деб ўйлади ва шу тарика инсофга келади.

Дарҳакикат, ушбу фармон Алишер Навоий ўйлаган мақсадга мунофиқ натижада бера бошлабди. Қабристонларга одамлар боравериб, у ерларни обод қилибдилар.

Үша пайт Хирот шаҳрида учта ўткир угри бўлган экан. Энг катта ўғрибоши икки йил бурун қазо қилган экан. Бу угрилар баҳор байрами кечаси бир бойнинг ҳовлисини босишга маслаҳат килганлар. Улардан бири бундек дебди: - “Огайнилар, сайил мозор устида бўлади. Сайилга борайлик, томоша қилайлик, ўғриликка сўнгти кеча ҳам борумиз”. Бу маслаҳат шерикларига ҳам маъқул тушибди. Эрталаб учала ўгри оломонга кўшилиб мозорга борибдилар. Карасалар, одамлар эрта озондан келиб ҳар бири ўз қавму-қариндошларининг қабрларини зиёрат қилиб, супуриб, гул - кўчатлар экиб юрибдилар. Ҳалиги ўғрилар бир-бирларига караб, тўгри ўша ўғрибоши қабри устига борибдилар. Қарайдиларки, қабр чўкиб, ундан шўра, қамиш ўсиб чикибди. Бир вакълар бирга нон туз еганмиз деб, улар қабрнинг атрофини тозалаб, устига тупроқ ташлаб, шўра-қамишларни ўриб ташлабдилар. Шунда гўё қабрдан: “Эй инсон, фоний дунёга алдамчи ишратларга кўп берилиб кетма, ўзингни билмай қолар даражага тушма, ҳаммасини одамлар қатори меъёрда тутгин. Менинг ҳолимни кўр ким эдим, нима бўлдим. Ҳамма ҳам бир сиким тупроққа айланар экан. Агар одамий-одам бўлай десанг кўзингни катта очиб, яхшиликни, мусулмончиликни ва умрингни интиҳосини ўйла” деган садо келгандек бўлибди. Шунда ўғриларнинг каттароги хўрсиниб дебди: - “Эй огайнилар, ўғрилик билан ном чиқарган бу ўғрибошининг охир оқибати шу бўлса, эртага биз билан сиз ҳам ўламизу, бундан гўримизни тепкилаб ўтадилар. Келинглар, энди ўғриликни ташлаб, қолган умримизни ҳалол ишлаб ўтказайлик, тавба қилайлик, шояд бизларнинг гуноҳимиз кечирилса. Шу бўлибдию, ўғрилар ўзларини меҳнатга урибдилар. Ана ўшандан бошлаб ҳалқ орасида “Хаддингдан ошсанг мозорга боргин” деган нақл қолган экан.

Дунё ўткинчи. Дўппини бир бор айлантиргунча неча йиллар ўтиб кетади. Ўзлигини англаб етган, қалбига қулоқ солган ҳар бир инсон мархумларни хотирлаб, қабрларини тавоғ этиб турса, мен бу фоний дунёда нима иш қилдим, яна қандай ишлар қилишга курбим ва вактим етади деган саволни берса, унинг қалби тозаланади, ёмон йўллардан, фикрлардан кайтади, инсофга келади, шу билан бирга одамийликнинг гўзал фазилатини бажарган бўлади.

ХУЛОСА

Ҳалол мөхнат ва шу орқали тирикчилик қилмок инсонийликнинг бош омилидир.

Ҳар кандай шароитда ҳам инсон ўзлигини унутмаслиги, ўз турмушини инсонга хос юксакликда уюштиромғи лозим.

XV. Яхши ном билан яшаш ҳақида

Ривоят қилишларича, бир чол билан кампирнинг бирбиридан ширин бир ўғилу, бир қизи бўлган экан.

Чол кампир ўзларининг хотамтойликлари, кўллари очиқлиги билан одамларга меҳр кўргазиб маҳалла кўй, кишлоқ аҳли орасида обрў қозонишган экан. Ҳамма уларни иззат-хурматларини жойига кўяр экан. Чол-кампир ўғли билан қизини ёшлиқдан ўзларига ўхшаб ҳалол ва тўғри қилиб, мөхнатни севиб, қадрига етадиган, бирорларга ҳақига хиёнат килмайдиган килиб ўстиришибди.

Вақти-соати етиб бетоб бўлиб, боши ёстиққа тегибди. Шунда у ўғли билан қизини ёнига чақириб: - Болаларим, мен сизларни ҳалол пок яшашга ўргатдим. Мехнатдан кочмайдиган бўлдинглар. Бирор йиглаб турса кўллайдиган, йиқилса тургизиб, юролмаганларни йўлга солиб кўядиган килиб тарбияладим.

Каттани-катта, кичикни-кичик биладиган, оку-корани ажратадиган бўлдинглар. Энди менинг ёшим ўтиб қолди, каридим.

Кўриб турибсизлар, мендан сизларга катта бойлик мерос қолаётгани йўқ, фактат қилган ўгит-насиҳатларимгина мерос қолаяпти. Майли десанглар яна икки-уч оғиз сўз айтмоқчиман. Ҳеч қачон бирорни дилига озор берманглар, яна нима ишга кўл урсанглар оқибатини обдон ўйлаб иш тутинглар. Менинг сизларга қолдирадиган бирдан-бир меросим – яхши ном билан яшаш, яхши ном қолдиришdir. Шу буюк меросимни оёқ ости қилмай, унинг қадрига етсанглар, ҳеч қачон кам бўлмайсизлар, ёмонлик кўрмайсизлар. Чол шу гапларни айтиб оламдан ўтиби.

Чолнинг қўшниси бойнинг ҳам бир ўғли ва бир қизи бўлиб, ҳар иккиси оталарига ўхшаб ўсишган экан. Бой ҳам оламдан ўтиб, ўғил-қизига еру кўкка сигмас бойлик қолдирибди. Бир куни бой ўғли билан чол ўғли учрашиб қолишибди. Шунда бойнинг ўғли: - отамдан менга катта бойлик мерос қолди, уни ака-сингил бир умр

еб тугата олмаймиз. Сизларнинг отангиздан нима мерос қолди? – деб сўрабди. Шунда чолни ўғли; - отамиздан бизга буюк мерос – тўгрисўзлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, хотамтойлик, эл-юртга меҳр-мухаббатли бўлиш қолди, деб жавоб берибди.

Бойнинг ўғли, ичида: “Кўрамиз отанг қолдирган мерос билан қаергача бораркансан, деб кулибди. “Ётиб еганга тог чидамайди” дейишади.

Ойлар йиллар ўтибди. Бойнинг қолдирган меросини болалари тутатибди. Уларнинг кўлларидан хеч бир иш келмагач, охири гадойлик килиб кун ўтказишга мажбур бўлишибди.

Чолнинг ўғли-қизи бўлса, оталаридан қолган мерос – аклодобни кўз корачигидай асраб, унга гард юқтирумай камолга этишибдилар.

ХУЛОСА

Кимда-ким ёшликда ҳалқимизнинг йиллар ва даврлар синовидан ўтган ҳалқчил, ҳәтий одатларини, удумларини, одобномасини яхши ўзлаштириб олса, доналарнинг панднасихатлари ва ўғитларига қулоқ солса, унга амал килса, ундай бола элда катта обрў-эътибор топади.

XVI. Ақл ва фаросат ҳақида

1. Ривоят қилишларича кунлардан бир куни Султон Суюн билан Мирали ҳазинадаги Султон Суюннинг отаси қолдирган китоблардан бирини ўқиб ўтиришса, жуда қизикарли жойи чиқиб қолибди. Унда бир вакълар думли юлдуз түкканлигини, Султон Суюн билан Миралидан бошқа яна икки нафар қиз дунёга келганлигини шу китобга ёзиб қолдирган экан.

Шу кундан бошлаб ўша қизларнинг ишқу - муҳаббати уларнинг кунглини уртай бошлаган. Аммо қизларнинг на исми, на туар жойи маълум бўлмаганлигидан, уларни топиш амри маҳол экан. Қизларни излашда акл-идрок билан бирорта тадбир ишлатиш зарурлигини тушунган Султон Суюн Миралидан маслаҳат сўрабди. Шунда доно Мирали: “Кексалардан қолган бир накл бор, яхши гап билан илон инидан чиқар, деган. Шунинг учун уларни ё ширин сўз

билан излаб топмоқ керак ёки бирор кимсани ноҳақ ҳақоратлаб эл кўзига кўрсатиб, уларни тиллантиrmоқ керак”, дебди.

Хусайн Бойқаро иккинчи таклифни маъқул кўрибди, икки ясовулни чакирибди-да: - Сизлар бир даёв йигитни топинг-да, кўлинни орқасига боғлаб, олдингизга солиб шахарнинг жин кўчасию, кенг кўчаларидан айлантириб чикинг. Кета-кеттунча бошига қамчи ёғдириб, юрак бағрини додгланг. Кимда-ким, бу йигитнинг ахволига ачиниб, бу бечорани нега ураяпсизлар, деб сўраса, унака одам билан ишингиз бўлмасин. Фукароларимиз орасида бу ишни маъқуллайдигани чиқиб қолса, уни зудлик билан менинг қошимга олиб келинглар! – деб буюрибди.

Ясовуллар кўчадан бир чопони йиртиқ косиб йигигни тутиб олиб, уни кўчама-кўча хайдаб, қамчилаb олиб ўта бошлабдилар. Бегуноҳ йигитнинг зорига чидай олмаган одамлар: - Ҳой ясовуллар! Бу бандай мўминнинг гунохи не? Бечорани нега ураяпсизлар? – деб сўрашса, ясовуллар: - Эй ҳалойик! Бу йигит ҳар доим буюрилган ишнигина қиласди. Унинг бундан бошқа айби йўқ, – деб жавоб беришибди.

Одамлар: - Эл-юртда айтилган юмушни бажармаган одамни жазолаш расм бўлганини биламиз. Аммо, айтган ишни килган кишининг калтак еганини умримиз бино бўлиб эшитмаганмиз. Бу ишингиз инсофдан эмас! – деб ясовулларнинг орқасидан ер муштлаб колаверибдилар.

Хуллас, икки ясовул эрта оқшомдан то шомгача пиёда кўчаларни айланишса-да, уларнинг ишларини маъқуллаб, “баракалла” дейдиган бирортаям инсон топилмабди.

Улар хориб, чарчаб, шахар чеккасидағи кўчалардан бирининг одонига етиб борибдилар. Йигитни уриб, суриб бораётган ясовуллар кечга яқин нон ёпиш учун тандир киздираётган бир аёлнинг уйи ёнидан ўтиб колибдилар. Шунда аёл: - Сарбоз ўғилларим! Бу йигитнинг ёш жонига раҳмингиз келмайдими? Не айби учун бу шўрликни шу кўйга солдинглар? – дебди. Ясовуллар: - Бу йигит ҳамиша қил деган ишни қиласди, шунинг учун ураяпмиз, дейишибди. Аёл: - Бу канакаси бўлди? Одамлар буюрилган ишни қилмаганин урадилар, сизлар бўлса айтилган ишни қилган одамни бунча хўрлайсизлар? Шунчалик ҳам ноинсоф бўласизларми ахир?! – дебди.

Бу аёлнинг ёнида бўйига етган қизи ҳам турган экан, у гапга аралашиб, ясовулларнинг тарафини олибди: - Йўқ она улар жудаям тўғри иш қилишайпти. Қачонгача бирорга ҳамма ишни айтиб килдирасиз, юмушларни ўзи билаб қиласкермайдиган ношуд инсонларнинг жазоси шудир!

Ясовуллар подшо айтганидек қилиб аёлнинг кизини саройга олиб кетибдилар.

Икки ўрим тим қора сочлари думли юлдуз куйругидай тўлғониб турган соҳибжамол қизга бир нафас разм солиб турган Султон Суюн: - Яхши қиз, бизнинг ноҳақ буйруғимизни ҳақ дейишингизни боиси нимада? – деб сўрабди.

Қиз: - Султон Суюн билан Мирали адолат тахтида тургандарида салтанатда ноҳақ иш қилмаслигини билганимдадир, - деб жавоб бериди.

Сизнингча, ҳамиша буйрукка қараб иш қилишга одатланниб қолган кишини жазолаш тўғри эканда?! дебди Султон Суюн.

- Ўз ақлу фаросати билан иш қилмайдиган инсондан жамиятга не фойда? У аслида бундан оғирроқ жазога лойиқдир, - дебди киз.

Султон Суюннинг кўнглидагини кўзидан билишга одатланган Мирали дўстининг ниятини даров сезиб, қизга савол бериди: Эй кўзлари шохло қиз! Султон Суюннинг кўнглидаги биттаю-битта армони бўлса-ю, унинг рўёбга чиқишига фақат сизга боғлик бўлса, ўз илтифотингиз или унинг дилини равшан қиласермидингиз?

Кўлимдан келса, жон устига. Аммо баҳт менга насиб этмас, ахир мен подшозодалар зотидан эмасман, бир камбағал дарбозабоннинг сағириман, холос!

Султонимиз шаҳар дарбозасининг калитини отангизга ишониб топширган бўлсалар, кўнгил саройининг кулфи калитига сиздек зебо қиз эгалик қилишини истайдилар, - дебди Мирали.

Қиз Султон Суюн билан Миралига таъзим бажо келтирибди.

2. Ривоятда айтилишича Қадим замонда бир эркак аёли билан суҳбатлашиб ўтиришганларида, эшик такиллаб қолибди.

- Ким у? – сўрашибди эру-хотин бараварига.
- Мен тақдирман, - дея овоз келибди эшик ортидан. Хонадонингизга озгина баҳт ва бироз баҳтсизлик олиб келгандим. Шуни икковларингта тақсимлаб беришим керак.

- Сен бахтни аёлимга бер у бир умр шу рўзгорни деб тиниб-тинчимади, бахтсизликни эса менга қолдир, дебди эркак.
- Йўқ, йўқ, мен эмас, эрим бахтли бўлиши керак, - дебди аёл жон холатда. “Бахтсизлик”ни менга берақол, чунки биз аёллар жуда сабр-тоқатлимиз.

Шунда тақдир дебди: - “Мен сиз иккингизни бор-йўғи синааб кўрмоқчи эдим холос, ваҳоланки бир-бирингиз билан аҳил экансизлар, оиласда бундан ортиқ баҳт йўқ”.

ХУЛОСА

Ҳар бир инсон оиласда ҳам, меҳнат жамоасида ҳам ақл-фаросат билан иш тутса, оиласда тинчлик-тотувлик, қувонч, барака ва жамоада муваффақиятларга эришади, обрў-эътибор топади.

XVII. Илм ўргатиш ва ўрганиш хақида

Ривоят қилишларича, киёмат куни ўз умрини илм ўрганиш ва ўргатишга багишлаган бир кишини Тангри Таолонинг хузурига келтирадилар. Тангри Таоло бу одамни жаннатга, Мухаммад алайхиссалом хузурига олиб боришга амр этади. Қарасаларки, жаннатда пайғамбар Ҳавзи Кавсарнинг лабидан туриб умматларига косада сув ичириб турибдилар. Пайғамбарларимиз бу одамни кўриб, косада сув эмас, балки муборак кўллари билан Ҳавзи Кавсар сувидан ичирадилар. Атрофидаги одамлар бу ҳолни кўриб: “Ё Расулуллоҳ, бу одамга кўлларингиз билан сув ичиришингизнинг боиси нимада?”, деб сўрабдилар. Шунда пайғамбар алайхиссалом: “Дунёда ҳамма одамлар тижорат қилиб, дунё топмокқа машғул бўлиб юрган пайтларида, бу одам дунёнинг муҳаббатидан воз кечиб, илм ўрганди ва ўрганган илмини шогирдларига ўргатди. Шу боис бу одамга Кавсар сувидан ўз кўлим билан ичирдим” деб, жавоб берган эканлар.

Юртимиз истиқлол нашидасидан баҳраманд бўлганидан сўнг талайгина муваффакиятлар кўлга киритилди, республикада оламшумул ўзгаришлар рўй берди. Маънавият соҳасида ҳам сезиларли даражада ўзгаришлар бўляяпти. Барча илм-фан ахиллари бой маданий меросимизни ўрганишда, ўтмиш мутаффакирлари, устозларимиз асарларини чоп этиб, ҳалққа етказишда, миллий

кадрятларимизни тиклашда катта ва хайрли ишларни амалга оширмоқдалар.

Бу йиллар давомида Ал-Бухорий, Имом-Ат-Термизий, Ахмад ал-Фарғоний, Баҳовуддин Нақшбандий, Хўжа Ахмад Яссавий, Нажмиддин Қубро, Маҳмуд ал-Замаҳшарий, Хўжа Аҳрор Валий, Абдухолик Фиждувоний каби буюк аждодларимизнинг, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Маҳмудхўжа Бехбудий, Усмон Носир каби миллий мустақиллик фидойиларининг номлари юзага чиқарилди.

Янги тикланиб келаётган мағкурунинг асосий мақсади жамият аъзоларини маънавий жиҳатдан юксалтириш, ҳар томонлама етук ва баркамол инсонни тарбиялаш, ёшларга ахлоҳий фазилатларни сингдиришдан иборатdir.

Халқимизнинг меҳнатсеварлиги, гайрат-шижоати янги мағкурага муносабати канчалик ошса, истиклоннинг иктисолий, сиёсий, маданий бошқа асослари шунчалик тез қарор топади, ривожланади ва мустаҳкамланади. Пировар натижасида илм-фанинг равнақ топишига, халқимизнинг моддий фаровонлигини ошишига қулай шароитлар яратилади. Бу эса, ўз навбатида мустакил республикамизнинг халқаро мавкеи, обрқ-эътиборининг янада ошишига сабаб бўлади.

Ўрта Осиё халқларининг фахри бўлган Абу Али Ибн Сино инсоннинг маънавий камолатга интилиши унинг биринчи бурчи эканлигини уқтириб: “Маънавий камолотга эришишдан кочадиганлар – одамларнинг энг кўрқоғидир”, деб ёзган экан.

Маънавий камолат деб, биз кишининг борлиқ ва кишилик хақидаги билимларини мукаммал ўзлаштиришини ва уларни ўз шахсига сингдиришини тушунамиз. Инсон олим бўламан деб, илм чўққисига интилишидан аввал, биринчи галда **одамийлик илмини**, инсонийлик фанини ўзлаштириши лозим. У одамийликка хос мулоҳазалари билан, дунёдаги тирик мавжудотларнинг гултожи булган. Шунинг учун донолар «Олим булиш осон, одам булиш кийин» деганлар.

Хулоса

Илм эгалланг! Илм – саҳрова дўст, хаёт йўлларида – таянч, ёлғизлик дамларида – йўлдош, баҳтиёр дақиқаларда раҳбар, қайгули онларда – мададкор,

одамлар орасида – зебу-зийнат, душманларга қарши курашда – қуролдир

XVIII. Имом ал Бухорий ҳақида

Маълумнингизким, узок тарихга эга бўлган ўзбек ҳалқи таълим-тарбияга оид бой меросга эга. Биз жаҳон маънавияти ҳазинасини бойитган Имом Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Ахмад Ал-Фарғоний, Муҳаммад Ал-Хоразмий, Абу Райхон беруний, Абу Али Ибн Сино, Баховуддин Нақшбанд, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзодек улуғ алломалар меросхўримиз. Биз бу инсонлар меросини, маънавий сарчашмаларини чукур ўрганиб, эҳтиёт қилиб, бойитиб, улар ёққан чироқларини янада мунаvvар этмоғимиз даркор. Шу боисдан улуғ инсон – имом ал-Бухорийга багишланган бир канча ибратли ривоятлар маълумки, уни билиб кўйиш фойдадан холи бўлмаса керак деган умидда сиз ҳурматли китобхонларга уларни ҳавола этмоқдаман.

Имом Бухорий норасидалик пайтидаёқ илохий иноят унга эътиборни қаратган экан. Ривоят қилишларича, Имом Бухорийнинг кўзи кўр бўлиб колган экан. Онаси туну-кун Оллоҳга илтижо қилиб, унга шифо сўрар экан.

Кунларнинг бирида онаси тушида Иброҳим алайҳиссаломни кўрибди. У киши дебди: “Эй аёл, тур энди, оху-нолаларингни бас қил, сен Оллоҳдан болангта шифо беришини астойдил, чин юракдан тилаган эдинг, парвардигор фарзандинг кўзларига нурни қайтариб берди”.

Тонг отгач, она қараса, ҳақиқатдан ҳам фарзанди ҳовлида ўйнаб юрган экан. Шундан эътиборан Имом ал-Бухорий ҳадис илмига бутун умрини багишлаган экан.

Искинчи бор ривоятда айтилишича Имом ал-Бухорийнинг отаси ўз замонасининг катта олими бўлиш билан бирга, такводор ҳам бўлган экан. У вафоти олдидан: “Менинг молларимга ҳаром ва шубҳали бирор дирҳамнинг аралашганини билмайман” – деган экан. Имом Бухорий ҳалол лукма еб вояга етган экан.

Шунинг учун “Унга отасининг фазилатлари (ilm, din va takvodorlik) мерос бўлган” дейилади.

Яна бир ривоятда Оллоҳ унга онгли қалбни, кучли ёдлаш қобилиягини, ўтқир зехни ато этган экан, дейилади.

У 9-10 ёшлардаёқ 70000 ҳадисни тартибли тарзда ёд олган экан. У бирон бир китобга назар ташлашининг ўзидаёқ уни ёлаб олар экан.

Кейинги ривоятда айтилишича, унинг ўзи шундай деган экан: “Мен 1080 одамдан ҳадисларни ўргандим. Ҳадис излаб бормаган ислом диёрлари жуда кам қолган бўлса керак. Ҳадис айтиб бергандар ичida ҳадис соҳиби бўлмагани йўқ. Мен ҳадисларни “имон - сўз ва амалдир” дегандардангина ёзиб олдим”

Айтишларича, бу ҳадис асарини Имом ал-Бухорийнинг ўзидан 70000 киши тинглаган экан.

Кейинги ривоятда Ибн-Исмоил куйидагича хикоя килади: “Имом Бухорий дарс тинглашдан биздан ажралиб турарди. У дарс пайтида бир неча кун когоз ва қаламсиз дарсга келди. Биз ҳаммамиз эса домла айтганидек дафтаримизга ҳадисларни ёзиб олардик. Биз ундан нега ёзмаяпсан, деб кунда сўрар эдик. У индамас эди. 16 кундан сўнг, у: “Жуда кўп марта нега ёзмаяпсан, деб сўраяпсизлар, қани, сизлар ёзганлирингизни кўрсатингларчи” – дебди. Сўнг у бизнинг ёзувларимизни кўриб, 16 кун давомида биз ёзиб олган 15000 ҳадисни ёддан айтиб берди. Кейинчалик ёзганларимизни тўғри ёки нотўғрилигини, уни ёлаб олганига солиштириб, билиб оладиган бўлдик”.

Дарҳақиқат, маърифат ахли унга ёшлигиданоқ ҳадис эшитиш учун эргашиб юришар экан.

Яна бир ривоятда айтилишича, ҳадис соҳиблари тўпланиб, 100 та ҳадисни олибдилар-да, уларни матнларини ҳам, саналарини ҳам аралаштириб юбориб, 10 кишига бўлиб берибдилар. Мажлисда Богдод ва Хурсонликлар ҳам йигилишган экан.

Тайинланган ҳар 10 кишидан бири Ал-Бухорийдан чалкаштирилган ҳадислардан сўрай бошлабди. Ал-Бухорий уларга “бilmайман” деб жавоб бера бошлабди.

Мажлисда ўтирганлар бир-бирига караб, бу одам ҳамма нарсани билиб туриб, атайин билмайман, деб жавоб бераяпти, десалар, бошқа бирлари уни билмасликда айблабдилар.

Ал-Бухорий уларнинг саволлари тутаганингизни билгач, кейин бирма-бир ҳар 10 кишига, сиз биринчи ҳадисингизни “бундай” дедингиз, унинг тўғриси “мана бундай бўлади”, деб ҳар бир матнни ўз иснодига, ҳар бир иснодини эса ўз матнига тушириб берган экан. Шундан сўнг ахли мажлис унинг фозиллигини тан олган экан.

Ривоят қилишларича, Имом Ал-Бухорий жисми озгин, ўрта бўйли бўлган экан. Айтишларича, у бир кунда 2 ёки 3 дона бодом еб ҳам кифояланган экан.

Кейинги ривоятда айтилишича, бир куни Имом Бухорий пешин намозини ўқиб, кейин нафл намозини ўқииди. Намоз тугагандан сўнг кўйлагини кўтариб, ёнидаги одамга: “Қаранг-чи баданимда бирон нарса борми?” – дейди. Ҳалиги одам қараса, бир ари унинг 17 жойини чақибди, таналари илжираб кетибди. Шунда: “Нега ари биринчи бор чаққанда, намозни бузақолмадингиз?” – деб сўраганда, у: “мен шундай сурани ўқиётган эдимки, уни тамомига етказишга қарор қилдим” – деб жавоб берган ва Куръон Каримни қандай улуғлаш кераклигини намойиш этган экан.

ХУЛОСА

Кўрдингизми, биргина алломамиз ҳаётига оид бир нечта ривоят бизни сабр-тоқатга, ёрқин келажакка умид билан қарашга, саҳоватликка, ҳалолликка, ўткир зеҳнли бўлишга, камтарликка, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, эътиқодли, одобли бўлишга чорляяпти.

Бизнинг конимизда ана шундай буюк зотлар қони оқар экан, бизда фаровон ва гўзал ҳаёт яратиш учун бекиёс имконимиз бор. Буюк ватанимиз – Ўзбекистонимизнинг келажаги порлоқ давлат бўлишлиги ҳақиқатдир.

XIX. Табиатни асрараш ҳақида

1. Ривоят қилишларича ниҳоятда баҳтиёр бир оила бўлган экан. Улар катта анҳор бўйида, мева-чеваларга бой боғ ичиди истикомат қиласканлар. Шундай баҳтиёр кунларнинг бирида Аллоҳ уларга пахлавондек ўғил берибди. Келинчак боласини еру-кўкка ишонмас, оқ ювиб, оқ тааркан. Бир куни ҳовлини супуриб юрса, боласи йиглаб қолибди. Она болага шошилиб, тўпланган аҳлатни анҳорга ташлабдида, уйга қараб чопибди.

Аммо шу кундан бошлаб, бола гулдек сўлиб борибди ва оғир дардга чалиниб, тузалмабди ва вафот этибди. Келинчак Аллоҳдан бошқа фарзанд сўрабди. Лекин у бошқа фарзанд кўрмабди. Бир

куни тушида анхор тўла чакалок оқиб келаётганмиш, уларни ушлай деса, ушлай олмасмиш.

Шунда бу аёл бир донишманд олдига бориб тушини таъбирини сўрабди. Шунда донишманд уни обдон тинглагач: “Сиз анхорга ахлат ташлаганмисиз, қизим”, деган экан.

Айтишларича, туни билан фаришталар ҳовлига қут-баракани сочиб юришаркан, уй ичидаги ахлатни кўчага улоқтирсангиз, қут – баракани хам улоқтириб юбораркансиз.

2. Отам раҳматлининг ибратли хислатлари кўп эди. Иерофдан сакланинглар, ҳамма нарсанинг уволи бор дердилар. Ариқдан оқиб келган нон бурдаларини четга олиб кўйиб, буни қайси тарбиясиз ташладикан деб кўярди. Агар сувда турли чиқиндиларни кўриб колса, биз ўйнаётсак, чакириб, уни кўрсатарди ва : “Сувни ифлос қилган, сувга тупирган одам кўр бўлиб қолади, зинхор бундай қилманглар, деб насиҳат килардилар. Биз хам ўз навбатида агар болалардан биронтаси билмай сувга бирон нарса ташлаб юборса, тезда ол, бўлмаса кўр бўлиб қоласан, деб бир-бирларимизга танбех берардик. Ҳозирда нима бўляяпти, буни сизларга тушунтиришга хожат йўқ. Ўзларининг кўриб турибсизлар.

Отамнинг яна бир одатлари бор эди. Юрган йўлларида ҳас-чўп, тош, кесакни, қоғозларни, нон ушоқларини кўриб қолсалар, уларни четга олиб кўяр, қоғозларни йигиб тандирга ташлар, нон қолдикларини эса ўпиб, пешонасига суртиб, баландроқ жойга кўярдилар.

Билингки, бизнинг миллый қадриятларимиз, урф-одатларимиз, турмуш тарзимиз экологик тарбиянинг бешиги бўлган.

Сув бизни асрайди, биз хам уни асранимиз керак. Сув борки, кўчаларимиз, маҳалламиз, юртимиз яшинаб турибди. Сув борки, боғлар, тоғлар, гулзорлар яшнайди. Уларни кўриб, инсонларнинг қалблари хам яшинаб туради.

3. Бир ривоятда айтилишича тут дарахтидан “Холинг нечук?” деб сўрабдилар.

- Холим танг. Бирор тагимни юмшатиб кўймайди. Ўзинг учун ўл етим деб, бир амаллаб хосилга кирсам, таёқ билан урадилар, устимга чикиб тепадилар, шохимдан ушлаб синдирадилар” деб нолиган экан.

Яшил хазиналар юртимиз бойлиги. Улар табиатнинг дармондориларидандир. Улар ҳаводан карбонат ангидридни олиб,

тирик мавжудотга зарур кислородни тайёрлаб, етказиб беради, хавони мусаффи килади.

Орамизда ям-яшил, күзни кувонтирадиган, кайфиятни күтарадиган майсалар устида ёнбошлаб ётадиган, гулларни беҳисоб юлиб, нобуд киладиганлар йўқ дейсизми? Билингки, хар бир гиёх бехосият эмас. Айрим жойларга дараҳтларни кесиб, пайхон қилаётганлар камми?

Инсон учун бу бебаҳо ҳазинани бойитиш ва саклаб қолиш хар бир вижданли кимсанни бурчи.

“Сердаҳт қишлоқда бемор кам бўлади” дейишади турклар. Дарҳақиқат шундай. Саломатлигимиз посбонларини авайлайлик, асрайлик, уларни ёшларга тушунтирайлик.

Бобомиз Амир Темур: “Шоҳ бўлсанг ҳам, гадо бўлсанг ҳам бօғ ярат, унга эътиқод ва меҳр уруглари қадалган бўлсин” деб бежиз айтмагандир. “Ватан остононадан бошланади”, дейишади. Шундай экан, хар бир хонадонга бокиб, у ерда яшаётганларнинг она табиатга бўлган муносабатини билиш, кўриш қийин эмас.

Тасаввур қилинг, шахримиздаги ҳар бир инсон ҳар йили бир тупдан кўчат экса, кўркамлиги бўйича шахримиз Швецариядан қолишармиди? Агар бу яратилган бօғ шифохоналаримизда бўлса, нур устига аъло нур бўлади. Уни бир айланган беморни рухи тетиклашади, гўёки бемор билан тиллашган дараҳт унинг дардини олади.

-“Ҳавода чанг ва тутун бўлмаса эди, одам минг йил яшарди” деган эди. Абу Али Ибн Сино. Баликка сув нечоғли керак бўлса, одамга, кўкату майсаларга, паррандаю даррандаларга, ҳашорату ҳайвонларга ҳаво ҳам шундай зарур.

Тирик мавжудот ҳаво таркибидаги кислород билан ҳаёт эканини барчамиз биламиз. Соф ҳаводан ким баҳра олмайди, дейсиз. Салкин ва соф ҳаво баданини “ювади”, бамисоли “чаяди”. Юрак-томирлар фаолияти ошади. Рухий доира тиник ва равон бўлади, ўпка эркин нафас олади.

“Очиқ ҳавода ухланг, овқатланинг” деб бекорга айтилмайди. Соф ҳаво дармондори. Кўп беморлар шу дармондоридан шифо топадилар. Лекин ҳозирда айрим жойларда биз унинг мусаффолигини қай даражада асраяпмиз. Кўчаларни сув сепмай супураяпмиз. Кўча, ҳовлиларда ҳашак, ҳазон, қоғозларни ёндираяпмиз. Улардан чиқкан заҳарлар соф ҳавони булгаяпти. Нега

билиатуриб, бу ножӯя харакатларни қилаяпмиз? Нега шуни қилаётган инсонларни тартибга чақирмаяпмиз? Шу тариқа хаво булганиб бораверса, оқибат нимага олиб келишини бир тасаввур қилайлик-чи.

Шу боис академик Ё.Туракулов ҳам: “Одамларда табиатга мухаббат туйгусини уйготиш масаласи тарбиянинг узвий бир кисми бўлиши керак. Табиатни эъзозлаш кишилар учун бирор мажбурият ёки чора-тадбир эмас, балки табиий, тугма истак бўлиб колиши лозим” дейди.

Шулардан келиб чиккан холда, табиатни эъзозлашни ҳар куни, ҳар ким амалга ошириши лозимлигини унутмайлик.

ХУЛОСА

Она табиатни асрар, бетакрор табиатга бефарқ бўлмаслик керак. Ҳар бир оиласда болани ёшлигидан табиатга эхтиёткорона муносабатда бўлишга ўргатиш, оиласда экологик мухитни ташкил килиш ва болаларнинг ҳам экологик маданиятни юксалтириш отоналарнинг муҳим вазифларидан бири эканлигини унутмайлик.

ХИКМАТЛАР

“Хикматнома” китобида ёзилишича, инсон насли инсон бўлиб, кўли ишга тили сўзга келиб, бир-бири билан муомала қила бошлабди-ки, бу ажиб, чигал, борлиги сирлардан иборат дунёга яшаш дарсини ўқийди ва то шу кунгача бу дарс тугамаган. Энг буюк донишмандлар умрларини илму-фанга бағишилаб, жаҳон кезиб, дунё-дунё китоб ўқиб, оламдан кетар чоги, мен ҳаётдан хеч нарса билмай кетмоқдаман, деганлар. Не ажаб, ҳаёт илмини туталламокқа нафакат бир инсон умри, балки инсонлар умри етмайди.

Йўл юриб кетаётган инсофли одам беҳосдан чукурликка тойиб кетса, ўрнидан туриб, этак кокиб кетавермайди. Мен йикилдим, бошқалар йикилмасин, деб чукурни текислаб кўяди, ё бўлмаса, бирорта таёкни суқиб, қара, деган ишора бўлади. Боболар хикмати ана ўша таёқдир.

Одамлар бошқаларни ўйлаб бекилган булоқ кўзини очадилар, дарахт экадилар. Мендан кейин дунёга келувчилар ташнилик

азобини кўрмасинлар, очликдан, офтоб тигидан қийналмасинлар, дея шундай қиласидилар. Боболар хикмати ана ўша булоқ, ана ўша дараҳтдир.

Одамлар масжид ва мадраса қурасидилар, йўл солиб, кўприк қиласидилар, меҳмонхоналар тиклайдилар. Улар бу ишларни ўзларидан кейин келувчилар ҳам имонли, илм-маърифатли бўлсинлар, эллар, юртлар ўртасида яхши борди-келдилар бўлсин деб қиласидилар. Боболар хикмати ана ўша йўл, кўприк ва меҳмонхоналардир.

Хикматли сўзлар, мақолалар биз учун асрларнинг садоси, узок ўтмиш билан ҳамнафаслик хиссини уйготувчи мангу чақириқ, замонларо кўприкдир.

Хикматли сўзлар, мақолалар-номаълум шоирларнинг юрак сатрлари, ҳалқ истеъоддининг масофа билмас шулалари, зулм, хақсизлик кўксига санчилувчи адолат тигидир.

Ушбу рисолада бир қанча ҳикматлар келтирилганки, зеро улар маънавиятимизни бойитишга кўмак бўлар.

ҲИКМАТ – МЎМИН КИШИНИНГ ЙЎҚОТГАН НАРСАСИДИР

Маълумингизким, одоб-ахлоққа оид хикматлар ҳалқимизнинг севиб ва амал қилиб келаётган маънавий озуқаларидан ҳисобланиб келинади.

Асрлардан бўён одамларни тўлқинлантириб келаётган ва одоб-ахлоқнинг гултожлари ҳисобланган ҳадисларда: “Хикмат- бу мўмин кишининг йўқотган нарсасидир” дейилади. Демак, ҳар бир мўмин киши хикмат ўрганишга интилиши, бигта хикматни ўрганса, йўқотган нарсасини топгандек кувониши зарур.

Чунончи, шоир айтганидек:

Гўзаллик дунёси хикмат ичинда,
Лаззатнинг асоси хикмат ичинда,
Бузилган феъл ила айниган хулқнинг,
Энг ўткир давоси хикмат ичинда.

Хикматларда: “Одоб буюк тождир, уни кийгандা, кайга борсанг боравер” дейилади. Одобли одамни табибга қиёслашади, у билан

сұхбатлашиш күнгилдаги ғамни қувади. Бунга ишонишиңгиз үчүн сизнинг эътиборингизга бир неча хикматларни ҳавола этамиз.

Бир хикматда айтилишича, кишининг қалбіда қуйидаги бўстонлар бўлар экан:

Биринчиси – илм бўстони, иккинчиси – мулойимлик бўстони, учинчиси – ихлос бўстони, тўртинчиси – камтарлик бўстони, бешинчиси – саҳоват бўстони, олтинчиси – ризо бўстони, еттинчиси- умид бўстони!

Савол туғилади: - Бу бўстонларда нималар бўлади?

Киши равнақ топай деса, аввало, илм бўстонига киради, у ердаги нодонлик ва жоҳиллик ҳашакларини юлиб ташлайди.

Сўнг мулойимлик бўстонига киради ва бу бўстонда адоварат ва хасад тиконлари бўлса, уларни юлиб, узокка отади.

Сўнг ихлос бўстонига киради ва бу бўстонда риёв ва бадгумонлик ҳашаклари бўлса, уларни юлиб, бўстонни тозалайди. Сўнг камтарлик бўстонига киради ва бу бўстонда такаббурлик ва магрурлик ҳашаклари бўлса, уларни ҳам юлиб тозалайди. Ундан сўнг ризо бўстонига киради ва бу бўстонда манманлик ва қайсаарлик тиконлари бўлса, бўстонни улардан холи қиласди.

Сўнг умид бўстонига киради ва бу бўстонда умидсизлик ва тушқунлик тиконлари бўлса, уларни юлиб отади. Мана шуларга эришган инсон ўзини баҳтиёр сезиши мумкин.

Иккинчи хикматда кўшнининг ҳақ ҳукуқлари тўғрисида гап кетади. Кўшнининг ҳақ-ҳукукларига кўшнига ҳеч вакт озор бермаслик ва ҳафа килмаслик, кўшни касал бўлса ундан хол сўраш, бошига мусибат тушса ёрдам қилиш, ғамли ва шодлик кунларида ғам-шодлигига шерик бўлиш, ундан хато ўтса кечириш, ахли аёлига ёмон кўз билан қарамаслик, бирор ёкка кетса уйидан ҳабардор бўлиб туриш, кўшни қарз сўраса имкон бўлса бериб туриш кабилар киради.

Яна бир хикмат дўстликка бағишлиданади:

Доноларнинг айтилишича, дўст уч хил бўлади.

Биринчиси: - “Жон дўст” бўлиб, бундай дўст ҳакикий хисобланади ва ўз дўсти учун жонини ҳам аямайди.

Иккинчиси: - “Тил дўст” бўлиб, у расман тилда дўстлик қиласди, аммо бошга бирор кулфат тушса ўзини кўрсатмайди.

Учинчиси: - “Мол дўст” бўлиб, бундай дўст еб-ичиш учунгина дўст бўлади. Пулингиз тугаганда эса қорасини кўрсатмайди.

Бирор кимса билан ҳақиқий дүстлик йўлини тутиш ва сухбатдош бўлишда саккизта ҳақ мавжуд бўлиб, уларга тула амал килмок лозимдир. Биринчиси мол хакки. Сиз уз мол-мулкингизга қандай эгалик қилсангиз, уларни сарфлашда қанчалик эркин бўлсангиз, дўстларингизни ҳам худди шундай йўл тутишларига имкон берасиз, дўстларингизнинг ишини ва уларни манфаатини ўз манфаатингиздан юкори қўясиз.

Иккинчиси – нафс ҳақи. Бу шундан иборатки, дўстлар бошига иш тушиб, сиздан нарса ёки ёрдам сўраб келмасдан аввал сиз уларнинг хожатини раво қилишга киришасиз.

Учинчиси – тил ҳақи. Дўстга қаттиқ гапирилмайди, унинг айблари юзига солинмайди, камчилиги одамлардан беркитилади, яхшилиги мағталади, ёлгон муомала қилинмайди. Унинг шодлиги ва сурурига сабаб бўладиган ҳақ гаплар гапирилади.

Тўртингчиси ҳақ – аъзолар ҳақи. Унинг жисм аъзоларидан бирор ёмонлик хосил бўлса, уни кечиради. Бирон ишда узр сўраса ҳам, уни кечиради.

Бешинчиси – вафо ҳақи. Бу дўстлик бобидаги сабот, унга улгунча риоя қилишдир. Дўсти ўлгандан кейин эса бу ҳақни уни болаларига ёки дўстларига нисбатан давом эттиришдир.

Олтинчиси – ихлос ҳақи. Бу шундан иборатки, дўст узокда ёки олдида бўлган пайтлари ҳам бир хилда туради, ўзгармайди, икки ўргада бўлган муҳаббат ва садоқат риоя қилишда заррача нуқсонга йўл қўймайди.

Етгинчиси – йўқлаш ҳақи. Дўстни ўлик ёки тириклигига унинг ўзини ҳам, аёлларини ҳам яхши сўзлар билан тилга олади. Уларга ҳамиша омад тилайди. Ўзига нимаики яхши нарса тиласа, уларга ҳам кўшиб тилайди.

Саккизинчиси – ўзини тия билиш ҳақи. Бунда такаллуфни умуман тарқ этади. Ноўрин такаллуфларга йўл қўймайди. Чунки такаллуф носазо иш бўлиб, унинг ўзини ҳам, дўстларини ҳам қийнайди ва нокулай аҳволга солиб қўяди.

Юқоридаги хикматлардан ҳар бир оқил ва оқила инсон ўзи учун ижобий хуносалар чиқарса, унинг оиласида тинчлик доимо барқарор бўлиб, умри узок бўлади.

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

I. ОДОБ ВА АХЛОҚ БОРАСИДА

1. Ерни қаттиқ тепса юаринг бордур,
Эшикни қаттиқ тепма киаринг бордур,
Биревга қымма дилозорлик,
Бир кун қайтиминг оларинг бордур.
2. Кўнгил деганлари мисоли шиша,
Синиб қолмасин у, аспа ҳамиша.
3. Ношукур бўлиш яхши эмас. Сабр килиб, нафсни тия билиш
керак. Кимки бунга қобил экан, сув сойликни, ўрдак кўлни топгани
каби, хушбахтлик ва саодат эшиклари унга очилади.
4. Ўз нафсин маглуб этаолган мардdir,
Ғийбатдан узоқроқ кетаолган мардdir.
Номард тепиб ўтар йикилганларни,
Ожизлар кўлин тутаолган мардdir.
5. Агар сен бевафо бўлсанг, вафосиз бевафодан қоч!
.Вафонинг кимматин билмай, юрувчи норасодан қоч!
Қошинда ичинин мактаб, йўғингда юргувчи нолиб,
Тилига дил эмас пайванд, мунофик дилқародан қоч!
6. Яхши одам бўлмоқ эрсанг ҳулқи атворинг тузат!
Тил билан дил синдирувчи баъзи озоринг тузат!
Тан ва жонинг бўлсаки сог шукрини айлаб бажо,
Ёш чогингни елга бермай касб ила коринг тузат!
7. Дунёда меҳмонлар дунё талашса,
Хешу акраболар ола карашса,
Бир-бирига ҳасад нигоҳ қадашса,
Ҳайқиригим келади, шундайин дамлар,
Багри кенгроқ бўлинг, азиз одамлар!

8. Бўлсангчи агар раҳбар ҳар ишда адолат қил,
Бир хилда насиҳатни тинглашга хуб одат қил.
Қошингга бўлиб мухтоҷманд одам келса,
Бор сенда ахир имкон, албатта иноят қил.
9. Насиҳат ҳақиқий даво, уни ичган одам, ёқимсиз ҳулқлардан
озод бўлади.
10. Ростгўйнинг ҳамиша юзи ёруғ, дили шод бўлади.
11. Чўққига чиқиб, ҳарсангтош қулатиш, бироннинг миннатини
кўтаришдан енгилроқдир.
12. Инсон шарафининг ривожи – адаб,
Қадри кимматининг гултожи – адаб.
Балою қазодан омон сақловчи,
Қалқону восита, иложи – адаб.
- 13 Адаб билан инсон иззат топади,
Обрўю, шарафу хизмат топади.
Адаб сохибила сўзлашган киши,
Рухига дармону, кувват топади.
14. Хомтакдан ҳар бир ток камолга етур,
Барги ҳаво олиб, шамолга етур.
Хомтак қилинмаса инсон феъли ҳам,
Ғовлаб кетиб, охир заволи етур.
15. Беш дақиқа сабр дилни ёритади, беш дақиқа бесабр
киммингдир дилини оғритади.
- 16) Таъмагир-кайси мартабада туришидан катъий назар-кулдир.
- 17) Гўзаллик суръатдагина эмас, сийратдадир.
- 18) Кийим, либос инсонни нафақат ташқи таъсирлардан химоя
қиласди, балки у либос эгасининг фахму-фаросатини кўрсатиб
берувчи ойнадир.
- 19) Ёнаётган сигарет билан бирга инсон учун энг бебаҳо бойлик-
саломатлик ҳам ёнади.
- 20) Ёшлар орзу билан, кексалар хотира билан яшайдилар.

- 21) Шодликда кувониб, армондан хикмат излаб яшамоқ керак.
- 22) Тўйгача кўзларингни каттарок оч, тўйдан сўнг эса каттароқ юм.
- 23) Эзгу хулқ дўстликни, ёмон хулқ-душманликни келтиради.
- 24) Агар юрсанг пиёда, умринг бўлур зиёда.
- 25) Номусни дараҳтдан ўрганинг! Қаранг! У хаёт шарбатлари юраётган танасини қобиқ билан ўрайди. Агар уни бирор жойи кесилса, дархол шу жой ўрнини қобиқ билан беркитабошлайди. Унда хаёхукмрон. Яшаш зарурияти шуни тақазо этади.
- 26) Худодан умр бер, деб сўраётгандарни кўрдим, баҳт бер, деб сўраётгандарни кўрдим, фарзанд бер, давлат бер деб сўраётгандарни кўрдим, факат: "Эй яратган эгам, мен нодонга бир чимдим ақл бер, деб сўрагандарни кўрмадим.
- 27) Бу қиска хаётда кимдир бу дунё устунига бир гишт қўйса, кимдир уни кўчириб, дунёдан ўгади. Биз гишт қўювчилардан бўлайлик.
- 28) Барча қилинадиган ишлар ниятга боғлиқ. Инсон ниятига яраша ё савобга, ё гуноҳга эришур.
- 29) Дунёда заҳматсиз роҳат, ташвишсиз неъмат топилиши мумкин эмас.
- 30) Хушчакчаклик-фақат саломатлик алломатигина эмас, балки касалликлардан куткарувчи шифобахш фазилат хамдир.
- 31) Яхши хулқка эга бўлиш учун аввало ёмон хулқдан тийилиш керак.
- 32) Хар кимки маслаҳат вақтида маслаҳатчининг сўзига, муолажа вақтида табибининг, шарнат масалаларида зоҳиднинг сўзига кирмаса, яхши иш фойдасидан, муолажа шифосидан ва ибодат савобидан маҳрум бўлади.
- 33) Яхши отни кучли ва чопқир бўлганлиги учун жиловлаб минадилар. Мевали дараҳтни шохини меваси борлиги учун синдирадилар, товус эса гўзаллиги учун хамиша пати юлук ва қаноти киркиқ бўлади.
- 34) Тинчлик билан кечирилган қиска умр, кўркув ва ташвиш билан кечирилган узок умрдан яхшироқдир.
- 35) Кимки қиссага қулоқ солса, албатта унинг хар биридан ўзига хисса олади.
- 36) Уч хил одам эришиш мумкин бўлмаган нарсага эришишни орзу қиласи. Гуноҳ иш қилганлар-савобни, ёмонлик қилганлар-

яхшиликни, умрини фосиклик ва дилозорлик билан кечиргандар жаинатни.

37) Одоб-улуглик ва юксаклик қасрининг нарвони. Бу нарвон орқали барча мақсад манзилига стиш мумкин.

38) Одобли инсонни табибга қиёслашади, чунки у билан сұхбатлашиш, күнгилдаги ғамни ювади.

39) Ўзингдан кейингиларга ибрат бўлай десанг, ўзингдан илгарилардан ибрат ол.

40) Олимлар билан ўтири, уланинг сұхбатидан баҳраманд бўл. Осмон суви билан куриган ерлар тирилгани каби, хикмат нури билан ўлган қалблар тирилади.

41) Ҳақиқий олим шундай кишики, унинг сўзи, ўйи, фикри ва иши бир хил бўлади.

42) Дил оғритувчи киши, куни келиб хасрат қонини ичиши мукаррардир.

43) Юксалиш қийин, пастлаш осон, негаки оғир тошни кўтариш қийин, ташлаб юбориш эса, осондир.

44) Бефахмга сўз тушунтиришдан кўра, елкада тош кўтариш афзал.

45) Нодоннинг дўсти, хасадчининг роҳати, ёлғончининг муруввати бўлмайди.

46) Одамларга хурмат кўзи билан бокмоқ ва раҳм кўзи билан қарамоқ-ақллилик ва донолик белгисидир.

47) Дўстлик-лақмада, шафқат-сергазабда, халоллик-очкўзда бўлмайди.

48) Энг ёмон хислат-дунёда дўстларга қилинадиган макр ва хийладир.

49) Яхши дўст атирга ўхшайди, у ўз атиридан сизга бермасада, сиз унинг атиrlари хидидан баҳраманд бўлаверасиз.

50) Ёмон улфат темирчи оловига ўхшайди, унинг олови сизни кўйдирмасада, бироқ кора туруни сизга таъсир қилаверади.

51) Ҳамма нарсанинг янгиси, аммо дўстнинг эскиси яхши.

52) Илм эгалланг! Илм-саҳрода дўст, хаёт йўлларида таянч, ёлгизлик дамларида-йўлдош, баҳтиёр даққикаларда-раҳбар, қайгули онларда-мададкор, одамлар орасида-зебу-зийнат, душманларга қарши-куролдир.

53) Йигит кишининг уйида ширин муомала, мазали овқат, тогув оиласи бўлса, у кўча айланмайди.

- 54) Кимки янгини тушуниб, эскини ардоқлайдиган бўлса, у устоз бўла олади.
- 55) Бир уйда аёлнинг овози баланд чикса, у уйда хайр-барака йўқдир, у ердан саодат кутма.
- 56) Умр оқар дарё, бу дарёдан кимдир сузиб, кимдир оқиб, кимдир чўкиб ўтади.
- 57) Ўринли, ахлоқли ва адолатли яшамай туриб, яхши умр кўриб бўлмайди ва аксинча, яхши умр кўрмай туриб, ўринли, ахлоқли ва адолатли яшаб бўлмайди.
- 58) Фикри тоза, қалби пок инсондан касаллик чекинади, ҳаёти осуда, умри зиёда бўлади.
- 59) Гамсиз яшашнинг белгиси тўрт нарсадир: булар яхши сўз, яхши феъл, яхши ният ва яхши сухбат.
- 60) Ўзгадан иллат қидирма, ўзингдан фазилат қидир.
- 61) Кўнгил бир bog, унда алвон гулларни хам ўстириш мумкин ёки тикаизорга айлантириш хам мумкин.
- 62) Рўзгор-икки кишининг кўли, икки кишининг акли билан тўкиладиган умр занжиридир.
- 63) Ранж чекмасдан туриб, ганж эшигини очиш мумкин эмас.
- 64) Устоз минг уринмасин, шогирднинг ўзида учқун бўлмаса, у аланга олмайди.
- 65) Илм тўғриликни, ҳалолликни, покликни ёқтиради. Бусиз илмли бўлиш қийин.
- 66) Хар қандай маърифат-садоқатдир. Маърифат ёйиш бирорларга билмаганларини билдириш, бетаъма устоз бўлиш олийжаноб одамларнинг бошқаларга қилган маърифат садоқатидир.
- 67) Тамаки- ёшни қиласи амаки.
- 68) Мастлик-ихтиёрий жиннилилкдир.
- 69) Бир одамнинг тўғрилиги ва адолатли, садоқатли эканлигини билиш учун унинг авлоди, ота-боболари ким эканлигини билиш керак.
- 70) Хозирда айрим расм-русимлар одамлар учун эмас, одамалар расм-русимлар учун хизмат қиласидиган бўлиб қолдилар.
- 71) Гўзал бўлиш учун чиройли бўлишнинг ўзи кифоя эмас.
- 72) Пасткаш мақтангани билан буюк бўлмас, эчки юргургани билан кийик бўлмас.
- 73) Совун кирни йўқотади, жахл ақлни.
- 74) Иззатталаб дўстдан коч.

- 75) Агар одам кимгадир бўлса қарам, уни бошқарур ғазаб ва алам.
- 76) Ўтмишдаги ёкимсиз воқеаларни эслаб сиқилгандан кўра, келажакка режа тузиб, орзу-умидлар билан яшаган яхши.
- 77) Ёш мутахассис ишлашни билмайди.
Тажрибали мутахассис эса ишламасликни билади.
- 78) Ўзгалар айбига тетик назар сол,
Ўз айбинг кўргандек, ундан ибрат ол.
- 79) Лайли зотидан эрсамда дилда Мажнунча хаво!
Тоғу-тош кезгим келур, лекин йўлим тўстан хәё.
- 80) Илмли одам-иликлик суюк,
Илмсиз одам-иликсиз суюк.
- 81) Донода онг, нодонда тил ишлайвераркан,
Кунгилларни хар ким хар хил хушлайвераркан.
- 82) Дунё баъзан донмас, курмак ташлайвераркан,
Қалдиргочлар кетса, ўрдак қишлийвераркан.

Тўртликлар

- 83) Ёшлик ортда қолди, тургин оёққа,
Азму-шижоатни унитма болам.
Насихат ёқмайди энди қулоққа,
Ақлу фаросатни унутма, болам.
- 84) Бу дунё аслида алдамчи дунё,
Унда лўттибозу нокаслар бисёр,
Сен мардлар қошида мард бўлгин, бисёр,
Хайру саховатни унутма, болам.
- 85) Балки дастурхонинг донм мўл бўлмас,
Омад хам хамиша чараклаб кулмас.
Ким айтар суюнган падаринг ўлмас,
Сабру каноатни унутма, болам.
- 86) Оғам деб кимлардир силар бошингни,
Укам деб, еб кетар бирор ошингни.
Минг бор тарозига солар тошингни,
Макру адоварни унутма, болам.

- 87) Турфа синовларга дуч келган инсон,
Гохида шодондир, гохида нолон,
Чорасиз қолсанг хам, лекин хеч қачон,
Адлу адолатни унутма, болам.
- 88) Дунёда хеч одам бегам эмасдур,
Аклли хар одам хуррам эмасдур,
Бегам бўлса ёки одам эмасдур,
Эй ул одам ахли олам эмасдур.
- 89) Омон берди, злга салом қилувчи,
Саломатлик топди, алик оловчи,
Салом бўлди одам тинчига гаров,
Соглик олар, салом билан қолувчи.
- 90) Зўр кулфат соглиқдан жудо бўлишлик,
Ё фарзанд доғида адо бўлишлик,
Хаммаси ёмону, аммо ёмони,
Ватани туриб, ватангадо бўлишлик.
- 91) Гулнинг ўткир тикони эмас,
Унинг ташки сиймоси гўзал,
Қизнинг ташки чиройи эмас,
Уминг ички дунёси гўзал.
- 92) Хаёт берилади инсонга бир бор,
Лек баҳор қайтади, тақрор ва тақрор,
Омад чўққисига чиққанда аммо,
Пиллапояни хам унутма зинхор.

ЯХШИЛИК ВА ЁМОНЛИК БОРАСИДА

1. Нечун доно каму, аммо нодан күп,
Яхши уч-түрттаю, лекин ёмон күп.
Тил учиды хасад бирла “Яхши” деб,
Босстан изинг ўлчагувчи ҳамон күп.
2. Түгрилик күп яхшидир, оламда қинғирилик ёмон,
Тарбият бирла тузалмас, бағри тош, кирликтік ёмон.
Фарқ этиб яхши-ёмонни сүнгра йўлдош айлагил,
Тилда дўсту меҳрибонлик, дилда қилвирилик ёмон
3. Ёмонлик кўрингай факат “ярк” этиб,
Яхшилик доим ҳам сезилмас балким.
Беш-ўн мунофикация касофати деб,
Хижолат торгади баъзида ҳалким.
4. Ёмон ҳам ўтар, яхши ҳам, яхши бил,
Сени яхши ном бирла ёд этсин эл.
5. Ёмонлик бўлса ҳам ҳар қандай инсон,
Тарбия малҳамин сурткин ўша он.
Илонни кўрдингми, бошин силашса,
Захридан эл учун бермокда дармон
6. Заррача яхшилик бежавоб бўлмас,
Ёмонлик ҳам билгин, жазосиз қолмас.
Атрофга карагин, хисоб бўляпти,
Нени килса инсон шуни кўрятти.
7. Агар ер тинч турсин десангиз, ер устида ҳадеб тўполон
килманг!
8. Ёшимни сўраманг, яхшилар,
Мухиммас нечага кирганим.
Сўраманг не эзгу иш килдим,
Ёшимни сўраманг яхшилар.

9. Яшаган йилларнинг ҳисоби,
Бўлаолмас тарози узра тош.
Хақиқий инсоннинг қийматин
Ўлчамас, ўлчаолмас асло ёш,

10. Одамнинг энг баҳтили вақти – бошқаларга эзгулик қилган онларири.

11. Беминнат қилган эзгулик – энг мақбул ва гўзал эзгуликдир.

12. Мардларнинг ишларин андеша қил,
То тириксан яхши ишни пеша қил.

13. Ёмонлик бўлса ҳам ҳар қандай инсон,
Тарбия малҳамин сурткин ўша он.
Илонни кўрдингми, бошин силашса,
Захридан эл учун бермоқда дармон.

14. Касални кўриш – суннат, аммо бошида давра куриб узок
ўтириш –
бидъатdir.

15. Инсоннинг заифи айни бошқалардан излайди.

16) Бир соатлик адолат, олтмиш йиллик ибодатдан афзal.

17) Яхшилик юзда зиё, қалбда нур, жисмда кувват, ризқда кенглик
ва инсонлар қалбida мухабbat пайдо қилади.

18) Ёмонлик юзда қоралик, қалбда зулмат, жисмда заифлик, ризқда
торлик ва инсонлар қалбida нафрат пайдо қилади.

19) Яхшилик дарахтини эккан, омонлик ва хотиржамлик мавасини
териб олади.

20) Ёвузлик ургуни сепган, пушаймонлик хосилини йигади.

21) Ёмонга кўшни бўлган одам, дengiz сайёхига ўхшайди, у гарқ
бўлишдан кутилса ҳам, кўркувдан кутила олмайди.

22) Кимки алам ва ситам дарахтини экса, укубат ва азоб мевасини
териб олади.

23) Қалбда йигилиб ётган адovat кул остидаги чўғга ўхшайди. Чўғ
ўтинга тушса, ёндириб юборгани каби, адovat фурсати келганида

- газаб ўтига айланади. Бу ёнгинни на сўз, на хокизорлик, на ёлвориш, на хийла, бир сўз билан айтганда хеч нарса сўндираолмайди.
- 24) Мухтожлик соатларини унутгин, аммо улар ўргатганинги унутма.
 - 25) Минг насиҳатдан бир мусибат яхши, у инсоннинг ақл-хушини жойига келтиради.
 - 26) Яхшилик теварагида айланаолмасант, яхшилар теварагида айлан.

Тўртликлар

- 27) Бир гаріб кунгилни қилаолсанг шод,
Яхшидир ер юзин килгандан обод.
Лутфингла бир дилни кул қилаолсанг,
Афзалдир юз кулни қилмоқдан озод.
- 28) Рост ёнида афсус, ёлғон учрайвераркан,
Бир яхшига бир ёмон дучтайвераркан.

КАМТАРЛИК ВА КИБР БОРАСИДА

1. Одамзод курашиб яшар умрбод,
Гоҳ голиб, гоҳ ғамгин, гоҳ мағлуб, гоҳ шод.
Голиблик пайтингда кетма ўзингдан,
Мағлублик онда ҳам қайтма сўзингдан.
2. Гарчи шунча мағрур турса ҳам
Пиёлага эгилар чойнақ.
Шундай экан манманлик нечун,
Кибру ҳаво нимага керак?
3. Камтарин бўл, хатто бир қадам
Ўтма ғурур остонасидан.
Пиёлани инсон шунинг-чун
Ўпар доим пешонасидан.

4. Йўқ нарса ҳам бор бўлур, сен камтар бўлсанг,
Бор нарса ҳам йўқ бўлур, сен манман бўлсанг.

5. Мақтанганд ейди, камтарин қанд ейди.

6. Доно сира “Мен” демайди, “Биз” дейди,
Яхши одам кичикни ҳам “Сиз” дейди.
Ҳалол одам мол – дунёни ўйламай,
Эл-юрт омон бўлсин, деяғам ейди.

7. Кишидаги яхши фазилатларни йўқотиб, ёмон ҳислатларни юзага чиқарадиган нарса - манманлик ва баҳилликдир.

8. Мағрурлик – ақлсизлик аломатидир. Кибрланиш, мағурланиш инсонни ҳалокатга солади. Гарчи мағрур, такаббур кишилар бой, олим, мансабдор бўлсаларда, жамият ўртасида ҳеч қадрлари бўлмайдилар. Уларни кўр-кўронга хурмат қиласидар холос. Охирида бундайлар хорлиқда, ёлғизликда яашага маҳкумдилар.

9. Ақл белгиси – камтарликдир, мутаффаккирлак белгиси эса жим туришликдир.

10. Очкўз, таъмагир одам бой бўлсада, аслида ғарибдир...
- 11) Сабр ва чидам-барча мушкул ишларнинг ечиш калитидир.
- 12) Кишидаги яхши фазилатларини йўқотиб, ёмон ҳислатларини чиқарадиган нарса-манмалик ва баҳилликдур.
- 13) Хар ишда асло ошмай маромдан,
Халолни фарқ қилиш лозим харомдан.
Маромни билмаса кимки хар ишнинг,
Ўз-ўзин бенасиб қиласор оромдан.
- 14) Такаббурликни қилма дилга, пеша,
Товоззу айла хар кимга хамиша.
Бошоқ бошин кўтарди гердайиб, бок
Бошин узди, тушириди ерга ўрок.

МЕХР ВА ОКИБАТ БОРАСИДА

1. Мухтоҷлик соатларини унутгин, аммо улар ўргатганларни унутма.

2. Қарич ерни талашарди,
Икки күшни: “Меники” деб
Ерчи кулар: “Эй нодонлар,
Икковинг ҳам меники”, деб
3. “Ола ёки сингилни излаб чикқан ака ёки ука, то манзилга етгунча жаңнат боғларида юргандек бўлади”.
4. Дўстлар, яхшиларни авайлаб, асраниг,
“Ассалом” деган сўз салмоғин сакланг.
Ўлганда юз соат йинглаб тургандан,
Тириклик чоғида бир марта йўқланг.
5. Бир гарид кўнгилини қилаолсанг шод,
Яхшидир ер юзин қилгандан обод.
Лутфингла бир дилни қул кила олсанг,
Афзалдир юз кулни қилмоқдан озод.
6. Яхшиларни, дўстларим, асрой билинг,
Кадрини, қимматини сақлай билинг.
Ортидан отмангки гийбат тошини,
Хар қачон ўз номингиз оқлай билинг.
7. Дунёда меҳмонлар дунё талашса,
Хешу акроболар ола қарашса,
Бир-бирига ҳасад нигоҳ қадашса,
Ҳайқиргим келади шундайин дамлар:
Бағри кенгроқ бўлинг, азиз одамлар!
8. Тиклансин қайтадан дилдаги имон,
Уйғонсин мудраган покиза виждон.
Локайдликка қарши қайнаб турсин кон,
Дийнатли бўлинг, одамлар!
9. Ўзбекман, иншооллоҳ, иймоним бутун,
Тилим қисиқ эмас башариятдан.
Ким гадир тенгдирман, кимдандир устун,

Зувалам қорилган самимиятдан.

10. Уйға меҳмон келса кулиб чиқ дарров,
Шоду хуррамликка тўлиб чиқ дарров.
Бошингда чарх уриб турсада гамлар,
Мехмонга бошқача бўлиб чиқ дарров.

11. Мард киши ҳар ишни ҳаёда қилас,
Мехмонга қулгисин зиёда қилас.
Мансабда бўлса ҳам, отнинг устида,
Шу куни ўзини пиёда қилас.

12. Нур ёгар ҳар хонага келганда меҳмон яхшилар,
Хуш чиройли кутса кимки яхши мезбон яхшилар.
Келгувчи ким бўлмасин хеш-ахробоми, ёт, бўлак,
Чехранг очиб карши ол қилмай паришон, яхшилар.

13. Меҳмон келса эшикдан, рисқи келар тешикдан

14. Меҳмон келса чоптирас, бор йўгини топтирас.

15. Жамият бўйнига юқ бўлган
Юз йилни қилмайман ҳавас.
Одамлар жонига жон бўлиб,
Бир нафас яшашининг ўзи бас.

16. Кимда гар сахийлик одати йўқдур,
Яхшилик кутмоқнинг хожати йўқдур.

17. Кўнгил деган мамлакатта шоҳ бўл аввал,
Ҳеч бўлмаса битта дўстга тог бўл аввал,
Хоҳ шоҳ бўл, хоҳ гадо, хоҳ буюк бўлгин,
Аввал охир шу злингда суюқ бўлгин.

18. Химматингни тут баланд эл олдида,
Химматингча мартабанг бўлгай баланд.

19. Күнгилни равшан эт меҳру вафодан,
Үгирма юз бурунги ошнодан,
Агар ошнанг факир бўлса, унутма,
Унга ёрдам этишдан қўлни торгма.
20. Ожизу дардмандларга қил карам,
Токи бўлмагайсан жоҳонда мухтарам.
Сен бу иш бирла агар бўлсанг мудом,
Максади аълода тутгайсан мақом.
21. Окшом ганиматдир, наҳор ганимат,
Куй қўшиқ ганиматдир, ёр-ёр ганимат.
Дил тафтин дил тортар деган хикмат рост,
Бу кисқа дунёда дийдор ганимат.
22. Элнинг дарди билан куйсагина жон,
Ўша жон эгаси – ҳақиқий инсон.
Нонга боқ, тандирга ўзини ёккач,
Уни олқишлиайди, ойнаи жаҳон.
23. Давлатинг борида, авжинг зўрида,
Йўқлаб келар хатто бегоналар ҳам.
Давлатинг йўғида, баҳтинг шўрида,
Саломинг олмайди девоналар ҳам.
- 24) Мехр билан туғилган инсон, оқибат билан тирик.
25) Инсон хотира билан тирик, кадр билан улуг.
26) Армонга ачиниб эмас, орзуға интилиб яашаш керак.
27) Кимки бир беморни кўргани борса, етмиш минг фаришта унинг
хаққига истиғфор айтиб, у билан бирга бориб келаркан.
28) Хар ким таъма кўлин тутса агар пеш,
Оқибат бир кун бўлгуси дарвеш.

Тұртликлар

- 29) Сенга бахту-омад тираб юрганлар,
Күзингни ёгини ялаб юрганлар,
Давлатинг гулин еб, сайраб юрганлар,
Құл берган дүстинг ҳам сотаркан бир кун.
- 30) Атрофингда юрган парвоналаринг,
Иzlаринг зор бўлиб пойлаганларинг,
Хатто ёнингда бел боғлаганларинг,
Бир девор қўшнинг ҳам сотаркан бир кун.
- 31) Хаётда меҳрдан яралган инсон,
Меҳрла яшайди хар бир кекса, ёш,
Умр ўткинчидир, ганимат хар он,
Меҳрла яшайлик, азиз замондош.
- 32) Шундайлар бор, сенга лутф айлаб,
Дўстим дея қўлин тутарлар,
Лек хар зум қадаминг пойлаб,
Хато қилишингни улар кутарлар.
- 33) Қиз йўқ уйда сарин сабо эсмайди,
Қиз йўқ уйда жамбил,райхон ўсмайди,
Ўгилларнинг ота билан иши йўқ,
Қиз отасин хар қадамда эслайди.

ОТА – ОНА ХУРМАТИ БОРАСИДА

1. Фарзанднинг яхшиси-дилбанд бўлади,
Отаю-онага бир қанд бўлади.
Ёмони бошингта кўлтирар бало,
Еганинг аччик сўз ва панд бўлади.

2. Она фарзандига меҳрин бермаса,
Ошик ёри учун гуллар термаса,
Фарзанд онасини йўқлаб келмаса,
Хайкиргим келади шундайин дамлар:
Мехрлироқ бўлинг, азиз одамлар

3. Юргбошинг даъватига кулоқ сол ўғлон,
Элим деб, юргим деб яшагин сен ҳар он.
Сен мустақиллик сўзин маъносин уккин,
Ўз кўлингдадир келажак, буюк даврон.

4. Одамзоднинг даврасида табаррук,
Табарруклар даврасида энг буюк.
Энг буюклар даврасида энг суюж,
Онадир ул, онадир ул, онадир...

5. Отага билак, онага юрак бўлинг.
6. Онанинг меҳри ҳам зўр, қахри ҳам зўр.
7. Онангни кандай улуғ иеъмат эканлигини, онасидан жудо бўлганлар билан сухбатлашганда биласиз.
8. Ҳакикий фарзанд ҳар бир соҳада отасининг ҳукмига тобе бўлиши керак.
9. Ота доги куйдирав, она доги ўлдирав.
10. Огаси борнинг унуми бор, онаси борнинг тиними бор.
11. Огаси бор отланмас, онаси бор тебранмас.
12. Фарзанд отадан кўркмасин, отани хурмат қилсин.

13. Огангни гапини икки қилма, икки дунёйинг куйиб кетади.
14. Ислом: “Жаннат оналарнинг оёқлари остида” деб билган, она ризосини олган фарзандга тўғри жаннатга киришга хукук бергандир.

15. Яхши фарзанд ота-онани вазир этади, ёмон фарзанд разил этади.

16. Эй ўгил, қиз! Сен ота-онангни мамнун эта олсанг, дуоларини ола билсанг, улар сенинг жаннатингдир. Агар уларга қиё боқа олмасанг, улар сенинг жаҳннаминг ҳамдир.

17. Ота-она масъулиятини факат ўғиллар ўз зиммасига олади деб, қайда айтилган? Ота-онани асраб-авайлаш, ўғилга ҳам, қизга ҳам бирдай тўтиёдир

18. Айтчи дўстим, ҳаётда қандай бўларди?

Қизлар туғилмаса, она бўлмаса.

Ўзинг ҳам дуёнга қайдан келардинг,
Онанг сени туғиб, катта қилмаса.

19. Ўзинг улгайгандек, кўксинг тоғ этма,
Алла айтган волидангни койитма.

Оқ сут берган онанг дилин оғритма,
Бил, эй фарзанд ота-онанг ғанимат.
Ўғлим сўрамасман сендан мол-дунё,

20. Уй ҳам қуриб берма, майли, аломат.
Майли, кўзларимга бўлмагил зиё,
Ёнимда юрсанг бас соғу саломат.

21. Майли, кўтартмагил мени елкангда,
Қалқон ҳам бўлмагил ёғса маломат.

Бир куни ёстиққа бошим текканда,
Тепамда турсанг бас соғу саломат.

22. Она кечирмаса, мумкинdir, аммо
Ота кечирмаса чора йўқ асло.

Нокобил ўғилдан душман афзалроқ,
Ота англасайди буни аввалроқ...

23. Шул ҳаётдан ризоман, чекмадим андух алам,
Шунга боис шу, азизлар, хўб дуо қилган отам.
Ким отасин ва она, хеш-акрабосин қиlsa шод,
Мен кафилман унга минг бор, кўрмагай бехуда гам.
24. У вафодорларни доим амрида юрган эдим,
Қўл очиб минг раҳмат айтиб лутф ила қилди карам.
Пандини тинглаб, улар режасида юрган эдим,
Ўтди умрим хўб фаровон, бўлмадим харгизда гам.
25. Отанинг қаргиши-отилган бир ўқ!
Она қаргишининг ҳам давоси йўқ.
Эй фарзанд, уларнинг дуосини ол!
Яшиай десанг, қаргиш олишингдан қўрқ.
26. Ҳаётда ота-онадан ризо бўлмоқдан, ота-онанинг розилигига
мусассар бўлмоқдан улуғроқ савобу – баҳт йўқдир.
27. Ота бўлиш осон, оталик қилиш қийин.
- 28.“Ота-онанинг дуоси пайғамбарлар дуосидан ҳам афзалроқдир”
дейишади.
29. “Ҳаётдан маъно-ю мазмун йўқолар,
Юрак танхоликнинг куйини чалар.
Байрамлар байрамга ўхшамай колар,
Агар бу дунёда “аёл” бўлмаса”.
30. Ота онанинг, она эса ҳеч қачон отанинг ўрнини боса олмайди.
31) Ота она беҳад бўлади хурсанд,
Фарзанди бўла олса муносиб фарзанд.
- 32) Таниклигу-шарафинг отангданур, меҳрибонлик, мушфиқлик
онангдандир.
- 33) Огаси яхши-биттаси яхши, онаси яхши-хаммаси яхши.
- 34) Огаси ёмоннинг бири ёмон, онаси ёмоннинг бари ёмон.

- 35) Дүстни хўрлаш-гунох, умр йўлдошни хўрлаш-юз хисса гунох, ота-онани хўрлаш-минг хисса гунох, гўдакни хўрлаш-чексиз гунох.
- 36) Аёли хўрланган оиласда мискин фарзанд тарбияланади.
- 37) Онангни бошингда тутсанг, синглингни кафтингда тут.
- 38) Ота-онанинг юзига қараб ўтиришликнинг ўзи катта ибодатдир.
- 39) Ота қаргишига учраган фарзанд, қанча харакат килса ҳам ҳаётда бебахтдир.
- 40) Отанг қадрини билсанг, одам қадрини биласан.
- 41) Ота бўлиш осон, лекин оталик қилиш кийин .
- 42) Агар аёл бўлмаса, хар қандай хонадоннинг баҳти кемтик бўлиб тураверади.

Тўртликлар

- 43) Ҳаётин айланса дўзахга бир кун,
Якининг айланса узокқа бир кун,
Дўстларинг айланса тузокқа бир кун,
Билгинки,бораринг ота-онангдир.
- 44)Дардларинг сен билан ютгувчи улар,
Кетсанг гар сафарга кутгувчи улар,
Йикилсанг кўлингдан тортгувчи улар,
Билгинки,калрдон ота-онангдир.
- 45)Кувонсанг қувониб багрига босган,
Кўзлардан асрабон туморлар осган,
Шодлигинг кўрганда қувониб,тошган,
Билгингки,азизинг ота-онангдир
- 46)Сахрода ўхшагай аёлсиз дунё,
Куригай, қакрагай аёлсиз дунё,
Туюлгай ғалати аёлсиз дунё,
Чунки жим қолади аёлсиз дунё.
- 47) Молу-давлат кўша-кўша келса ҳам,
Юрган йўлинг сулувларга тўлса ҳам,
Кўзинг тойиб, иймонинг суст бўлса ҳам,
Уйдаги ёр, фариштангни йиглатма.

- 48) Узок умр күрай десанг, дуо олгин,
 Бахтдан каср курай десанг, дуо олгин,
 Соф-омон юрай десанг, дуо олгин,
 Дуо олгин отанг бирла онангдан сен.
- 49) Күнгил қуши: “Кезсайдим, күп олам” деркан,
 Хофиз: “Кани, зүр бүлсайди нолам” деркан,
 Ота-она ўлгунча “болам” деркан,
 Айтинг дүстлар, фарзанд қачон отам деркан, онам деркан.
- 50) Ҳаётдан маъно-ю, мазмун йўқолур,
 Юрак танҳоликнинг куйини чалар,
 Байрамлар, байрамга уланмай қолар,
 Агар бу дунёда “аёл” бўлмаса.
- 51) Чиқмаса қиздир, ўғил ота-она фармонидан,
 То ҳаёт экан улар, аъло кўтарар ўз жонидан,
 Кексайиб колган чоги, тез-тез келиб, холин сўраб,
 Кўнглингиз нима тилар деб, ол хабар туз-нонидан.
- 52) Соглом аёл керак ҳаётга,
 Фарзанд ўстиришга, рўзгор тутишга.
 Ёр кўнглини олишга, меҳмон кутишга,
 Яна қанча-канча дардин ютишга.
- 53) Кариси бор уйнинг париси бордир,
 Кариси бор уйнинг зариси бордир,
 Яхши ниятлари доимо ёрдир,
 Кексалар доуга қўл очса агар.

СЎЗЛАШ ОДОБИ БОРАСИДА

1. Бир сўз бор, у эрталабдан бошланур,
 Одобнинг боши ҳам – ундан бошланур.
 Уни одат қилган етар муродга,
 Одат қилмаган-чи, қолар уятта.
2. Омон берди, элга салом қилувчи,
 Саломатлик топдик, алик оловччи.

Салом бўлди одам тинчига гаров,
Соглик олар, салом билан қолувчи.

3. Дил меҳригиёси саломим менинг,
Юрагим кимёси саломим менинг.
Ҳақ ёки ноҳақдан кўнгил синганини,
Амар мўмиёси саломим менинг.

4. Оғиз ичидаги тил, қин ичидаги яширинган қиличdir.
5. Тил тезлигидан, қадам тезлиги яхши.
6. Тил борки бол келтиради, тил борки бало келтиради.
7. Ножинс сухбатидан илондан кочгандай қоч!
8. Гўзал сўзлар факат амалга оширилгандагина чиройли натижалар беради.
9. Фазаб – шундай бир оловки, у ўз соҳибини ёндиради. Жавобни юмшоги газабни сўндиради, сўзни каттиғи эса, одамни ўлдиради.

10.Икки нарса керак вужуд учун, бил:
Биринчиси дилдир, иккинчиси – тил.
Дилни сен меҳр ила шафкаттга тўлдир,
Тилни ҳақиқатнинг ўткир тиги қил.

11. Севдирган ҳам тил, бездирган ҳам тил,
Тўғридан эгрига оздирган ҳам тил.
Тохирнинг дарёга оқизган хатто,
Мажнуни чўл, даштда кездирган ҳам тил.

12. Яхши сўз илонни чиқарармиш индан
Ёмон сўз инсонни чиқарармиш диндан
Қаранг, бир оғизнинг ажиб, хикматин
Гоҳ шакар, гоҳ захар тўқилур ундан.

13. Яхши гапга чиққар илон инидан,
Бад сұҳандан яроғ чиққай қинидан.
Яхши сўзлаб ёвни ҳам ўрток қилинг,
Белга ҳиммат камарин белбоғ қилинг

14. Тилдан чиқарма бу ёлғон сўзинг,
Бу ёлғон туфайли қародур юзинг.
Ёру дўстга доим яхшилик ўйла,
Улуғу кичикка боқа бил кула.
15. Оғзига келганини демоқ нодоннинг иши,
Олдига келганини емоқ ҳайвоннинг иши.
16. Сўз – инсон юрагининг калитидир.
17. Ўз тилимизни билмаслик, буюк бобокалонларимизнинг гапларини унугтиш – кечирилмас холат, хатто жиноятдир.
18. Бир оғиз ширин сўз айтмоғинг учун,
Пулнинг ҳожати йўқ, сотиб олмассан.
Асло сарф этмассан ортиқча кучинг,
Ва асло отдан тушиб қолмассан.
Бир оғиз ширин сўз айтмоққа фақат,
Кўнгилда иштиёқ, истак бўлса бас!
19. Яхши сўз айтиш ҳам савоб.
20. “Оғиз ичидаги тил қин ичидаги яширган қиличдир”.
- 21.“Тил тезлигидан, қадам тезлиги яхши”.
- 22.“Тил тинч бўлса, бош саломат бўлади”.
23. Жаҳонда гўёки султон эрур тил,
Қалбларга севинчу, ҳам жон эрур тил.
Ноўрин айтгилса, дилинг ранжитиб,
Умрингга заволу зиён эрур тил.
- 24) Ширин ва эзгу сузлар оқиб турган зилол сувга ухшайди. Зилол сув қаерга оқиб борса , бу ерда анвойи чечаклар униб чиқади.
- 25) Еру-осмон дуо билан омон
- 26) Ширин сўзли шилгай душман пўстини, дағал сўзли душман қиласар дўстини.
- 27) Фарзанд ўйи-ўйлатади, ўйламай кўрчи, сўзламасанг сўзлатади, сўзламай кўрчи.
- 28) Сўзингни эшитишларини истасанг қаттиқ гапир,

Уни тушунишларини истасанг, ишдан гапир, хурмат
қилишларини истасанг, түғри гапир, эслаб қолишларини истасанг,
ақлли гапир, шуларнинг хаммасига бир гапда эришмоқчи бўлсанг,
кулдириб гапир.

29) Инсон кимлигини билмоқчи бўлсанг, унинг гапиришини кутиб
тур, чунки унинг тили сенга қалбидаги ширин нордон хуштаму-
аччик нарсаларни хадя этади.

30) Кўп гапириш ақлнинг озлигидан, ёлгон сўзлаш ироданинг
заифлигидан, овознинг баландлиги ичida ҳеч нарса йўқлигидан
далолат беради.

31) Ҳар қандай одамга ишониб сирингни айтма, ҳар қандай
душманга эса зулмингни ҳаддан оширма, душманинг дўст бўлиб
қолиши, дўстинг душманга айланиши мумкин.

32) Кишининг тойиши-оёгини шикастлайди, тилнинг тойиши барча
неъматлардан маҳрум этади.

33) Оғзига келганни демоқ, нодоннинг иши, олдига келганини емоқ
хайвоннинг иши.

34) Сувнинг мазаси муз билан, ошнинг таъми туз билан, инсоннинг
яхшилиги-сўз билан.

35) Сўзни кўнгилда лиширмагунча тилингга чиқарма.

Тўртликлар

- 36) Ўйлаб гапир, кўнгил ранжир,
Арзимаган бир сўз билан.
Аммо лекин олиб бўлмас,
Дилни баъзан минг сўз билан.
- 37) Салом бермоқлиқдур элга яхши одоб,
Доимо топурсан, нурли саодат.
Аллоҳим берибди сенга соф калом,
Хаётда доимо бўлгин серсалом.

Азиз китобхон!

Сиз ибратли ривоятлар, хикматлар билан танишдингиз. Улар сизнинг маънавиятингизни бойитишга озгина булса хам ёрдам берганига шубҳам йук.

Шуни айтиб ўтишни лозим топдимки, сўнгти пайтларда ота – оналар томонидан кўп холларда фарзандларига тез айтишлар, топишмоқлар айтилмаётганлиги, маколлар, хикматларнинг магзини чакиши ўргатилмаётгани, балки ёшларимизда фикрлаш, ўйлаш, мулоҳаза қилиш қобилиятини сўндириб бораётгандир. Бугун ёшлар учун мулоҳаза қилишдан кўра, таклид қилиш осонроқ бўлиб бормокда. Ноконуний йўллар билан юртимизга кириб келаётган видеолавҳалар, клиплар, интернетдаги лавҳалар таъсирида ёшларимиз ўз ҳаётларига янгидан – янги одатларни олиб кирмоқдалар. Бу одатларнинг кай бири улар ҳаётини мазмунли қиласи, қай бири баҳтсизлик сари етаклайди, буни ҳаётнинг аччик – чучугини тотган катталар ёшларга эринмай тушунтиришлари керак.

Ўзгаларнинг сийқаси чиқиб кетган удумларига хавас қилгандан кўра, ўзимизнинг миллий удумларимизни асраб – авайлаб, ёшларга доимо уқтирайлик. Булар ибратли ривоятларда, хикматларда, мақолларда ўз аксини топган десак, адашмаган бўламиз.

Мундарижа

Сүз боши	3
1. Инсон кўнглини нозиклиги ҳақида	5
2. Сўз қудрати ҳақида.....	7
3. Мехр-оқибат ҳақида.....	13
4. Кайтар дунё ҳақида.....	16
5. Кибр, ноҳақ зулм ва ҳасад ҳақида.....	17
6. Камтарлик ҳақида.....	23
7. Саломлашиш ҳақида.....	24
8. Она меҳри ҳақида.....	25
9. Отани норизо қилиш ҳақида.....	35
10. Она алласи ҳақида.....	39
11. Мехмондорчилик ҳақида.....	42
12. Савоб ҳақида.....	44
13. Ҳалоллик ҳақида.....	47
14. Яхши ном билан яшаш ҳақида.....	54
15. Акл ва фаросат ҳақида.....	55
16. Илм ўргатиш ва ўрганиш ҳақида.....	58
17. Имом ал Бухорий ҳақида.....	60
18. Табиятни асрараш ҳақида.....	62
19. Боболар хикмати	65
20. Ҳикмат – мўмин кишининг йўқотган нарсасидир.....	66
21. Одоб ва аҳлоқ борасида.....	69
22. Яхшилик ва ёмонлик борасида.....	76
23. Камтарлик ва кибр борасида.....	78
24. Мехр ва оқибат борасида.....	79
25. Ота – она хурмати борасида.....	84
26. Сўзлаш одоби борасида.....	88

**Мухаррир: З. Салоҳиддинов.
Техник мухаррир: Б. Ахмедов.
Дизайнер: Б. Зияев.**

Босмахонага 2017 йил 05 ноябрда берилди. Босишига 2017 йил 10
ноябрда руҳсат этилди. Бичими 60x84 1/16. Ҳаими 13,5 босма тобок.
Times New Roman гарнитураси, оғсет югози, оғсет усулида чоп
етилди.

**“Step by step print” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Андижон шаҳар Храбек кўчаси 94-б уй.
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг
27.06.2014 даги 12-3299. ракамли гувоҳномаси.**